

445

Ўттиз саккизинчи йил чиқиши

Сафар 1445х
Сентябр 2023м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Ғарбдаги одамлар бахтлими?

Муносабатларни нормаллаштириш
келишувлари (Иброҳим келишувлари)
ҳамда Яқин Шарқдаги стратегик
иттифоқ... халқаро рақобат
Исроил минтақадаги асосий ўйинчи(1)

15

Табиий офат ва
инқирозларни капита-
лизм ва Ислом нуқтаи
назаридан келиб чиқиб
бошқариш

35

Уламолар ҳал қилувчи
ролни ўйнайдиларми?

43

Саудия мусулмон-
ларни спорт билан
чалғитиш учун
6 миллиард доллар
сарфламоқда

83



445

Ўттиз саккизинчи
йил чиқиши
Сафар 1445х
Сентябр 2023м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ғарбдаги одамлар бахтлими? 3
- Ҳазорат ҳамда унинг инсониятга таъсири 10
- Муносабатларни нормаллаштириш келишувлари (Иброҳим келишувлари) ҳамда Яқин Шарқдаги стратегик иттифоқ... халқаро рақобат
Исроил минтақадаги асосий ўйинчи (1)... 15
- Қуръони Каримга қарши фитналар тўқилди ва тўқилмоқда... Аммо уни асрлар давомида ўз ҳифзу ҳимоясида асрашга Аллоҳнинг Ўзи кафил бўлган..... 24
- Табиий офат ва инқирозларни капитализм ва Ислом нуқтаи назаридан келиб чиқиб бошқариш 35
- Уламолар ҳал қилувчи ролни ўйнайдиларми? 43
- **Олам муслмонлари хабарлари** 56
- **Қуръони Карим суҳбатида** 62
- **Жаннат боғлари:** Афв ва офият неъматини..... 72
- Рошид Халифаларнинг илк нутқлари .. 78
- **Сўнги сўз:** Гардиан: Саудия муслмонларни спорт билан чалғитиш учун 6 миллиард доллар сарфламоқда 83
- Кўрфазни исроил билан келиштириш... Кўрфаз халқлари бунга қарши..... 84



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ҒАРБДАГИ ОДАМЛАР БАХТЛИМИ?

Соир Салома (Абу Молик)

Бахт ва хотиржамликни тушунишга келсак, одамлар уларни тушунишда ва воқеликда уларга баҳо беришда бир-биридан фарқ қилади. Масалан камбағал одам ўз бахтини бойиб кетишда деб ўйлайди. Касал одам ҳам тўлиқ тузалиб кетсамгина бахтга эришаман деб билади. Материалистлар ғариза ва узвий эҳтиёжларни максимал даражада кондиришни, шунингдек, эркинликлар жilовини, хусусан, шахсий эркинлик жilовини бўш қўйишни бахт деб билишади. Чунки улар бахтни «лаззат», «завқу шавқ» ёки «фаровонлик» деб тушунишади. Бу – чексиз ижтимоий тартибсизликлар кўринишида, шунингдек, зўравонлик, касалликлар, оилалар бузилиши, гиёҳвандлик, жиноятчилик, тарихда мисли кўрилмаган даражада қамокхоналарнинг тўлиши каби муаммоларнинг кенг тус олишида ўз аксини топди. Ҳокимият, шон-шуҳрат ва бойликка эга бўлиш, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бойликни кўпайтириш энг олий ғояга айланди. Бу ҳолат шундай бир синфни пайдо қилдики, бу синф мамлакатлар бойликларини назорат қилишга қодир. Шунингдек, шундай бир халқни пайдо қилдики, бу халқ ўша синф эҳтиёжини кондирадиган тарзда у учун ишлайди. Натижада аҳолининг беш фоизидан ҳам озроғи бойликнинг тўқсон фоизига, шунингдек, ҳокимиятга эгаллик қилади. Бойликнинг қолган қисми бошқаларга тақсимланади ва бунга оғир турмуш (шахслар ва оилалар бўйнидаги улкан қарзлар), машаққатли меҳнат ҳамроҳлик қилади. Натижада уларнинг наздидаги бахтнинг сабаблари ҳақиқий бахтсизлик сабабларига айланди.

Эҳтиёжларнинг моддий кондирилишига, кайфу сафога, бир лаҳзалик роҳатланишга, ютуқлар билан фахрланишга ва фаровонлик даражасига таянишга эътибор бериш, шу билан бирга руҳий қийматларни ва уларнинг кондирилиши кераклигини эътиборсиз қолдириш ҳаёт ҳақидаги номукамал тасаввурга олиб келади ҳамда бу бахтнинг қалбдаги таъсирига мос келмайди. Бахтнинг инсон қалбдаги таъсири хотиржамлик, руҳий

тинчланиш, ақлий етуклик, ижобийлик ва инсоннинг ўзидан қониқишида намоён бўлади. Инсоннинг ўзидан қониқиши турмуш тарзи асосларининг тўғрилигига ва ҳаётдан кўзланган мақсаднинг аниқлигига, шунингдек, инсон унинг учун яшаётган ҳақиқий ижобий маънонинг мавжудлигига қаноатланиши билангина амалга ошади. Шунингдек, инсон бунинг учун ўзи эга бўлган ва у орқали ҳаётини юргизаётган фикр ва туйғуларнинг тўғрилигига ҳам қаноатланиши керак бўлади. Зеро, фикрлар инсонга ҳаёт босимларини қониқиш ва хотиржамликка олиб келадиган даражада тўғри талқин қилиш орқали уларга қарши курашишнинг ҳақиқий қобилиятини беради.

Аmmo биз кўряпмизки, Ғарб ҳазорати даври шифокорлар сўз бойлигини психологик стресс, ташвиш, тушкунлик, умидсизлик, шизофрения, истерия, галлюцинация ва булардан бошқа сонсаноксиз психологик касалликлар билан тўлдирди. Шунингдек, шон-шуҳрат чўққисида бўлган машҳур бойларнинг ўз тасаввурларида ҳаётни мазмунсиз деб билганликлари туфайли ўз жонларига қасд қилишаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки ютуқлар, шон-шуҳрат, бойлик, ҳашаматли ҳаёт ва фаровонлик билан фахрланиш бахтга эришишнинг ҳақиқий қафолати эмас. Негаки, буларнинг ҳақиқий бахтни рўёбга чиқариш қобилияти турмуш тарзи асосларининг тўғрилигига бўлган ишончга, шунингдек, ҳаёт ҳақидаги тўғри тушунчалар мавжудлигига боғлиқ. Шон-шуҳратнинг нури сўниб, бойлик камайиб ёки фаровонлик тангликка айланиб, инсон буларни қандай изоҳлашни билмай ҳайратга тушиб қолганида бахтнинг бахтсизликка айланиб қолмаслигининг ягона қафолати турмуш тарзи асосларининг тўғрилигига бўлган ишонч ва ҳаёт ҳақидаги тўғри тушунчалардир. Агар инсоннинг тушунчаларида ёки фикрий меъёрларида унинг бахтини барқарорлаштирадиган тўғри асослар бўлмаса ёки унинг фаровон турмуши «аччиқ-ҳалокатга» айланиб қолса, у тезда тушкунликка тушиб қолади ҳамда унинг ўзидан ва жамиятидан қониқиши парчаланади.

Ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондиришнинг энг муҳим жиҳати уларни қондиришнинг ўзи эмас, балки уларни қандай қондириш (яъни, қондиришни тартибга солиш)дир. Чунки масала инсоннинг қанча овқат ейиши, қандай кийим кийиши ва қанча бойликка эга бўлиши эмас. Аксинча, масала инсоннинг ейдиган овқатини сотиб оладиган пулни қандай топиши ва бойликка қандай йўл билан эга бўлишидир. Иқтисодий ҳаётни тартибга солувчи низом судхўрликка асосланган қарз тизимини жорий қилиш орқали

одамларнинг бойликка эга бўлишини муваффақиятли амалга ошира оладими?! Ҳолбуки, судхўрлик қарз тизими одамларни, оталар ва фарзандлар умр бўйи тўлайдиган ҳаддан ташқари катта қарзлар юки остида қолдиради. Бу тизим бойларни янада бойитиш, камбағалларни янада қашшоқлаштириш учун пухта ишлаб чиқилган.

Масала одамларни яшаши ёки яшамаслигида эмас, балки уларнинг қандай яшашидадир. Яъни уларнинг ғариза ва узвий эҳтиёжларини қондириши бошқалар ҳисобига амалга ошяптими? Ёки бу ерда қондиришнинг бир мувозанати бўлиб, у ушбу мувозанатни тартибга солувчи низомда ўз ифодасини топади? Чунки эҳтиёжлар қондирилишининг номутаносиблиги муқаррар равишда саросима ва ташвишга тушишни келтириб чиқаради ҳамда бахтга эмас, балки бахтсизликка олиб келади. Шундай қилиб, уларнинг «одамлар ҳақиқатда бахтлими ёки бахтсизми» деган хулосаси хаёлий, ўткинчи ва нотўғри меъёрларга асосланади.¹

Бу одамларнинг ўз ҳаётлари лаҳзаларини шодлик ва хурсандчиликда, гўзал манзаралар ва мароқли сайрлардан баҳраманд бўлиб ўтказмаслигини англамайди. Гап шундаки, ҳақиқий бахт инсон ҳаётини тартибга солишдаги мувозанатдан, шунингдек, турмуш тарзидан ва ҳаёт маъносининг тўғри талқинидан келиб чиқувчи хотиржамликдан келиб чиқади. Чунки бахт бахтсизликнинг зиддидир. Жамиятга адолат қилмаган низом унинг аксар қисмини, гарчи уларда вақтинчалик бахтиёр лаҳзалар бўлса ҳам, бахтсизликка айлантиради.

Канаданинг СВС радиоси Нью-Йорк метро бекатларидан бирида ноёб тажриба ўтказган файласуф Ли Макинтайрга мезбонлик қилди. У метро бекатига стол қўйиб, унга «файласуфдан сўранг» деб ёзилган лавҳани жойлаштирган эди. Бироз вақт ўтгач, унинг қаршисига юзидан жиддийлик белгилари кўриниб турган олтмиш ёшлардаги аёл келиб тўхтади. Аёл пальтосини ва бўйнига ўраб олган рўмолини ечиб, қатъий тарзда бундай деди: «Мен олтмиш ёшлардаги аёлман, яхшигина маош билан нафақага чиққанман. Оилам йўқ, ажрашганман. Оғир операциядан кейин яқинда касаллик тўшагидан турдим. Операция натижасида бўйнимда чандиқ қолган. Мен қолган умримда нима қилишим кераклигини ва яшаш учун сабабни билишни истайман».

(1) Устоз Аҳмад Қасоснинг «Исломида бахт тушунчаси» номли маърузасидан.

Бу аёлнинг саволи сизга ҳаётингизни эслатмаяптими? Сиз яшаш учун сабабни биласизми? Умрингиз ва ҳаётингизнинг ҳақиқий маънога эга бўлиши учун қолган умрингизда нималар қилишингиз керак? Ҳаётимиз осон олиб ташланадиган «нозик қатламлар» билан қопланганини, бу ҳаётга мақсадсиз, тушунмасдан ва ҳақиқий саволларни бермасдан шўнғиб кириб кетаётганимизни воқелик очиб бермаяптими? Вақтимизнинг аксар қисмини банд қилган, биздан ёшлигимизни ва умримизнинг гуллаб яшнаган даврини ўғирлаган амалий ҳаётимизни англаб етиш учун биз нафақага чиқишни кутамиз. Амалий ҳаётимизда мартабага эришишга, лавозимларга кўтарилишга, иқтисодий фаровонликни рўёбга чиқаришга, нималарнидир харид қилишга, сафарга чиқишга, шунингдек, ҳафта якунида дам олиб, энг сўнги фильмларни ва спорт мусобақаларини томоша қилишга шўнғиб кириб кетамиз. Ҳатто қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳаётимизни таъмин этишга ва тўловларни тўлашга ҳаракат қиламиз. Кейин, буларнинг барчаси ҳамда уларга эришиш учун завқ шавқ ва меҳнат машаққатлар билан бирга ўтган ҳаётимиз яшашнинг ҳамда бу борликда мавжуд бўлишимизнинг ҳақиқий сабаби эмаслигини англаб етамиз. Зеро, бу борлик саволлар ташлашга, изланишга, тушуниш ва идрок этишга қодир бўлган ушбу ақлли инсон у ерда ҳаёт кечириши учун аниқ тартиб билан яратилган.

Инсон ўзининг мақсадсиз яшаётгани, инсоннинг ҳаётда бор бўлиши сабабларини бутунлай билмаслиги ва руҳий бўшлиққа дучор бўлганини англаб етиши учун узоқ кутиши мумкин. У бутун ҳаётини ташвиш, чалкашлик ва руҳий тушқунлик билан беҳуда ўтказди. У «ҳаётнинг маъноси нима?» деган саволга жавоб тополмайди. Ваҳоланки, инсон фикрий ва маънавий бўшлиққа, ғайритабiiй хатти-ҳаракатга тушиб қолмаслиги учун бу савол инсон тафаккурдан ажралмайдиган саволдир, инсон борлигини англаб етишнинг асосий шарти ҳамдир.

Сиз ўзингизнинг дунё ҳаётида шундай аҳволга тушиб қолишингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Сизни бу дунё ҳаётига ким олиб келди? Бу дунё ҳаётдан кейин нима бўлади? Сиздан нима исталмоқда? Бу ҳаётга нима учун келдингиз? Ҳаётда мавжудлигингиз сабабини англаб етишингиз учун бу саволларга жавоб топиш муҳимлигини тушунмаяпсизми?

Ҳаёт мартабага эришиш йўлими? Сиз мартабага эришиш учун яшаб, унинг барча тафсилотларига шўнғийсиз. Ҳаёт ғилдираги (ҳаёт тарзи) худди лабиринтга ўхшаб қаттиқ тартиб билан айланишда давом этаётган бир пайтда маош олиш ва тўловларни

тўлаш учун ойнанинг тугашини кутасиз. Сиз бу лабиринтдан санокли лаҳзалардагина чиқа оласиз. Кейин, истамасангиз ҳам, истасангиз ҳам яна ўша лабиринтга қайтасиз. Мабодо биздан бирортамиз ўша лабиринт ичидалик чоғида ундан чиқа олмай вафот этса, ўз ҳаётининг ҳақиқий маъносини топган бўладими? Ҳаётдаги энг асосий савол, шубҳасиз, бу «ҳаётдан кўзланган ғоя нима ва сиз бу ҳаётга нима учун келдингиз?», деган саволдир.

Ҳаёт (ўзининг касбий йўли, бойликлари, тузилиши, ҳиссий ва маънавий завқлари билан) ва ушбу ҳаётда яшаётган инсон мисоли сув ва ундаги балиқ кабидир. Балиқ унда сузади ва ўзининг атрофидаги уммон эканлигини англамайди. Уммон ўзининг ажойиботлари, ҳайратланарли гўзаллиги, мувозанати, хилма-хиллиги билан балиқни ўз ичида яшаши учун қабул қилишга тайёр бўлсада, у бунга билмайди. Унинг ҳаёти очлигини қондириш ва душмандан сақланиш билан машғул бўлишга чекланган. Бугунги кунини худди кечагидек тафаккур қилмасдан ўтказиб яшаётган инсон ҳам шу балиққа ўхшайди.

Ҳаёт неъматларининг тўлиқ бўлиши унинг хусусияти эмас. Шунинг учун инсон бу ҳаётда меҳнатдан неъматга, бахтдан бахтсизликка кўчиб яшайди. Бундан ташқари, бахтсизликка учраган, руҳи синган ва қалбида бўшлиқ пайдо бўлган кишида бундай ҳолат кучайиб, психологик тангликни ва депрессияни пайдо қилиши, уни тушкунликка тушириб қўйиши мумкин. Бу ҳолга тушганларнинг баъзилари улуғлик, шон-шухрат ва бойликнинг чўққисида бўладилар. Бирок, уларнинг қалби хотиржамлик, ижобийлик ва иймонга асосланган бахтдан маҳрум. Бунинг ўрнига уларнинг қалбини ғариза ва узвий эҳтиёжларни максимал даражада қондиришга, эркинликларни, айниқса, шахсий эркинлик жиловини бўш қўйишга асосланган вақтинчалик (ўткинчи) бахт эгаллаган. Бу ўткинчи бахт «завқу шавқ» ва «кайфу сафо»га ёки фаровонлик ва фақат моддий қийматларни рўёбга чиқаришга асосланади. Бу – хотиржамликка олиб келадиган бахт эмас. Чунки у руҳий қийматни, шунингдек, ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондириш билан инсоний, руҳий, моддий ва маънавий қийматларни рўёбга чиқариш ўртасидаги мувозанатни эътиборсиз қолдиради. Ҳақиқий бахт ва хотиржамлик инсон ҳаётини тартибга солишда мувозанатни таъминлайдиган турмуш тарздан келиб чиқади. Натижада одамлар яшашга арзийдиган мақсад ва маънога эга бўлган ҳаётга эришадилар.

Австриялик невролог ва психоаналитик Виктор Франкл бундай дейди: «Бугунги кунда кўп одамлар яшаш имкониятларига эга, ammo улар нима учун яшаётганларини билмайдилар».¹

Агар Ғарб ҳазорати оловида қовурилаётганлар ўзларига шу саволни берсалар ва уларнинг кўзини тўсиб турган юпқа парда очилса, шунда улар ўзларининг бахтли эмасликларини ва вақти-вақти билан ўзлари бошдан кечирган ўткинчи лаззатлар ҳақиқий бахт эмаслигини англаб етадилар.

Агар биз инсон умрини ва унинг бу борлиқда ўтказган кунларини коинот ёши ва абадият билан таққосласак – зотан, у абадиятни яхши кўради – биз унинг кўз очиб юмгудек санокли лаҳзалар эканлигини биламиз. Шунинг учун инсон билан борлик сири-мақсади ўртасида ўзаро боғлаб турадиган узилмас ришта бўлмоғи лозим. Шунингдек, инсоннинг мавжудлигидан (дунёга келишидан) кўзланган ғоя бўлиши лозим. Қандай қилиб бунинг акси бўлиши мумкин?! Ахир, биз ер сайёрасининг умумий хусусиятлари аниқ экологик мувозанат тизими доирасида ҳаётни қабул қилиш учун мослашганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Табиат қонунлари, константалар (ўзгармас миқдорлар) қийматлари ва коинотнинг белгиланган шартлари ҳаётни қабул қилиш учун мосланган. Шундай қилиб, коинот инсонни қабул қилишга ва инсоннинг ўзи бутун тузилиши ва қобилиятлари билан ушбу сайёрада ҳаёт кечиришга тайёрланган. Бас шундай экан, борлиқ ғояси билан инсон ғояси мустаҳкам арқон билан боғланганини албатта англамоқ даркор. Ушбу мавжудотдан кўзланган буюк мақсад кўз очиб юмгунчалик ҳаёт кечириш, сўнг инсон коинот майдонидан бутунлай йўқ бўлиб кетади, деган тасаввур ақлга сиғмайди. Билъакс, бу ерда тўғри тасаввур керак, у ҳам бўлса ушбу инсон қайта тириладиган яна бир ҳаёт бўлиши керак ва у ер инсоннинг бу ҳаёти дунёда қилиб ўтган амаллари ва эътиқодларининг давоми-натижаси бўлиши лозим, деган тасаввурдир.

Ушбу мукамал тасаввур «соғлом диний ақиданинг функциясидир. Бу эса, ушбу ислomий ақиданинг қалбдаги ва ҳаётдаги таъсири ҳисобланади... Зотан, ушбу ақидадан бошқа ҳеч бир ақида бу фоний борлиқни азалий ва абадий қудрат билан боғлай олмайди, бу заиф инсонни ёрдам ва мадад билан баҳраманд

(1) Ёвузлик муаммоси ҳамда Аллоҳнинг мавжудлиги. Доктор Сами Омирий. 26-саҳифа.

қилолмайди.¹ Исломиё ақида инсонни ҳаёт муаммоларига ва турмуш қийинчиликларига қарши туришда асло туганмас ёрдам билан таъминлайди. Зеро, бу ёрдам далил ва ҳужжатга асосланган тўғри ақидавий мафқурадан келиб чиққандир. Ҳужжат-далиллар эса, қалбларни иймон, ризо ва таслим билан тўлдирса, иймон – коинот, инсон ва ҳаётни яратган ва ҳаёт ишларини бошқариб турадиган зот билан ҳақиқий алоқага асосланади. Бу, албатта, инсоннинг зиммасига тушадиган жавобгарликларга мувофиқ ҳаётни тартиблаштириш кераклигини пухта тушуниш билан бўлади. Шу билан бирга, булар Аллоҳ инсонга айни жавобгарликни тўлиқ ҳажмда адо этишида керакли барча воситаларни бўйсундириб берган бир доира ичида амалга ошади. Борликни яратувчиси билан боғлаш инсонни замон қийинчиликларига, ҳаёт аччиқлари ва муаммоларига нисбатан ҳар доим орзу умид билан ижобий қарайдиган инсонга айлантиради. Кимда-ким шундай имонга эга бўлса, барча ғам-ташвиш, хавотир ва тушкунлик сабабларига дош бера олади, уларни ҳаётдан қайтариб, соғлом қалб билан яшайди!

Бундай баркамол тасаввур ёлғиз Исломда бор. Ғарбликлар буни англашармикин? Буни англаб етиб, ғарбча оний ўткинчи эгоистик фикрлашдан қутулишга ҳамда таъсири кейинги ҳаётга ҳам уланадиган исломиё мафқура кенглигида яшашармикин?! □

(1) Дунё тинчлиги ва Ислом. Саййид Қутб. 8-саҳифа.

ҲАЗОРАТ ҲАМДА УНИНГ ИНСОНИЯТГА ТАЪСИРИ

Абу Мустафо

Ҳазорат-дунёқарашлар фалсафасидан келиб чиққан фикрларга ҳаётда амал қилинганда бу фикрлар одамларнинг ҳаёти қандай бўлишида туб бурилиш нуқталарини яратади. Ҳазоратларнинг айримлари инсон фитрати учун хавфли ва ғайритабiiй бўлса, айримлари инсоният учун таскин берувчи ва роҳатбахшдир. Зеро, ҳазоратлар коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги қарашлар бўлиб, жамиятларни ва давлатларни ташкил этишда ушбу ҳазоратларнинг ўз тушунча ва сақофатлари мавжуддир. Инсоннинг таназзулга юз тутишида ёки унинг тараққий этишида ҳазоратнинг таъсири катта.

Капиталистик Ғарб ҳазорати ўзининг халқлар мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш учун келганини даъво қилади. Агар унинг фикрий ва доктринал тузилишини ўрганиб чиқадиган бўлсак, биламизки, у қоронғи тарих ҳамда подшоҳ ва ҳукмдорларнинг ёмон бошқаруви таъсири остида қолган давр босқичини бошдан кечирган ақлиядан (менталитетдан) келиб чиққан. Ўша подшоҳлар золим ва мустабид бўлган. Уларнинг бор ғам-ташвишлари салтанат, бойлик, ҳаётдан ва унинг зийнатларидан кўпроқ фойдаланиб қолиш, халқлар ва элатлар ҳисобидан бойликларга эришиш ва бу бойликларни сақлаб қолишдан иборат бўлган. Улар халқ ҳимояси, халқ ҳазорати ҳимояси, тинчлик ва осудалик ҳамда фаровонлик ва юксалишни байроқ қилиб давлатни халқларни эзиш ва уларни шантаж қилиш куралига айлантириб олишган. Агар Ғарб ҳазоратининг интеллектуал асосларига қайтадиган бўлсак, у ўзининг ҳазоратидан келиб чиққан бу фикрларнинг натижаларини, унинг ҳалокатли оқибатларини, ўз жамиятларида келтириб чиқарган бузуклик, адолатсизликларни, халқларнинг қашшоқлик ва азоб-уқубатларини ҳисобга олмаётганини ва кўрмаётганини гувоҳи бўламиз. Илмоний фикр ва унинг капиталистик мафқурасидан келиб чиққан ушбу ғоя ва сақофат жоҳил ва алданган халқларга ўзини одамларнинг истаклари ва қизиқишларини қондирувчи шифобахш балзам қилиб кўрсатди, ҳолбуки, шу халқлар мана шу капиталистик мафқуранинг оловида жизғинак бўлмоқда. Бу мафқураларни инсон ақлини қаноатлантирмаслигига ҳам, унинг табиатига мувофиқ келмай, қалбини хотиржам қилмаслигига ҳам эътибор бермай уни қабул қилавериш ҳамда айни фикр ва тушунчалар сабабли янги-янги муаммолар келиб чиққанлиги... мана шуларнинг барчаси ушбу сохта бузғунчи, яроқсиз ва очкўз ҳазоратни қабул қилишдан олдин қайта-қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Ғарб ҳазоратининг

инсон ақлиясида ва унинг фикрлаш тариқатида юзага келтирган бузуклик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ушбу ҳазоратдан келиб чиққан фикрлар фалсафасини тўғри-нотўғрилигини, қандай пайдо бўлганлигини ва унинг сақофати асосларини ўрганиб чиқиш лозим. Чунки айтилаётган ёки ёйилаётган ҳамма сўзларни ҳам жамият ва давлат ўзига сиёсат сифатида қабул қилиши ножоиздир. Бугунги кунда биз Ғарб ҳазоратидан келиб чиққан фикрлар юзага келтирган касофатларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу гарчи жарангдор иборалар билан безатилган бўлса ҳам, Ғарб ҳазоратининг бузук ва хаёл эканлигига яққол далилдир. Унинг ҳазоратдан келиб чиққан фикрлари бир тийинга қимматдир. Чунки бу фикрлар эътиқодий, сақофий ва ахлоқий томондан ўта тубандир. Масалан, унинг тизимлари зулмкордир. Фикр эркинлиги ҳақида оғиз кўпира туриб, тақиқ, ҳибсга олиш ва ўлдириш билан одамларнинг оғзиларини ёпади. Инсон кадр-қиммати ҳақида гапиради-да, унинг тузумларида хотин-қизлар номуслари матоҳ каби олди-сотди қилинади. Инсон ва унинг соғлиғини ҳимояси йўлида ичкилик ва гиёҳвандликка қарши курашяпмиз, дейди-да, аслида унга катта йўл очиб беришади... Ижтимоий, оилавий робиталар ҳам парчаланиб, тугаб битган. Оилавий ва ижтимоий муносабатларда худбинлик, нафсига қуллик аломатлари яққол кўриниб туради. Ота-оналарда, ака-укаларда ҳис-туйғу ва фикрлаш қолмаган. Ҳатто жамият ва оила ҳайвонлар подасига айланиб қолган. Ёки ундан-да баттар аҳволга келган.

Иқтисодий жиҳатдан эса, мамлакат бойликларини монополия қилиб олиш ҳукмрон. Халқлар эса, кун кўриш учун қорин тўйдириш ортидан ҳаллослаб елиб югуради... Халқаро сиёсатда эса, Фаластин, Ироқ, Афғонистон, Сурия ва Яманда бўлганидек террорчилик баҳонасида мамлакатларни босиб олади ва уларни мустамлака қилади. Юқорида санаб ўтилгандан бошқа жуда кўп исломий юртлар Ғарбнинг гегемонлиги остида азоб чекмоқда. Улар бизларнинг жамиятларимизга алоқадор бўлган оммавий ахборот воситалари ва сиёсий доиралар орқали сақофат, мулоқот, бошқаларнинг фикрини ҳурматлаш, бошқа динларга эҳтиром кўрсатиш байроғи остида ўзларининг мустамлакачилик лойиҳаларини кеча-ю кундуз, ҳеч бир ҳаё ва андишасиз инсонлар қулоғига ногора қилиб чалмоқдалар. Улар қатъиятсиз кимсаларни сотиб олиб, ўзларининг ифлос ҳазоратини ва демократик деб аталувчи фикрларини тинимсиз сиздириш учун ҳар хил партия ва ҳаракатларни пайдо қилишмоқда. Улар янгилик ва тараққиёт

Баҳонасида Исломий халқларни ҳам, ғайриисломий халқларни ҳам аянчли аҳволга олиб келишди. Лекин, мусулмон халқларга Ғарб ҳазоратининг ҳам, унинг фикрларининг ҳам ичи бўм-бўшлиги, чириб битганлиги, уларда ҳеч қандай адолатдан нишон ҳам йўқлиги кўриниб қолди. Энди мусулмон халқлари уларнинг жирканч ҳазоратидан чиққан бу фикрларга алданмайди. Агар уларнинг темир ва олов билан бошқаришлари ва зolim тизимлари бўлмаганида эди, уларнинг тахтлари ҳам, яратган давлатлари ҳам кулаган бўларди. Бироқ биз шояд Аллоҳ қийинчиликдан кейин осонлик берса ва кофирлар қай оқибат томон кетаётганларини билиб қолишса деймиз.


Исломий ҳазорат ва унинг фикрий ва сақофий асосларига келсак, у халқларни жаҳолат ва ақидавий хурофотлардан халос қилишда шахс, жамият ва давлатнинг барча даражаларида ижобий таъсир кўрсатди. Исломий ҳазорат татбиқ этилиб, унинг фикрлари ва аҳкомлари қабул қилинган, у мана шу инсоният ҳаётида адолат ва хотиржамлик қандай ҳукм сурганини кўрсатди. Зеро, Ислом ҳазорати инсоннинг ўз жамиятида юксалишини таъминлайди. Бу ҳазоратда инсонлар юксаклик сари кўтарилаверади. Шахс, жамият ва давлат томонидан Ислом идрок этилганда ақллар ва қалблар юксалаверади. Ислом ҳазорати инсонга махлуқ эканлигини, холик эмаслигини баён қилади. Қонун чиқариш коинот, инсон ва ҳаётни яратувчисининг иши эканлигини баён қилади, инсониятнинг ишини Аллоҳ тадбир этишини ҳамда инсон Аллоҳнинг рисолати бўйича юриши лозимлигини маълум қилади. Инсоннинг ақли ташреъ маноти эмас, таклиф маноти эканлигини тушунтиради, яъни инсоннинг ақли қонун чиқариш учун эмас, балки Аллоҳ чиқарган қонунларни ижро этиш учун яратилган. Негаки, ақлнинг ўзида бошқага бўлган эҳтиёж бор, ожизлик ва ноқислик бор. Инсон ўзи нима учун яралганлиги ҳақидаги ғояга етиши учун бу дунёда ўз ишларини тартибга соладиган, бошқарадиган Зотга жуда муҳтож. Бутун оламга раҳмат қилиб юборилган, ҳукм мезонларини ўзгартириб юборган, бандаларни бандаларга ибодат қилишдан бандаларнинг Роббисига ибодат қилишга олиб чиққан ҳамда Рум, Форс, араб мушриклари зулмидан илоҳий ҳақ ҳукмронлигига олиб чиққан Муҳаммад ﷺ инсониятга юборилгандан бошлаб Ислом инсонларнинг диққат маразидан жой олди. Ислом билимдон, олим ва сиёсатчилардан тортиб барча табақадаги одамларни, раҳбарларни, ҳокимлар ва маҳкумларни, мустабид тузумларни Ислом низомига бўйсундириб қўйди. Зеро, Ислом ҳазоратидан келиб чиққан Ислом низомини ҳамда ўзининг сиёсатида Ислом

аҳкомларини татбиқ қиладиган давлат сиёсатини мисл кўрилмаган асари бўлди. Негаки, Ислом ақидаси руҳий сиёсий ақидадир. Унинг Халифаликда гавдаланган ҳукм низоми халқларни ҳар қандай шароитда, қийинчиликда ҳам, фаровонликда ҳам Исломдан соя излайдиган қилиб кўйди. Ислом Халифалиги ҳар қандай золим ва зўравондан ҳимоя қилувчи кўргондир. Ҳимоя халқларнинг манфаатига қаратилади. Ислом Халифалигида у кўтараетган фикрлар, сақофат ва тушунчаларнинг кадри баланд бўлади. Шунинг учун мусулмон халқларни воқеликни ўзгартириб, уни инсониятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган Ғарб ҳазоратидан олинган анави жинойтчи тузумлардан ва унинг фикрларидан тозалаб ташлашлари лозим. Зеро, у, яъни капиталистик ҳазорат жамиятларга меҳр-шафқат ва инсонийлик билан қарамайдиган шахсий, худбинона манфаатларга эришишдан иборатдир. У келтириб чиқарган сунъий урушлар, инсониятни очикдан-очик бузиб юбориш, одамзотни кириш ва уларни ўз юртларидан қувғин қилиш бунинг яққол мисолидир.

Халифалик Ислом назарида энг устувор фарзлардандир. Негаки, Халифалик мавжуд бўлгандагина Ислом тўла татбиқ этилади. Ҳақиқий бошқарув мана шу Халифаликда бўлади. Халифаликда энг аввало Аллоҳнинг розилигига эришилади. Куфр кириб олиши мумкин бўлган ҳар қандай дарчалар мусулмонлар томонидан ҳимоя қилинади. Ишлар бошқарилади, шикоятлар ҳал қилинади. Росулulloҳ ﷺнинг

«إِنَّمَا الْأِمَامُ جَنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَّقَى بِهِ»

«Имом-халифа қалқондир, унинг орти туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади», деган муборак сўзлари асосида Ислом Уммати азиз ва мукаррам бўлади. Халифалик давлатидаги ҳукмрон фикрлар бизга шахсий ва умумий мулкларни, шунингдек, давлат мулкларини талон-торож қилинишдан сақлаб қолишга қодирлигини кўрсатади. Халифалик ўз тизимлари билан, ўз жавобгарлиги ва васийлиги остида бўлганларнинг жамиятга хизмат кўрсатишларига тўсқинлик қилмайди. Аммо ўзининг жавобгарлиги остидаги хизмат кўрсатувчи муассасаларни айрим шахслар томонидан сотиб олиниб, уларда инвестицион лойиҳалар амалга ошириладиган муассасаларга айлантормади. Халифалик жамият орасида ҳеч қандай синфий низо келиб чиқишига йўл бермайди. Хоҳ исломий, хоҳ ғайриисломий бўлсин, ор-номус ва қадриятларни ҳимоя қилиш Халифаликнинг масъулиятидир. Зеро, Ислом ўзи ҳукм юритаётган жамиятга қабиличилиқ, уруғчилик,

мазҳаб ёки миллатчилик эмас, балки инсонийлик эътибори билан қарайди. Бунингсиз ҳеч қандай азизлик йўқдир. Саййидимиз Умар Форук  айтган эдилар: «**Бизлар Аллоҳ Таоло Ислом билан куч-қудратли қилган қавмиз. Агар куч-қудратни, Исломдан бошқасидан қидирсак, Аллоҳ бизларни хор қилади**».

Шундай экан, эй мусулмонлар, Аллоҳ ва Росули рози бўладиган куч-қудратга, ақлларни мунаввар айлайдиган, қалбларни асраб авайлайдиган нурга ҳамда халқларни озод қиладиган ва уларни ҳимоя қиладиган Халифаликка интилайлик! Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْكَافِرِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Куч-қудрат Аллоҳники, Унинг пайгамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар (буни) билмаслар»

[Мунафикун 8] □

**МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ
КЕЛИШУВЛАРИ (ИБРОҲИМ КЕЛИШУВЛАРИ) ҲАМДА
ЯҚИН ШАРҚДАГИ СТРАТЕГИК ИТТИФОҚ... ХАЛҚАРО
РАҚОБАТ**

ИСРОИЛ МИНТАҚАДАГИ АСОСИЙ ҶИЙНЧИ (1)

Наср Фаёз – Муборак Фаластин замини

Муносабатларни нормаллаштириш бўйича Американинг ёлғиз ўзи уларни тузиш устида ишлаган сўнгги келишувлар ҳар хил ва чалкаш контекстларга эга бўлиб, улар бир қанча стратегик мақсадларни рўёбга чиқаради. Бу эса, Араб давлатлари ташаббусида кўрсатилганидек, Фаластин масаласида якуний келишувга эришилганидан сўнг, Араб давлатлари ва (Исроил) ўртасидаги нормаллашувга эришиш ғоясига ўтишга йўл очади. Америка ҳарбий иштирокини камайтириш... Америка гегемонлигини сақлаб қолиш... Америка ва унинг манфаатларига қаратилган таҳдидларга қарши туриш... Халқаро рақобатчиларга (Россия ва Хитойга), шунингдек, муҳтамаб Ислоний сиёсий ҳаракатларга қарши туриш... Бундан ташқари, яҳудий вужудини сақлаб қолиш, унинг хавфсизлик ва барқарорлигини, минтақага интеграциялашувини амалга ошириб, унинг устунлигини таъминлаш... Буларнинг барчаси муносабатларни нормаллаштириш келишувлари (Иброҳим келишувлари) ортида турган эди.

Ушбу стратегик мақсадларга эришиш учун Америка бир қанча соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошира бошлади:

1 – **Идеология ва сақофат:** «Яҳудий вужуди босқинчи вужуд, уни қонунийликдан маҳрум қилиб, супуриб ташлаш керак, деган мусулмонлардаги тушунчаларни ўзгартиришга, шунингдек, минтақа давлатлари билан (Исроил) ўртасидаги алоқани «иброҳимий» этиқодига ва Ғарб сақофатига айлантиришга ҳаракат қилиш. Кенгбағир бўлиш, бирга яшаш ҳамда яҳудий вужудининг Фаластин заминидagi босқинчилигига рози бўлиш, бунинг учун тинчлик маданияти каби зўрлаб тикиштираётган маъноларни қабул қилиш, буларнинг барчаси айни инсонпарварлик ниқоби остидаги Ғарб этиқоди ва сақофати жумласидандир. Амирликлар ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ ибн Зойиднинг оғзидан чиққан Ислонни ислоҳ қилиш фикри ҳам шулардан бири. Дарҳақиқат, бу кимса 2019 йил декабрда АҚШ-(Исроил)-Амирликлар ўртасида бўлиб ўтган яширин сўзлашувлар ортидан Твиттерда «Ислонни ислоҳ қилиш араб давлатлари билан

Исроил ўртасидаги иттифоқдир, бу Яқин Шарқда амалга ошади», деб ёзди. У бунга жуда кўп воситалар орқали эришмоқчи, жумладан: Ислом билан ҳукм юритишга ва Халифаликни барпо этишга иймон келтирган исломий сиёсий ҳизбларга қарши курашиш, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, шариатни ҳоким қилиш тушунчасини бекор қилиш, таълим дастурларини ўзгартириш орқали содиқликни мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларини ва расмий диний идораларни айни нопок ролни амалга оширишга сафарбар қилиш, ва ҳоказо.

2 – (Исроил)га бўлган душманликни минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро курашга айлантириш. Буни бир томондан Эрон, иккинчи томондан Кўрфаз давлатлари тамсил этган мазҳаб ва секталар асосида тузилган иттифоқлар орқали амалга оширмоқчи. Бундан ташқари, минтақадаги ҳукмрон режимларнинг саъй-ҳаракатларини асосан сиёсий исломий ҳаракатлар етакчилигидаги ёки улар айтаётган сиёсий Ислом етакчилигидаги Ислом татбиқига қарши курашиш ва унга қарши туришга қаратиш.

3 – Америка ҳамкорлигини янада кучайтириш: Буни Исроил билан минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларни сиёсий, сақофий, ҳарбий ва иқтисодий соҳада, шунингдек, хавфсизлик масалаларида тўлиқ нормаллаштириш, шу жумладан, Американинг яҳудий вужуди ва минтақа давлатлари билан ҳамкорликдаги улкан иқтисодий лойиҳаларини бошлаш орқали амалга ошириш.

Бирлашган Араб Амирликлари билан яҳудий вужуди ўртасида имзоланган келишувлар бу жиҳатларни очиқ берди. Сентябрь ойи ўрталарида, яъни «Иброҳим келишуви» имзоланганидан атиги бир ой ўтиб Бирлашган Араб Амирликлари билан сионист вужуд ўртасида Вашингтонда имзоланган келишувда қуйидагилар келади:

«Араб ва яҳудий халқларининг бир аجدоддан, яъни Иброҳимдан келиб чиққанлигини тан олиш руҳи бу халқларни Яқин Шарқ воқелигини мустаҳкамлашга илҳомлантиради. У ерда мусулмонлар, яҳудий ва насронийлар, шунингдек, барча дин, секта, эътиқод ва миллат вакиллари бўлган халқлар яшайди. Улар биргаликда яшаш, бир-бирини тушуниш ва ўзаро ҳурмат руҳига амал қиладилар».

Икки давлат ўртасида тўлақонли нормал муносабатларни ўрнатиш борасида келишувда қуйидагилар қайд этилган:

1 – Тинчлик ва дипломатик муносабатларни ўрнатиш, шунингдек, муносабатларни тўлиқ нормаллаштириш.

2 – Бир-бирининг суверенитетини ҳамда тинч ва хавфсиз яшаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, шунингдек, келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш.

3 – Тез вақт ичида элчихоналар очиш ва доимий элчиларни тайинлаш.

4 – Икки давлат ўртасида ҳамфикрлик ва ҳамкорликни тиклаш ҳамда ўзаро ишларни мувофиқлаштириш.

5 – Имкон қадар қисқа вақт ичида қуйидаги соҳаларда икки томонлама шартномаларни тузиш:

Фуқаролик молияси ва инвестициялари, фуқаролик авиацияси, виза ва консуллик хизматлари, инновациялар ва савдо-иқтисодий алоқалар, соғлиқни сақлаш, фан, технология ва космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш, туризм, маданият ва спорт, энергетика, атроф-муҳит, таълим, телекоммуникация ва хабарлар, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, сув ва ҳуқуқий ҳамкорлик.

6 – Икки томон ўртасида ўзаро ҳамфикрлик, ҳурмат, биргаликда яшаш ва тинчлик маданиятини умумий аجدодлари бўлмиш Иброҳим руҳида мустаҳкамлаш. Дастурларни ишлаб чиқиш, динлараро мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда маданий, академик ва илмий алоқаларни, шунингдек, ёшлар алоқаларини ўрнатиш орқали халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстона муносабатларнинг янги даврини бошлаш. Нафрат, бўлиниш ва терроризмни қўзғатувчи экстремизмга, шунингдек, гижгижлаш ва камситишларга қарши биргаликда курашиш. Ҳар икки томон тинчлик ва биргаликда яшаш учун ушбу мақсадларни амалга оширишга бағишланган қўшма форумни яратиш устида ишлайди.

7 – Дипломатик ва савдо муносабатларини, минтақавий барқарорлик ва бошқаларни кенгайтириш мақсадида «Яқин Шарқ учун стратегик кун тартиби»ни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш учун Қўшма Штатларга қўшилиш.

АҚШ стратегиясидаги муносабатларни нормаллаштиришнинг янги тўлқинини пайдо қилган ўзгаришларга асосланиб, Америка «Яқин Шарқ Стратегик Иттифоқи (MESA)» ёки (Араб НАТОси) деб номланган янги Америка иттифоқини тузиш устида ишлади. Бу Кўрфаз давлатларини – улар (Исроил) давлати билан муносабатларни нормаллаштиришни эълон қилган ёки эълон қилган давлатларга энди қўшиладиган давлатлар бўлишидан қатъий назар – Миср ва Йорданияни ҳамда (Исроилни) Қўшма Штатлар бошчилигида бирлаштирадиган иттифокдир. АҚШ президенти Доналд Трамп маъмурияти кўплаб давлатларни муносабатларни нормаллаштириш иттифоқига киритиш орқали

айни шу иттифокни тузишни тезлаштириш устида ишлаган. Байден маъмурияти эса янги маъмурият сиёсати доирасида муносабатларни нормаллаштириш иттифоқига янги давлатларни киритишни пайсалга солишга ҳаракат қилди. Зеро, Байден маъмурияти сиёсати Фаластин масаласига нисбатан олдинги маъмурият сиёсатидан фарқ қилар эди. Бу маъмурият муносабатларни нормаллаштириш (Исроил)нинг Америка лойиҳасига кириши учун бир тўлов бўлишини истаяпти.

Бу иттифок ҳарбий хавфсизликни сиёсий ва иқтисодий хавфсизлик билан боғлайди ҳамда Американинг қуйидаги нуқталарда гавдаланган мақсадларига хизмат қилади:

1 – Американинг минтақадаги манфаатларига қаратилган ҳар қандай таҳдидларга қарши туриш, жумладан, Исломга ва исломий сиёсий ҳаракатларга қарши курашиш.

2 – Хитой, Россия, ҳатто Европа каби халқаро рақобатчиларнинг бўшлиқни тўлдиришларига ёки ютуққа эришишларига имкон бермасдан, АҚШ ҳарбий иштирокини қисқартириш.

3 – Америкага ҳарбий ва иқтисодий битимлар тузиш имтиёзини бериш ҳамда унинг рақибларини бундай имтиёздан маҳрум қилиш учун иттифокқа аъзо давлатларга таъсир ўтказиш.

4 – Минтақа давлатлари устидан хавфсизлик соҳасида, шунингдек, сиёсий, ҳарбий, маданий ва иқтисодий масалаларда назоратни кучайтириш. Бунинг муқобилида (Исроил)га сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий масалаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ютуқларга эришиши учун эркин ҳаракат қилиш имконини бериш ҳамда минтақада унинг устунлигини ва интеграциялашувини таъминлаш.

АҚШ давлат котибининг Кўрфаз ишлари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Тим Лендеркинг бу мақсадларнинг баъзиларини очиклаган. Унга кўра, бу иттифок асосий эътиборини куролларнинг тарқалиши ва терроризмга қарши кураш билан бир қаторда «Эрон таҳдиди ва кибер таҳдидларга ҳамда инфратузилмаларга очилган хужумларга қарши курашишга, шунингдек, Суриядан Ямангача бўлган ҳудудлардаги можароларни бошқариш операцияларини мувофиқлаштиришга» қаратади. АҚШ Марказий Қўмондонлиги кўмондони Жозеф Вотел яна бошқа мақсадларни очиклаб, «Эрон билан бир қаторда, Хитой ва Россия Вашингтон иттифокчиларининг ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ҳамкори бўлиш учун рақобатлашмоқда», дейди.

Вашингтоннинг Рейтер агентлиги хабардор бўлган махфий ҳужжатига кўра, 2017 йилда биринчи марта Саудия Арабистони томонидан таклиф қилинган Яқин Шарқ Иттифоқи (Араб давлатлари НАТОси)ни тузиш ташаббуси Россия ва Хитойнинг минтақада кучайиб бораётган таъсирини чеклашга қаратилган. (Ал-Жазира нет, 2019 йил апрел).

«2019 йил 25 мартда Байрутдаги Карнеги Яқин Шарқ Маркази дастурида берилган мақолада қуйидаги мақсадлар қайд этилган:

«Бундай иттифоқ нафақат Трамп маъмуриятининг (масалан, 2017 йил декабрдаги миллий хавфсизлик стратегияси ва 2018 йилги миллий мудофаа стратегиясига қаранг), балки Барак Обама маъмуриятининг ҳам фикрлашига мос келади. Чунки иккала маъмурият ҳам Американинг Яқин Шарқдаги хавфсизлик мавқеини камайтириш истагини яққол намоён қилган. Трамп маъмуриятининг мудофаа стратегияси бутун дунё бўйлаб Америка иттифоқчилари ва манфаатларини ҳимоя қилиш юқини бўлишиш учун «минтақавий маслаҳатлашув механизмларини кенгайтириш» ва «ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш»ни талаб қилади. Яқин Шарқдаги бу стратегия президент Трампнинг Яқин Шарқдаги минтақавий хавфсизликка қўшадиган АҚШ ҳиссасини камайтириш ҳамда унинг қўллаб-қувватловини Кўрфаз давлатлари тўлаётган маблағга тенглаштириш борасидаги қатъиятига тўғри келади. Шунинг учун бундан буён, Кўрфаз давлатлари ўз хавфсизликларини таъминлаш учун Қўшма Штатларга сўнгги ўн йилликлардаги мудофаа харажатларини «компенсация» қилишдан ташқари, яна кўпроқ пул тўлашлари керак бўлади. Трамп маъмурияти, шунингдек, Саудия Арабистони бошчилигидаги араб давлатларидан янги иттифоқ лойиҳасига Американинг ғамхўрлик қилиши эвазига нефть нархларини назорат қилишда давом этишини ҳамда Россия ва Хитойга қарши Америка сиёсатини қўллаб-қувватлашини кутмоқда. АҚШ расмийлари MESA иттифоқидан Россия ва Хитойнинг минтақадаги кучайиб бораётган таъсирига, шу жумладан, Эронни қўллаб-қувватлашига қарши туришда фойдаланади.

Баҳрайн ташқи ишлар вазирига кўра, MESA иттифоқи «аъзо давлатлар ўртасида савдо ва хорижий сармоияни бевосита ривожлантириш»га ёрдам беради. Аслини олганда бу таянчлар MESA иттифоқининг сиёсий ва ҳарбий ўзлигини сусайтиришга ёрдам беради ва бойлиги оз бўлган, кўпроқ иккиланиб турган араб давлатларини иттифоққа қўшилишга рағбатлантиради. Ушбу иқтисодий таянч орқали MESA иттифоқи «Хусусий хорижий

инвестициялар корпорацияси (OPIC)», «Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID)», «Америка Қўшма Штатлари Савдо Вакиллиги Идораси (USTR)» ва давлат котибининг энергия манбалари бўйича ёрдамчиси идораси каби АҚШ муассасалари ёрдами билан минтақавий иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда давлатлар ўртасида энергетика секторларини интеграциялаш воситасига айланади.

Минтақадаги энергия бозорларини таъмирлаш, улаш ва изоляция қилиш лойиҳалари MESA иттифоқи доирасида устувор аҳамиятга эга. Шунинг учун MESA иттифоқи минтақадаги инфратузилма лойиҳаларида, хусусан, нефть-газ сектори ва атом энергетикасида ўсиб бораётган Хитой ва Россия сармояларига қарши чиқади. Шу билан бирга, MESA минтақадаги баҳсли худудларда барқарорликни тиклаш ва уларга ёрдам кўрсатиш дастурларида Американинг молиявий ҳиссалари учун араб давлатлари муқобилларини мувофиқлаштириш ва тақдим этиш бўйича платформа вазифасини ўтайди...». Иқтибос тугади.

Айни шу контекстда Американинг «Breakingdefense» веб-сайти Яқин Шарқ минтақаси муҳим сиёсий ва ҳарбий ўзгаришлар ёқасида турганига, мавзу Эрон, шунингдек, Россия ва Хитойнинг таъсири эканлигига ишора қилади.

Веб-сайт баъзи таҳлилчиларнинг «АҚШ президенти Жо Байденнинг минтақага кутилаётган ташрифи чоғида муҳим босқич белгиланиши мумкин», деган тахминини илгари суради. Веб-сайт илгари сурган фикрга кўра, янги ҳарбий иттифоқ ғояси Иордания қироли Абдуллоҳ иккинчи Яқин Шарқда НАТОга ўхшаган иттифоқ тузишни қўллаб-қувватлашини айтганида янада мустаҳкамланган.

Экспертларнинг таъкидлашича, Яқин Шарқда яқин келажакда катта ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бу ўзгаришлар (Исроил) билан Араб давлатлари ўртасида хавфсизлик соҳасидаги, хусусан, ҳаво кучларига боғлиқ масалалардаги ҳамкорлик кўринишини олиши мумкин. Ал-Жазира, 2022 йил 25 июн.

АҚШ президенти Жо Байден хавфсизлик масалаларига бағишланган, олти кўрфаз давлатларидан ташқари Миср, Иордания ва Ироқ иштирок этган саммитда сўзлаган нутқида бундай дейди: «Биз бугун шу ерда иштирок этаётган давлатларнинг ҳаммасини ўз ичига олган кенг доирадаги коалиция билан ҳамкорликда терроризмга қарши кураш бўйича саъй-ҳаракатларимизни давом эттирамиз... Биз эътиборимиз ва

ресурсларимизни ҳамкорларимизни қўллаб-қувватлашга, иттифоқларимизни мустаҳкамлашга, шунингдек, бугунги кунда минтақа ва дунё олдида турган муаммоларни ҳал қилувчи коалициялар тузишга қаратамиз... Биз чекинмаймиз ва Хитой, Россия ёки Эрон томонидан тўлдириладиган бўшлиқни қолдирмаймиз, аксинча, фаол ва принципиал бўлган Америка раҳбарияти билан айна вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз... Биз Қизил денгиз хавфсизлигини таъминлаш учун бир қанча давлатларингиз ҳарбий денгиз кучлари билан ҳамкорликда ишлайдиган янги ҳарбий денгиз кучлари гуруҳини туздик. Бу гуруҳ денгиздаги хабардорликни ошириш учун сув усти кемалари ва сунъий интеллект технологиясидан фойдаланган биринчи денгиз ишчи гуруҳидир... Шунингдек, биз ҳаво ҳужумларига қарши курашиш қобилиятимизни таъминлаш учун ҳаво мудофааси ва олдиндан огоҳлантириш тизимларини интеграциялаш устида ишламоқдамиз». (2022 йил 16 июл, Оқ уй веб-сайти).

АҚШ президентининг айтишича, унинг маъмурияти Яқин Шарқда нима қилиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга ва Қўшма Штатлар минтақада ишлайдиган фаол ҳамкор бўлиб қолади. Байден минтақа давлатлари, шу жумладан, (Исроил) ўртасида ҳамкорликда янги аъзолар пайдо бўлишини ва унинг мамлакати глобал тартиб тамойилларига амал қилган давлатлар билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлашини айтди. У Эронни Яқин Шарқдаги вазиятни беқарорлаштиришда айблади ва «Биз Эрон ядровий дастурига босим ўтказиш ва Техроннинг ядро қуролига эга бўлмаслигини таъминлаш бўйича дипломатик саъй-ҳаракатларимизни давом эттирамиз», деб қўшимча қилди. (Ал-Жазира).

Исроилнинг 12 канали берган хабарга кўра, (Исроил) армияси Эроннинг ракета таҳдидларига қарши туриш ва олдиндан огоҳлантириш тизимини яратишда биргаликдаги ҳамкорликнинг бир қисми сифатида Яқин Шарқдаги ҳудудларда, жумладан, Амирликлар ва Баҳрайнда радар тизимини жойлаштирган. АҚШ Конгресси аъзолари таклиф қилган қонун лойиҳаси талабига кўра, АҚШ Мудофаа вазирлиги (Пентагон) Исроил ва Араб давлатларининг ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини бирлаштиришга ҳаракат қилиши керак.

(Исроил) каналининг таъкидлашича, бир неча ой олдин Эрон Исроил томон миналаштирилган дронларни учирганида, радар тизими олдиндан огоҳлантиришга муваффақ бўлган. Ўшанда учувчисиз учоқлар Ироқ устида уриб туширилган. Каналда

берилган хабарга кўра, АҚШ маъмурияти (Исроил) ва бир қатор Кўрфаз давлатларини, шу жумладан, (Исроил) билан дипломатик алоқаларга эга бўлмаган давлатларни ўз ичига олган хавфсизлик иттифоқини тузишга ҳаракат қилмоқда. (2022 йил 9 июн).

Байденнинг хавфсизлик ва ҳамкорлик саммитида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига ташрифи олдиан Америка ва (Исроил) ҳарбий хизматчилари ҳамда бир қатор Араб давлатлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Американинг «The Wall Street Journal» газетаси (Исроил), Иордания, Миср ва бир қанча Кўрфаз давлатларида америкалик ҳарбий амалдорлар ва уларнинг ҳамкасблари ўртасидаги учрашув ҳақидаги хабарларни нашр қилди. Газетанинг хабардор манбасига таяниб хабар беришича, учрашув Мисрнинг Шармуш Шайх шаҳрида бўлиб ўтган. Унда Эроннинг ўсиб бораётган ракета салоҳияти ва унинг дрон дастурига қарши ишларни мувофиқлаштириш йўллари муҳокама қилинган...

Анадолу агентлиги берган хабарга кўра, (Исроил) армияси вазири Бени Ганц минтақавий мудофаа тузилмаси ташкил этилганини маълум қилган. Ганц Америка Қўшма Штатларидаги Аспен хавфсизлик форумида бундай деди: «Иброҳим келишувлари (4та араб давлати билан муносабатларни нормаллаштириш) бизга минтақавий шериклар билан хавфсизлик масалалари ва бизнесда муносабатларимизни кенгайтириш имконини беради. Биз минтақавий мудофаа тузилмасини яратиш жараёнидамыз».

Ганц ўзининг бир нусхаси Анадолу агентлигига етиб келган баёнотида бундай дейди: «Исроил Европа қўмондонлиги (EUCOM)дан АҚШ марказий қўмондонлиги (CENTCOM)га ўтказилди. Биз ундан стратегик соябон сифатида фойдаланамиз. Иброҳим келишувлари имзоланганидан бери минтақавий ҳамкорлар билан юзлаб учрашувлар ва мунозаралар ўтказилди. Исроил минтақавий шериклар билан камида 10та кўп миллатли машғулотларда қатнашди».

2021 йил январ ойида АҚШ мудофаа вазирлиги Яқин Шарқ ва Марказий Осиё учун масъул бўлган АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлиги (CENTCOM)нинг минтақадаги операцияларида иштирок этиш учун (Исроил)нинг қўшилганини эълон қилган эди.

Ганц яна шундай қўшимча қилади: «Бу ишга Қўшма Штатлар раҳбарлик қилганидан ва минтақа раҳбарлари бу имкониятни тан олиб, ундан фойдалана олганидан жуда хурсандман. Биз яхшироқ Яқин Шарқни яратамиз».

Ганцнинг ҳисоблашича, «(Исроил) давлати ва унинг минтақадаги ҳамкорлари навигация ва савдо эркинлигини сақлаш, ҳаво мудофаасини таъминлаш ва электрон мудофаасини мустаҳкамлашдан умумий манфаатларга эга».

Бу шуни англатадики, (Исроил) ўзи билан муносабатларни нормаллаштирадиган давлатлар ёки у аъзо бўлган Америка марказий қўмондонлигига кирадиган давлатлар билан иттифок тузиш орқали ўта хавfli мақсадларга эришади. Бу мақсадлар:

1 – (Исроил)нинг коалицияга ва АҚШ марказий қўмондонлигига кирган давлатлар атмосферасидан фойдаланиши.

2 – Минтақадаги давлатлар билан ахборот ва разведка маълумотларини, шу жумладан, оператив ҳолатга алоқадор маълумотларни алмашиш.

3 – Ҳар хил турдаги қуроллар бўйича ўтказилган машғулотларда ва ўқув лойиҳаларида иштирок этиш.

4 – Тактик ёки ўқув вазифаларини бажаришда зарур бўлган маъмурий ёрдамга қўшимча равишда, ҳавода ёнилғи қуйиш, аскарлари ва тузилмалари учун ўқ-дори ва материалларни таъминлаш каби қўллаб-қувватлаш операцияларидан фойдаланиш.

5 – Аъзо давлатлар доирасида билим ва тажриба ошириш ҳамда ягона қўмондонлик ва бошқарув доирасида ишлашга мослашиш. □

**ҚУРЪОНИ КАРИМГА ҚАРШИ ФИТНАЛАР ТЎҚИЛДИ ВА
ТЎҚИЛМОҚДА
АММО УНИ АСРЛАР ДАВОМИДА ЎЗ ҲИФЗУ ҲИМОЯСИДА
АСРАШГА АЛЛОҲНИНГ ЎЗИ КАФИЛ БЎЛГАН**

Воҳид Абу Амр – Яман

Ҳар бир жўнатишган набийга набийлиги ва росуллигини исботлаш учун мўъжиза берилган ва улар вафот топишлари, қавмлари ҳалок бўлиши билан мўъжизалари ҳам тугайди... Аммо Муҳаммад ﷺ ундай эмаслар. Чунки ул зот анбиё ва росуллар хотами бўлган. Бу эса мўъжизалари (Қуръони Карим) то қиёматга қадар Ислому Уммати боқий бўлиши билан боқий қолажани тақозо этади. Бу шунча тил бириктирув ва туҳматларга қарамай шундайдир. Ваҳоланки, нопок тил бириктирув ва туҳматлар Маккада барча халқларнинг саййиди Муҳаммад ﷺнинг Пайғамбар қилиб жўнатилишининг вақти келган илк кундаёқ бошланган... Ўшандан бошланиб, бу фитналар рошид Халифаликда ҳам, сўнг Умавийлар, Аббосийлар ва Усманийлар замонасидаги Исломи Халифаликларда ҳам тўхтовсиз давом этди ҳамда бугунги замонамизда ҳам давом этмоқда. Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир, лекин одамларнинг кўплари бунини билмайдилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр 9]

Ҳа, аввало шуни унутмаслик керакки, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги кураш Ислому келгандан бери мавжуд. Ғарб Шарқни тўсқинлик қилиш шарт бўлган бегона деб билади. Бунинг оқибати ўлароқ, ғарблик кофирлар астойдил ҳаракатга тушиб, мусулмонларни ўзлари истаган «қибла»га қаратиш устида ишлаш бошлашди. Бу ҳаракатларини бир сафар шарқшунослик, бошқа сафар насронийлаштириш, яна бир сафар мустамлакачилик орқали олиб боришди. Зотан, Ғарб миясида мусулмонлар реакцион, қолоқ ва ваҳший кимсалар, деган нарсани доимий ўрнашиб қолган. Шунинг учун кофирлар мусулмонларга қарши курашларида ёлғончи ва иккиюзламачи ахборот воситалари дохил ифлос услуб ва воситалардан, таълим дастурларидан фойдаланишди. Бу таълим дастурлари мусулмонларнинг фикрларини кофирларнинг йўналишига солиб қўядиган, ҳақ устида бўла туриб, ботил устидамиз деган тасаввурни берадиган ҳамда Илому ва мусулмонларни ёмонотлик қиладиган дастурлардир. Ғарб билан мусулмонлар ўртасидаги курашнинг бошланиши тўғри йўлга

бошловчи ақида ва тўғри йўлдан юривчи давлатда гавдаланган Исломнинг бошланишига бориб тақалади. Зеро, ушбу Ислом давлати фикрий етакчилиikka эга бўлиб, инсон муаммосини инсон сифатида ҳал этиш, унинг фикрий ва руҳий талабларига жавоб бериб, тирик энергиясини тўйдириш билан мусулмон бўлмаган инсонлар учун ҳидоят машъаласига, илм, маърифат, маданият ва инсоният ҳазорати манбайига айланди, бу эса, ўз навбатида, турли жинс, миллат ва элатдаги инсонларнинг Аллоҳ динига тўп-тўп бўлиб киришларига олиб келди... Бунинг муқобили ўлароқ, бу ҳол Ғарбни Исломга қарши кескин қадамлар ташлаб курашишга, Ғарб жамиятидаги одамларнинг Исломга кирмасликлари учун ундан узоқлаштирувчи тўсиқлар қўйишга ундади. Чунки Ислом ва Ислом давлати Ғарбнинг халқларни мустамлака қилишига йўл қўймаслиги аниқ эди. Шу сабабдан салибчи кофирлар мусулмонларнинг ўз дин ва эътиқодларига шубҳа уйғотиш ҳамда мусулмонларнинг ўз юртларида Исломий давлатларини йўқ қилишга бир овоздан қарор қилишди. Улар барча Европа давлатларида мана шундай салиб юришларини қилган ва ҳамон қилаётган эканлар, бунга ҳозирда Америка урушлари ҳам қўшилди. Америка ўзидаги яширин гина-кудурат ва нафратга тўла душманлигини сочиб, бор кучи билан ҳаракат қилди ва ҳануз ҳаракат қилмоқда, буни барча ердаги мусулмонлар хис қилмоқдалар.

Кофир Ғарб мусулмонларни Қуръони Карим ва Суннати Мутахҳарадан узоқлаштириш учун юзлаб йиллар маккорона ҳаракат қилди, бу билан уларнинг Исломни тушунишдаги ҳақиқий куч манбаини йўқ қилишга уринди. Буни ўзининг нафратга тўла салиб юришлари орқали Ислом давлатини йўқ қилиш учун олиб борди, чунки Ислом даъватини оламга олиб чиқиб, жиҳод орқали уни ёйиш ва одамларни Аллоҳнинг динига тўп-тўп қилиб олиб киришдаги асосий тариқат Ислом давлати эди. Шунинг учун ўзининг салибчилик юришлари билан бир қаторда мафкуравий кураш олиб борди.

Дарҳақиқат, кечаги ғарблик салибчи кофирлар ва бугунги илмоний капиталистлар мусулмонларни Қуръони Каримни тушунишдан буриш учун жуда кўп услуб ва воситаларни ишга солишди. Бу ишда уларга кечаги кунда, яъни Қуръони Карим ва Суннати Шариф устида ижтиҳод қилиш эшиклари ёпилган замонда Умматдаги фикрий қарахтлик ёрдам берди. Ижтиҳод эшиклари ёпилиши эса мусулмонларнинг етакчилиги араб бўлмаганларга топширилиши оқибатида юзага келди. Ўз навбатида, бу араб

тилига эътиборнинг озайишига, ижтиҳод ортга сурилиб, уламоларнинг бошқарув масалаларида халифаларга насихат қилиш даражасидан тушиб кетишларига сабаб бўлди. Бунинг ўрнига, халифалар исломий фатҳлар билан банд бўлиб, Уматни фалажлик зулматида қолдиришди. Илгари Исломни ҳарбий қудрати билан бирга фикрий етакчилик ёрдамида оламга олиб чиққан Уматни паст даражага тушиб кетишига сабаб бўлишди. Натижада мусулмонлар фикрий эмас фақат ҳарбий етакчилик билан кифояланиб қолдилар. Бу эса кейинчалик уларни мафкуравий заифликка олиб келди... Кофирларга Ислом давлатини йўқ қилишдек вазифаларини муваффақиятли амалга оширишларига ва соғлом исломий тушунчаларига путур етказишларига ёрдам берди. Тўғри, Қуръон Аллоҳнинг ҳимояси билан ўзгаришдан сақланиб, тилларда ёдланиб қолди. Бирок, энди мусулмонлар Қуръон билан Суннатни Росулulloҳ ﷺ олиб келган пайтдагидек тўғри тарзда тушунмайдиган бўлиб қолдилар.

Ғарб, шу билан бирга, мусулмонларнинг тақдирий масалаларини ва жиҳод маъносини ўзгартиришга, мусулмонлар ҳаётидан давлат, бошқарув ва шариат мафкурасини узишга, Исломни фақатгина якка шахс ҳаётига ҳамда ибодат, ахлоқ, талок ва никоҳ масалаларига чеклашга, уни давлатлар билан бўладиган савдо, сиёсат, ташқи алоқалар, муносабатлар ва бошқарув масалаларидан узоклаштиришга ҳаракат қилди.

Шу тариқа, кофирлар Қуръони Карим ва Суннати мутаҳҳарага зиён етказиш режаларини чизишди. Шарқшунос Такли бундай дейди: «Биз Қуръондан фойдаланишимиз керак. чунки у Исломга қарши курашда энг ўткир қуролдир. Ана шунда уни бутунлай йўқ қила оламиз. Шунингдек, мусулмонларга Қуръондаги тўғри нарса янги эмаслигини, янги нарса тўғри бўлмаслигини кўрсатиб беришимиз керак». Франция ҳукмдори Жазоирга уни босиб олганининг юз йиллигини нишонлаш учун келганда «Биз уларнинг мияларидан Қуръонни, тилларидан араб тилини ўчириб ташлашимиз керак, ана шунда уларни мағлуб қила оламиз», деди. Дарҳақиқат, улар мусулмонларни заифлаштиришга, Қуръон ва Суннатда гавдаланувчи шариат аҳкомлари балқиб чиқувчи ақидаларидан шубҳалантиришга сабаб бўлувчи бир қатор қилмишлар содир этишди. Жумладан:

1 – **Исломий Халифаликни ағдариш:** Халифалик ақидани ҳимоя қилиб, кўриқлаб, сақлайди ва аҳкомларни татбиқ қилади. Халифаликсиз Исломни асло амалда кўриб бўлмайди. Имом Али карромаллоҳу ваҳҳаҳу «Дин асосдир, ҳокимият кўриқчидир,

асоссиз нарса йиқилади, кўриқчисиз нарса завол топади», дея жуда тўғри айтган. Исломушбу буюк фарзни барча фарзу вожиблардан ҳам буюк ва муҳим қилган. Аждодларимизнинг айна соҳадаги китобларига ва сўзларига мурожаат қилсак, мана шу энг буюк фарзга ижмо қилганликларини гувоҳи бўламиз. Бу мусулмонларга нисбатан. Кофирларга нисбатан айтадиган бўлсак, улар бу масалани обдан фикрлаб, ҳар томонлама ўйлаб чиқишди ва ниҳоят мусулмонларнинг куч-қудрати уларнинг давлатларида, Қуръонида, араб тилида ва шунга ўхшаш нарсаларида мужассам, деган хулосага келишди. Шу боис инглиз кучлари ва армиялари Истанбулдаги исломий тупроқларда тўлиб тошди... Турклар бу ҳарбий кучларни чиқиб кетишини талаб қилишгач, тил бириктирув конференциялари уюштирилди. Уларда мусулмонларга қарши фитна тўқилди, масалан, мусулмонларга бир неча шартлар қўйишди ва юртдан чиқиб кетишларини айна шартларнинг бажарилишига боғлиқ қилиб қўйишди. Бу шартлар Халифаликни бекор қилиб, халифани Туркиядан чиқариб юбориш ва мол-мулкларини мусодара қилиш, юртни илмоний-секуляр давлат деб эълон қилиш ва булардан бошқа Исломи бошқарувдан узоқлаштирувчи шартлар эди. Шу конференциялардан бирида иштирокчилардан бири «Муҳаммадийлар бу Китобни маҳкам ушлар эканлар, уларни асло мағлуб қилолмаймиз» дейди ва Қуръонни йиртади... Шунда бошқа бири «биз Қуръонни уларнинг раҳбарлари кўксидан чиқариб ташлаш билан ғолиб келамиз, уни йиртиш билан эмас», дейди. Ҳақиқатда, Қуръонни ўрганишди, текширишди ва унда кофирлар сифатида ўзларига бўлган хавф борлигини кўришди. Кейин мусулмонлардан Қуръонни улар истагандек, манфаат ҳақидаги қарашларига мос равишда тушунишларини иташди, шуни мажбурлашга уринишди. Оқибатда, мусулмонлар орасидан уларнинг мана шундай ёмон ниятдаги тушунчаларини қабул қиладиган ва одамлар билан шу тушунчалар асосида баҳс қиладиган кимсалар етишиб чиқди. Мисол сифатида ўшандай мусулмонлар ишларидан айримларини келтирамиз:

– Аллоҳ Таолонинг

﴿وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ رَبِّكُمْ ۗ فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ﴾

«Айтинг: «(Бу Қуръон) Роббингиз томонидан (келган) ҳақиқатдир, бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин»

[Каҳф 29]

деган каломини бундай тушунишди: «Бу Ояти Карима бўйича инсон имон келтиришда ихтиёрлидир, эътиқодга нисбатан ўз позициясини ўзи белгилашга ҳаққи бор, истаган пайтда мусулмон бўлиши, истаган пайтда кофир бўлиши мумкин, бундан ҳеч нарса уни қайтаролмайди». Оятни бекорга чиқарувчи бундай тушунча билан шаръий ҳукм ва Аллоҳнинг жазо-ҳадларидан баъзилари бекор бўлди. Ваҳоланки, бу Росулulloҳ ﷺнинг

«مَنْ بَدَّلَ دِينَهُ فَاقْتُلُوهُ»

«(Мусулмонлардан) ким динини алмаштира, уни қатл қилинглари», деган сўзларига кўра, муртадга қўлланувчи жазо эди. Улар айни тушунчалари билан Курьон матнидаги тўғри тушунчани таъвил қилишди ва бу билан мурасосозлик, кенгбағирлик, фикр ва эътиқод эркинлиги сингари исломий юртларда тарқатилаётган куфр фикрларига хизмат қилиб беришди. Душманнинг этагини ушлаган ва ўз динини дунёга алмашган бу кимсалар мазкур оят тугамаганлигини, балки унинг охири

﴿إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا أَحَاطَ بِهِمْ سُرَادِقُهَا وَإِنْ يَسْتَعِينُوا يَعْثَبُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا﴾

«Аниқки, Биз золим-кофирлар учун алангалари дўзахиларни ўраб-чирмаб оладиган дўзахни тайёрлаб қўйганмиз. Агар улар сув сўрасалар, дозланган ёғ каби юзларни куйдиргувчи сув берилур, нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у!» [Кахф 29]

дея тугагини унутишди ёки ўзларини унутганга солишди. Булардан бошқа айни оятдаги золимлар (кофирлар) ва бошқалар ҳам борки, улар нарсани ўз ўрнидан бошқа ерга қўйишди. Зеро, бу улар учун Суннати шарифада очиқ баён қилингани каби, охиратдаги даҳшат ва бу дунёдаги қатлдир. Бу мусулмон ҳақида, яъни Исломни қабул қилиб, сўнг унга куфр келтирадиган кимсалар ҳақидадир. Аммо кофирларга келсак, шариатда уларга алоҳида бошқа бир шаръий ҳукм бор ва у Аллоҳ Таолонинг ушбу каломидир:

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ ۗ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ ۚ فَمَنْ يَكْفُرْ بِالطَّاغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

«Динга зўрлаб (киритиш) йўқ, (зотан) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди, бас, ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди, Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир» [Бақара 256]

– Ушбу

﴿إِذْ لِلَّذِينَ يُقْتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ﴾

«Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни голиб қилишга қодирдир» [Ҳаж 39]

оятти карима тўғрисида улар жиҳоднинг ҳақиқий маъноси фақат мудофаа, дейишди. Душманнинг орқасидан юриш ва замонга мослашиш кераклигини иддао қилишди, Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломидан ва Росулulloҳ ﷺнинг ҳадисларидан кўз юмишди:

﴿قَتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا

يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّىٰ يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَن يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ﴾

«Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Росули ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!» [Тавба 29]

﴿أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّىٰ يُشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ، وَيُؤْتُوا

الرِّكَاتَ، فَإِذَا فَعَلُوا عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَبْنِهَا وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ﴾

«Одамлар то «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг Росули», деб гувоҳлик бермагунларича, намозни барпо этиб, закотни адо этмагунларича уларга қарши жанг қилишга буюрилдим. Бас, агар шундай қилсалар, мендан қонларини ва молларини сақлаб қоладилар. Магар (қотилнинг ўлдирилиши, зинокорнинг тошбўрон қилиниши каби Исломнинг) ҳақлари бундан мустасно. Уларнинг (қалбидаги нарса) Аллоҳга ҳавола».

Бирок, Ислом Уммати ишига унинг орасидаги саводсизлар эга чиқиб, илмсизлик-жаҳолат билан ҳукм чиқарадиган бўлишгач, шунингдек, кофирлар исломий юртлар жамиятлари орасига хужум қилиб, ўзларининг мурасосозлик сакофатларини ёйиш учун оммавий ахборот воситаларию ташкилотларини ишга солиб, мусулмонлар Ислом умуман кўтармайдиган бундай хато сакофатни қабул қилишгач, ана шундан кейин энг катта бало келди... Яъни бу бузғунчи тушунчаларнинг мусулмонлар орасига кириши ва қабул қилиниши Халифаликнинг ағдарилишига очкич вазифасини ўтади...

2 – Қуръон нусуслари билан ўйнашиш: Қуръонни тушунишда ўйин қилишгандан кейин, бугунги кунда Америка бошчилигидаги кофир Ғарб Қуръон ва Суннат нусуслари билан ўйнашишга ўтди... Ниятлари уларни мусулмонлар ҳаётидан ўчириш... Айтиш мумкинки, ғарбликларнинг Қуръони Каримга хужумлари византияликлардан бошланган. Чунки мусулмонлар Византия империяси назорати остидаги Шомдан Мисргача ва Шимолий Африкагача бўлган ҳудудларни эгаллаган пайтда мусулмонлар билан алоқада бўлган биринчи ғарбликлар византияликлар эди...

Шунинг учун ҳам бу мавзуда бирин бўлиб чиқарган китоблари «Муҳаммадий араблар Китобидаги мавжуд ёлғонларни танқид қилиш», «Муҳаммадий миллати улуғворлигига қарши», «Муҳаммадий салавот ва тартилга қарши» номли китоблар эди. Аввалги биринчи китоб муаллифи византиялик Никита Оорифа, кейинги икки китоб муаллифи Византия императори Иоанн VI Кантакузин эди. Улар Қуръони Каримга қарши фитна сифатида қуйидаги қилмишларга қўл уришди:

– Қуръони Каримни ўрганиш ва уни бошқа тилларга таржима қилиш:

«Қуръони Каримни таржима қилишга асосан черков руҳонийлиги ва мустамлакачилик мотивлари сабаб бўлди. Ҳатто қилинган таржималар сони йигирма бир Европа тилида олти юз элликдан зиёд нашрга етди». (Доктор Абдурахмон Муҳаммад Абдулмуҳсиннинг «Ғарб Қуръондан нима истайди?!» номли китобидан 17-саҳифа). Кофир Ғарб Қуръони Каримга путур етказиш мақсадида уни таржима қилар экан, «таржима миллатлар ўртасида ўзаро маданий, маърифий ва илмий алоқа воситаси ҳамда илм-фан ва турли тажрибаларни бир ҳазоратдан бошқа ҳазоратга кўчириш воситаси экани»ни даъво қилди. (Мазкур манба). Ҳақиқатда, бу таржима ва тадқиқотларнинг аксарига ё черков ҳайъатлари ёки Ғарб давлатларига қарашли ташкилотлар мутасаддилик қилди. Қилинган таржима ва тадқиқотлар субъектив бўлиб, холислик ва илмийликдан маҳрум эди. Буни ғарблик танқидчиларнинг ўзлари таъкидлашган. «Ҳа, бу таржимонлар Қуръон инсон томонидан битилган деган нарсани исботлаш учун қаттиқ сайй-ҳаракатлар олиб боришди!! Бу таржима ва тадқиқотлардан асосий мақсад «Қуръонни муҳокама қилиш» бўлди». (Мазкур манба, 204-саҳифа). «Булар содда асарлар бўлиб, асл матн мазмунидан йироқ, хатоларга ва номаъқул далилларга тўла эди... Сўзма-сўз таржима қилиниб, барбарларнинг лотин тилига ўгирилди. Уларнинг мақсади у орқали Қуръоннинг ўзига

ҳужум қилиш мумкин бўлган жойларни ўрганиш, шунингдек, Уни мағлуб этиш ва назорат қилиш учун эътибор қаратилиши лозим бўлган заиф нуқталари бўлиши мумкинлиги ҳақида изланиш олиб боришдир. Бу эса, кофирлар Қуръони Каримга қарши кураш ва уни мағлуб этишда қўллаган янги эски қуроли бўлиб, обрўсизлантириш ва бадном этишга қаратилган эди». (Доктор Абдурахмон Бадавийнинг «Қуръонни танқидчилардан ҳимоя қилиш» китоби, 14 ва 37-саҳифалар).

– **Қуръонга эътироз билдириш:**

Тадқиқотчилардан айримлари Қуръон билан ундан олдинги самовий китоблар ўртасини мувофиқлаштиришга уринди. Ибн Каммуна Қуръони Каримни ўрганган яҳудийлардан биринчиси саналади. У Қуръони Каримга қарши мунозараларини ўзининг (Уч дин ўртасида тадқиқотларни қайта кўриб чиқиш) номли китобига киритган. Унда алоҳида Қуръон боби очиб, ўн бешта эътироз ёзган, жумладан: «Уларнинг Қуръон қиссалари Таврот ва Инжил қиссаларининг давоми, деган гаплари ҳақиқат билан ёлғон ўртасини ажратиш олиш мушкул бўлган хурофотдир. Уларнинг Қуръон инсоният учун манба, деган гаплари шайтондан илҳомланиб ёзувчи шоирнинг гапидир. Қуръон яҳудийлар ва насронийлар динининг тўқимаси, деган гаплари эса...».

Таржималар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, улар хатолар, номақбул тортишувларга тўла бўлиб, ноаниқлик, саводсизлик ва бузиб кўрсатиш сифатлари билан ажралиб туради. Мисол учун, Жак Беркенинг 1990 йил нашр қилинган таржимаси хатолар, баҳсли тадқиқотларга тўла бўлганлиги туфайли исломий доираларда кенг тортишувларга сабаб бўлди. Бу Азҳар университети шайхи имом Акбар Жодулҳақни айти таржима ва унинг тадқиқотидаги хато ва адаштирувларни текшириб чиқиш учун махсус комиссия тузишга ундади. Комиссия куйидагича хулоса қилди: таржимада энг аввало араб тилини билмаслик ҳукмрон бўлиб, муаллифнинг Қуръон матнларини тушунмаслиги, илмий ростиўйликдан маҳрумлиги ва Қуръонни камситувчи иборалар қўллаганлиги очик кўриниб турибди. Муаллиф илоҳий моҳиятни даҳшатли қилиб кўрсатиш билан унга тухмат қилди ҳамда «Қуръон жамланаётган пайтда, ўқиладиганда ва тартил (дона-дона қилиб ўқиш)да ўзгариб кетганини, унга жоҳилиятдаги шеърлар ва грек мафқураси таъсир қилганини даъво қилди...».

Қуръони Каримга қарши бундай фитна ва макр шу замонамизгача етиб келди ва Америка бошлаган мафкуравий кураш марказига кирди. Зеро, Америка бу курашни «терроризмга

қарши кураш» шиори остида олиб бораётган халқаро кураши доирасида бошлаган бўлиб, бу курашни унинг Қуръонни қайта кўриб чиқиш, модернизация қилиш, уни текшириш ва Ғарб турмуш тарзи талабларига мос равишда ундан айрим оятларни олиб ташлашни талаб қилиш каби даъволарида яққол кўриш мумкин. Мисол учун, қуйидаги икки оятни бекор қилиш ёки ўзгартиришга чақирди:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْحَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ
وَأَخْرَيْنَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ﴾

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган — Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам кўрқувга солурсиз» [Анфол 60]

﴿وَأَقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ﴾

«Уларни топган жойингизда ўлдинглар» [Бақара 191]

Бу ҳақда ёзувчи Аҳмад Ҳазровий ўзининг «Қуръонни қайта кўриб чиқиш: қуръоний матнни таъвил қилиш ўйини», китобида бундай дейди: «Ҳар сафар Қуръондаги луғат меъморига зиён етказиш ва тил устунини силкитиш ниятида Қуръон жисмини тирнашга уринишдан тўхташмади. Ҳар сафар Қуръонни тарихий давр талабларига, моддий устунлик шартига ва кучлар мутаносиблигига тўғри келмайди деган даъво асосида унинг таркибий қисмини аянчли равишда парчалашга уринишди». Шунинг учун «модернизация ва Ислом» ёки «Қуръонни текшириш», дейишаётган даъво доирасида, Байрутда 2003 йил 25-26 июн кунлари симпозиум бўлиб ўтди, сўнг бу Тунисда ҳам аксадо берди... Баъзилар буни «Қуръонни қайта кўриб чиқиш» эканлигини ҳам таъкидлашди. Кўриниб турибдики, бу атама ёки унинг комбинацияси Исломни модернизация қилиш ҳамда Қўшма Штатларнинг «терроризмга қарши кураш» лойиҳаси доирасига киритилган бўлиб, Ғарб гегемонлигига рози бўлмаган манбаларни қуритиш учун жамиятларни қайта тузишга уриниш томон йўналтирилмоқда. Илгари исломчилар кўрқиб келган бу ўйин, яъни Қуръони Каримни қайта кўриб чиқиш бугун Ғарбнинг очикдан-очик сиёсатига айланди»...

﴿قَتَلَهُمُ اللَّهُ أَنَّى يُؤْفَكُونَ﴾

«Уларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, нақадар адашмоқдалар-а!»

[Тавба 30]

Ҳа, бундай ботилларга қўл уришга ундаган нарса, шубҳасиз, Исломдан кўрқишаётганидир, яъни унинг инсон фикрини кониктириб, табиатига мувофиқ келаётган мафкуравий кудратидан, Исломнинг халқлар орасига кучли равишда ёйилиб, нафсларга таъсир қилиб, унга одамлар тўп-тўп бўлиб киришларидан кўрқишаётганидир. Дарҳақиқат, Ғарб сиёсатчилари ва муфаккирларининг баёнотларидан уларнинг Исломдан нақадар кўрқишаётгани, агар унинг тарқалишини олдини олишда сусткашлик қилишса нималар бўлиши мумкинлигидан хавфсирашаётгани кўриниб турибди. Мана, Сэмюэл Хантингтон нима деди: «Мусулмонлар кураш ва зўравонликка мойил. Шу туфайли Ислом дунёдаги асосий қора кучдир. Шунинг учун Ислом билан Ғарб ўртасида тўқнашув бўлиши мукаррар».

Охир оқибат, Аллоҳ Таоло ўзининг Қуръони Каримида бундай дея ҳақ сўзлади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالذِّكْرِ لَمَّا جَاءَهُمْ وَإِنَّهُ لَكِتَابٌ عَزِيزٌ ﴿٣٠﴾ لَا يَأْتِيهِ الْبَطُلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَنْزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴾

«Албатта ўзларига эслатма-Қуръон келган вақтда унга кофир бўлган кимсалар (қаттиқ азобга йўлиқурлар). Шак-шубҳасиз у азиз-қудратли Китобдир. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас, (у) ҳикмат ва ҳамду-сано эгаси томонидан нозил қилингандир» [Фуссилат 41-42]

Яна бундай дейилади:

﴿يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّآ أَن يَتِمَّ نُورُهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ ﴿٣١﴾ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

«Улар Аллоҳнинг нуруни (Исломни) оғизлари (беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламаслар-да, фақат Ўз нуруни тўла ёйишни истайди. У (Аллоҳ) Ўз Росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар хоҳламасалар-да – барча динларга золиб қилиш учун юборган зотдир» [Тавба 32-33]

Тил бириктирувчилар қанча тил бириктиришмасин, маккорлар қанча тузоқ кўйишмасин, барчалари ўргимчак инидан ҳам заифдир. Аллоҳни ҳаргиз ожиз қолдиришолмайди ва нусрат Қуръон ва унинг аҳлиники бўлиб, Аллоҳнинг изни ила яқин вақтда келажақдир, зотан, У ҳар ишга кодирдир.

Аллоҳим, бизни улардан ва макрларидан ғолиб қил. Бизни Қуръонни ҳимоя қиладиган, уни ҳукмрон қилишга ҳаракат қиладиган, уни тиловат қилиб, ёдлаб, тушуниб, унга амал қилиб ва уни ёйиш билан барча мусулмонларнинг имоний муҳитини мустаҳкамлайдиган Қуръон аҳлидан қил. Аллоҳумма омин, омин, омин. Сўнгги дуомиз оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

ТАБИЙ ОФАТ ВА ИНҚИРОЗЛАРНИ КАПИТАЛИЗМ ВА ИСЛОМ НУҚТАИ НАЗАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БОШҚАРИШ

Д. Ҳомид Шоҳин – муборак замин Фаластин

Инқироз деганда одамларга ёки жамоат мулкига зарар етказиши ва ҳаёт фаолиятини ёки унинг бир қисмини бузиши мумкин бўлган ҳодисалар тушунилади. Табiiй офат таърифи инқироз таърифидан унчалик фарқ қилмайди. Чунки уларнинг ҳар иккиси табiiй юз берадиган ёки инсонлар томонидан келтириб чиқариладиган ҳодисалар бўлиб, инсоният ҳаётига тўсқинлик қилиш ёки уни тўхтатиб қўйиш орқали жамиятга таъсир қилади ҳамда моддий ва инсоний йўқотишларни келтириб чиқаради.

Табiiй офат ва инқирозларни бошқаришга келсак, бундан табiiй офатларнинг юз бериши ёки кучайиб кетишига чек қўйиш, юз берган тақдирда уларга қандай муносабатда бўлиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат томонидан олдиндан кўрилган чора-тадбирлар тушунилади. Бу давлат идоралари томонидан табiiй офатларни бошқаришга ихтисослашган қўмита ёрдамида режалар ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Табiiй офат ва инқирозларни капиталистлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб бошқариш:

«Юз берган ёки юз бериши кутилаётган инқирозгина ҳақиқий ўзгаришларга олиб келиши мумкин... Фақат инқирозгина сиёсатда имконсиз бўлган ишни муқаррар ишга айлантириши мумкин». Булар Чикаго иқтисодий мактаби асосчиси, америкалик иқтисодчи мутафаккир Милтон Фридман томонидан ёзилган сўзлардир. У бу сўзлар билан капиталистик низомнинг фожиаларни келтириб чиқариш ёки улардан фойдаланишдаги ва инқирозлар умрини узайтириб, давом эттиришдаги ҳақиқий ролини ифодалаб берган. Утилитар капиталистик ақлиянинг табiiй офат ва инқирозлар ҳамда уларни бошқариш ҳақидаги нуқтаи назари шундай шаклланган. Чунки инқирозлар доим капиталистик низомнинг ортидан эргашиб юради ҳамда низом давомийлигини таъминлашнинг муҳим элементи ҳисобланади. Буни антикапиталистлар ўзларининг кўплаб асарларида тасдиқлашган. Масалан, австро-немис журналист Энтони Левнштейннинг «Фалокат капитализми» китоби, канадалик ёзувчи Наоми Кляйннинг «Шок доктринаси: фалокат капитализмининг юксалиши» китоби ва булардан бошқа асарларда капиталистларнинг моддий фойдага эришиш йўлида инқироз ва табiiй офатлардан фойдаланиш ва уларнинг муддатини

Табиий офат ва инқирозларни капитализм ва Ислом нуқтаи назаридан келиб чиқиб бошқариш узайтириш орқали уларни қандай бошқаришлари кўрсатиб берилган.

Бу китобларда ҳукуматлар ва халқаро компанияларнинг урушлар ва инсоний мусибатлардан қандай қилиб фойда йиғишлари, инқирозларни бошқаришда пул учун кўркув, ваҳима ва тартибсизликларни келтириб чиқаришлари ҳақида сўз юритилади. Хавфсизлик компаниялари назарида тартибсизликлар уларни тирик ушлаб туради.

Қуйида капиталистларнинг бугунги кунда утилитар нуқтаи назарга кўра табиий офат ва инқирозларни қандай бошқараётганларига баъзи далилларни келтирамиз:

2005 йилда Американинг баъзи штатларини вайрон қилган Катрина тўфони:

Америка сиёсатчилари тўфон юз берганидан хурсанд бўлишди. Жабр кўрган Янги Орлеан штатидан республикачи вакил Ричард Бакер: «Давлат уй-жой муаммосини ҳал қила олмаган эди. Лекин уй-жойлар компаниялар, тадбиркорлар ва банклар назорати остида қайта тикланиши учун Худо бунини ҳал қилиб қўйди», деди. Милтон Фридман АҚШ ҳукуматини расмий таълимни қўллаб-қувватлашни тўхтатиб, хусусий таълимга жой қолдириш ва нотижорат таълим муассасаларини куриш учун ушбу «фожиали» имкониятдан фойдаланиб қолишга чақирди.

Коронавирус пандемияси: Капиталистик ақлиянинг таназзулга юз тутганига, капиталистик давлатларнинг инқирозни қароқчи ва мафиялар ақлияси билан қандай бошқаришларига коронавирус пандемияси яққол мисол бўлди. Капиталистлар томонидан амалга оширилган чоралар касалликни яшириш, у ҳақда огоҳлантиришни кечиктириш, кейин қисман, ундан кейин тўлиқ карантин жорий қилишдан иборат бўлди.

Хитой бошида иқтисодий йўқотишлардан ўзини олиб қочиш учун касалликни яшириш орқали инқирозни бошқарди. Сиёсатчилари ақлияси коллектив иммунитет режаси асосида шакллантирилган Британия одамлар, айниқса, қариялар ҳаётига бепарволик қилди. Европа Иттифоқига келсак, у Италия каби иттифоққа аъзо давлатларга ёрдам беришдан бош тортди. Италия касалликка қарши курашиш имконига эга бўлиш учун тахминан 25 миллиард евро ёрдам кўрсатилишини сўраб, Европа ёрдам жамғармаси ресурсларидан фойдаланишни талаб қилган эди.

Трамп бошчилигидаги Қўшма Штатларга келсак, пандемия бошида унинг ёндашуви шахслар ҳаракати ва меҳнатига қўйилган чекловларни олиб ташлаш ҳамда турғунликдан ва биржаларнинг

Табиий офат ва инқирозларни капитализм ва Ислому нуктаи назаридан келиб чиқиб бошқариш зиёнга учрашларидан қўрқиб бозорларни очиш бўлди. Чунки у кенг қамровли изоляциядан келган зиён коронавирус келтирган зиёнлардан каттароқ бўлади деб ҳисоблади. Давлат одамларни ҳимоя қилиш ва уларнинг соғлигини сақлаш учун соғлиқни сақлаш режаларини ишлаб чиқиш ўрнига пандемиядан моддий фойда олиш учун соғлиқни сақлаш секторини фармацевтика, суғурта ва технология компаниялари каби трансконтинентал компаниялар қўлига топшириб қўйди. Бундан ташқари, тиббий жиҳозларни, масалан, Германияга етказилиши керак бўлган ниқобларни қўлга киритиш учун очикчасига қароқчилик қилди. Вакцинани монополия қилиш учун CureVac компанияси бош директорини миллиард доллар эвазига ўз компаниясини Германиядан Қўшма Штатларга кўчиришга тарғиб қилди. Трамп, шунингдек, вирусга қарши вакцина лойиҳаси устида ишлаётган немис олимларини жалб қилишга ҳаракат қилди. У Американинг (МЗ) компаниясига тиббий маҳсулотларини бошқа давлатларга экспорт қилишини тақиқлади. Америка ўзининг тиббий эътиборсизлиги ҳамда уни бошқараётган ақлияси табиати билан гўё учинчи дунё давлатидек кўринди.

Иқлим ўзгариши туфайли юзага келаётган табиий офатларга келсак, БМТнинг аксарият таҳлилчи ва экспертлари фикрича, дунёда кузатилаётган иқлим ўзгаришларининг, жумладан, ёнғинлар, сув тошқинлари, музлар эриши, иссиқлик тўлқинлари ва глобал исиш каби омилларнинг асосий сабаби капитализмдир. Чунки 2000 йилдан буён табиий офатлар натижасида бир миллион икки юз минг киши ҳалок бўлган. БМТ бош котиби ёрдамчиси Маами Мидзутори тарифлаганидек, вазият ёмонлашиб бормоқда ва хавф коронавирус таҳдидидан ҳам каттароқдир.

Давлатлар иқлим ўзгариши бўйича ўз масъулиятларини бажариш ўрнига, Хитой ва Америка ўртасида бўлгани каби, жавобгарликни бошқаларга юклаш орқали инқирозни бошқаришмоқда. Трамп 2017 йилда иқлим бўйича Париж келишувидан чиқишини билдирди. У Америка бу келишувдан триллионлаб зарар кўрганини ва келишувга ўзгартириш киритилиши кераклигини даъво қилди. Унинг маъмурияти атроф-муҳит ҳисобига моддий фойда олишни афзал кўрди. Чунки Трамп маъмурияти ўзининг барча сиёсатларида фойда ва зиён тамойилига амал қилади. Келишувдан чиқиш қарори биринчи навбатда Американинг кўмир ва нефть компанияларига хизмат қилди.

Зилзилаларга келсак, йирик давлатларнинг ушбу табиий офат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари, гарчи бунда инсон ҳуқуқлари даъво қилинсада, уларнинг сиёсатига хизмат қиладиган манфаатпарастлик тушунчасидан четга чиқмайди.

Халқаро ташкилотлар инсонпарварлик ёрдами номи остида катта ёрдам олиш учун 2010 йилги Гаити зилзиласида йўқотишларни бўрттириб кўрсатиб, ҳалок бўлганлар сони ҳақида ёлғон маълумотларни тарқата бошлади.

Сурия шимолида яқинда юз берган зилзилага келсак, Араб инсон ҳуқуқлари ташкилоти ва БМТга кўра, халқаро ҳамжамият фожиага тезда жавоб бера олмади. Бутун эътибор Сурия режими назоратидаги ҳудудларга ёрдам беришга қаратилди. Бобул Ҳава назорат пункти беркитилганидан кейин Сурия шимолига режалаштирилган халқаро ёрдам тўхтатилди. Ҳолбуки, зилзиланинг иккинчи кунидан бошлаб Туркия ҳудудида ҳалок бўлган сурияликларни ташиш учун ўнлаб тез ёрдам машиналари айни шу назорат пункти орқали ўтган эди. Ёрдамларни ташишнинг қонуний тартиблари бўлмади. Шунинг учун сурияликлар зилзиладан вайронага айланган уйларида ўз қисматларига ташлаб қўйилди. Буларнинг барчаси Сурия режимига қарши исён қилган ва Ислом асосдаги ўзгаришга чақирган мусулмонларга қарши қасдма-қасд қилинган ишлардир.

Бу капиталистик низомнинг табиий офат ва инқирозлар ҳақидаги кўз-қараши денгизидан бир томчи холос. Агар табиий офат ва инқирозлар юз бергудек бўлса, капиталистик низом уларнинг давомийлигини сақлаб қолишга, ўзининг моддий ёки сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш йўлида улардан фойдаланишга ҳаракат қиладди. Айни шу капиталистик низом 1997 йилда Осиёда юз берган молиявий инқирозни бошқарар экан, Халқаро Валюта Фондининг ўз дастурларини жорий қилишига ва давлат компанияларининг хорижий банкларга сотилишига йўл очиб берди. Ниҳоясиз молиявий инқирозларни ҳам у келтириб чиқарди. Исломга ҳужум қилиш ва мусулмонлар бойликларини ўз назоратига олиш мақсадида «терроризмга қарши уруш» кампаниясини бошлаш учун 11 сентябр воқеаларидан фойдаланган ҳам айни шу капиталистик низомдир.

Халқаро қонунлар, худди БМТ уставида бўлгани каби, давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Қизил Хоч каби халқаро кўмиталар, шунингдек, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар орқали «ҳамкорлик бурчи» ва «ёрдам бериш ҳаракатлари» сарлавҳаси остида жабрланган ҳудудларга

Табиий офат ва инқирозларни капитализм ва Ислом нуктаи назаридан келиб чиқиб бошқариш «инсонпарварлик ёрдамларини» кўрсатиш учун киришига рухсат берди. БМТга кўра, бу жабрланган ёки зарар кўрган давлатлар суверенитетини бузиш эмас, балки миллий саъй-ҳаракатларни тўлдиришдир. Ушбу «гуманитар ёки хайрия ташкилотлари Судан, Шимолий Корея ва Сурияда бўлгани каби фойда олишни кўзлайди ва жосуслик ролини ўйнайди. Бундай ташкилотлар сирасига «Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси» ҳам киради. Қизил Хоч Қўмитаси 2014 йилда яҳудийларнинг Ғазога қарши урушидаги жиноятларини, шунингдек, 2020 йилда Ҳусийларнинг Ямандаги жиноятларини яширишда айбланган. Шунингдек, бундай ташкилотлар хайрия ва инсонпарварлик ёрдамлари номи остида миссионерлик ролини ўйнайди. Бунга Бирлашган черков ҳаракати иттифоқини ҳамда энг қашшоқ мамлакатларда фаолият олиб борувчи 180та диний ва илмоний ташкилотни ўз ичига олган InterAction иттифоқини мисол қилиш мумкин.

Табиий офат ва инқирозларни Ислом нуктаи назаридан келиб чиқиб бошқариш

Росулуллоҳ ﷺнинг:

«... وَالْإِمَامُ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ»

«Имом-халифа бошлиқдир ва у ўз қўли остидагилардан жавобгардир», деган ҳадисларига асосланиб айтадиган бўлсак, ғамхўрлик кўрсатиш халифага юкланган. Табиий офат ва инқирозларни зарур тартибда бошқариш табиий офатларнинг юз беришини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун олдиндан иш олиб бориш билан бўлади. Шунинг учун давлат илмий тадқиқот марказлари, шифохоналар, тиббий жиҳозлар ва дори-дармон каби барча воситалар билан таъминлайди. Соғлиқни сақлаш секторида яхши ғамхўрлик кўрсатилишини ўз зиммасига олади. Соғлиқни сақлаш секторини фойда топиш ва имкониятдан фойдаланиб қолиш учун хизмат кўрсатадиган хусусий секторга айлантормади. Шунинг учун соғлиқни сақлаш секторининг хусусийлаштирилиши жоиз эмас. Чунки бундай ёндашув йирик инқироз ёки табиий офат юз берган пайтда соғлиқни сақлаш секторининг кулашига олиб келади. Шунинг учун давлатда фуқароликка эга бўлган барча фуқароларга соғлиқни сақлаш соҳасида максимал даражада тўлиқ ғамхўрлик кўрсатилишини таъминлаш бўйича режалар ишлаб чиқилади.

Одамларнинг соғлиги ва хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, табиий офатлар юз берган ва эпидемия тарқалган пайтда уларнинг қалбида хотиржамликни пайдо қилиш учун Исломнинг татбиқ

этилиши кифоя. Ислом сақофати капитализмга ўхшаб халқда кўрқув ва ваҳима пайдо қилмайди. Мусулмон одам табиий офат ва эпидемияларни Аллоҳнинг қазоси ва қадари деб ҳисоблайди. Шунинг учун улар туфайли ўзига бирон бир зарар етса сабр қилади ва бу ўзи учун Аллоҳ ёзган нарсга эканини, шифо ва ўлим ёлғиз Аллоҳнинг қўлида эканини тушунади. Биз яқинда юз берган зилзиладан жабр кўрганларнинг аҳволини кўрдик ва эшитдик. Жабр кўрганлардан бирининг ўй-хаёли вайроналар остида Аллоҳ учун намоз ўқиш бўлди ва аврати очилиб қолишини истамасди. Вайроналар остида ўз синглисига озор етишидан кўрқиб уни ҳимоя қила бошлаган қизда масъулият ҳиссини кўрдик.

Ислом, шунингдек, эпидемиялар тарқалган пайтда уларга қарши қандай курашиш кераклигини белгилаган. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِذَا سَمِعْتُمْ بِالطَّاعُونَ بِأَرْضٍ فَلَا تَدْخُلُوهَا، وَإِذَا وَقَعَ بِأَرْضٍ وَأَنْتُمْ بِهَا فَلَا تَخْرُجُوا مِنْهَا»

«Агар бирон бир жойда ўлат тарқалганини эшитсангизлар, у жойга кирманглар. Агар сизлар турган жойда тарқалса, у жойдан чиқманглар». Бошқа ривоятда:

«فَلَا تَخْرُجُوا فِرَارًا مِنْهُ»

«Ундан қочиб чиқманглар», деб келади. Росулulloҳ ﷺ яна айтадилар:


«... لَيْسَ مِنْ أَحَدٍ يَقَعُ الطَّاعُونَ فَيَمُوتُ فِي بَلَدِهِ صَابِرًا مُحْتَسِبًا يَعْلَمُ أَنَّه لَا يُصِيبُهُ إِلَّا مَا كَتَبَ

اللَّهُ لَهُ إِلَّا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِ شَهِيدٍ»


«Ким ўлат тарқалган жойда бўлиб, ўзи учун Аллоҳ ёзган нарсасига етишини билгани ҳолда у ерда қолса, унга шахиднинг ажридек ажр берилади».

Шунга кўра, Исломий давлат ушбу шаръий аҳкомларга мувофиқ зарур чора-тадбирларни кўради. Давлатда вабо тарқалган тақдирда, касалликни бошидаёқ кузатиб, уни пайдо бўлган жойда чегаралаб қўйиш устида иш олиб боради. Касаллик тарқалган ҳудуднинг ўзидаёқ касалликни бартараф этиш учун карантин жорий қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш, у ҳудудга кириш ёки у ердан чиқишни тақиқлаш каби чораларни кўради. Айни пайтда, бошқа ҳудудлардаги соғлом кишилар ишлаш ва ишлаб чиқаришни давом эттирадилар.

Исломий давлат очарчилик ва юқумли эпидемиялар каби табиий офатларга дучор бўлган. Умар Ибн Хаттоб رضي الله عنه даврида Шом юрти 18 ҳижрий йилда 20 мингдан ортиқ кишининг ҳаётига зомин

бўлган «Амвос вабоси» ўлатига дучор бўлган. Умар Форук  вабони кузатиш вазифасини қўмондон Амр Ибн Осга топширган. Амр Ибн Ос касаллик тарқалган ҳудуд аҳолисига тоғ тарафга чиқиш бўйича кўрсатма берган. Чунки бу вабо тарқалишини чеклар ва уларни паст ҳудудлардаги ифлосланган ҳаводан узоқлаштирар эди.

Ислomий давлатнинг фуқароларга кўрсатган ғамхўрликларидан бири юқумли касалликларга чалинганлар учун Усмoний султон Абдулмажид биринчи даврида 1848 йилда Халил шаҳрида қурилган карантин биноси каби карантин марказларини ташкил этиш бўлди. Ундан олдин бундай бино Дамашқда қурилган эди. Шунингдек, фақиҳлар вабо тарқалишига боғлиқ шаръий аҳкомларни баён қилганлар. Масалан, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг «Базлул Моун фи фазлит тоун» китоби ўлатнинг таърифини, унинг мўминларга раҳмат эканини, шунингдек, ўлат тарқалган юрт аҳолисига, у ердан чиқиш ва у ерга кириш жиҳатидан, алоқадор бўлган аҳкомларни ўз ичига олади.

Аллоҳнинг изни ила яқинда барпо бўлажак Халифалик давлатида табиий офатларни бошқариш учун фуқароларга ғамхўрлик кўрсатишга асосланган чоралар кўрилади. Жумладан, ҳудудлар бўйича режалар тайёрлаш учун «Табиий офатларни бошқариш маркази» каби қўмиталар ташкил этилади. Табиий офатларни бошқариш учун махсус қўмита тузилиб, бу қўмита ўт ўчирувчи бўлимлар, полиция ва армия билан ҳамкорликда, шунингдек, зарар кўрмаган вилоятлар билан ёрдам кўрсатиш ишларини мувофиқлаштирган ҳолда иш олиб боради. Ҳижоз юртига оғир кунларни олиб келган Рамода йилида мусулмонлар шундай қилганлар. Росулulloҳ нинг:

«الْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبُنْيَانِ يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا. وَشَبَّكَ بَيْنَ أَصَابِعِهِ»

«Мўмин мўмин учун бир бирини боғлаб турадиган бино кабидир. (У зот бармоқларини бир-бирига боғладилар)», деб айтган сўзларига амал қилингани ҳолда, зарарни бартараф этиш, машаққатларни енгиллаштириш ва жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун Ироқ, Миср ва Шомдан ёрдам келди.

Ёрдам саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш соҳасида: Халифалик давлати вилоятлардан келган ва мусулмонлар томонидан кўрсатилган ёрдамлар билан кифояланади. Агар байтулмолда маблағ етарли бўлмаса, мусулмонларни бойларига солиқ солади. Халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлардан келадиган кутқарувчи гуруҳларнинг инсонпарварлик ёрдами

бахонасида киришига рухсат бермайди. Одатда, бу ташкилотлар бундай воқеалардан фойдаланиб, сиёсий фаолиятларни олиб боради, разведка маълумотларини тўплайди, оммавий ахборот воситаларини ишга солади ва тартибсизликларни келтириб чиқариш учун баъзи бир томонларни қўллаб-қувватлайди.

Яхудий вужуди Туркия ва Сурияда юз берган zilзиладан сиёсий мақсадларда ва оммавий ахборот воситалари соҳасида кенг фойдаланди. У Туркияга жабрланганларга хизмат кўрсатиш учун сувни тузсизлантириш мосламасини кўтариб келган 450 кишидан иборат ёрдам гуруҳини жўнатди ва ўзига қарашли ҳарбийлар ҳимояси остида дала госпиталини қурди. Унинг мақсади минтақа халқи, айниқса, турк халқи олдидаги имижини яхшилашга, Туркия билан нормал муносабатларни мустаҳкамлашга ва zilзила ҳақидаги маълумотларни тўплашга қаратилган эди. Яхудийлар Сурия ҳудудига кириб бориб, разведка маълумотларини тўплаш, шунингдек, Сурия шимолидаги тўғридан-тўғри Америкадан ёрдам олаётган курдлар каби исёнчи гуруҳларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, у ерга гуманитар ёрдамларни кўрсатишга тайёрланишди.

Халқаро ёрдам ташкилотларининг фойдасидан кўра зарари кўпроқдир. Уларнинг кириши Исломий давлатга кириб келиш бўлиб, бу кофирлар учун мўминлар устига йўл бериш сирасига киради. Аллоҳ Таоло бунини ҳаром қилиб шундай дейди:

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

«Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»

[Нисо 141] □

УЛАМОЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛНИ ЎЙНАЙДИЛАРМИ?

Абдурроҳман Омирий – Яман

Аллоҳ Таоло Одам фарзандларини воқедан ва бошқа нарсалардан маълумот тўплаш, уни таҳлил ва талқин қилиш, унга нисбатан тегишли позицияларни эгаллаш ва чораларни кўриш қобилиятига эга бўлган ақл билан бошқа махлуқотлардан ажратиб қўйган. Шунинг учун инсон ер юзиде Аллоҳ яратган махлуқотлар ичида фақат ўзи эга бўлган хусусият орқали ўз фикри ва ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига кўра ушбу воқеа устидан ҳукм чиқаради. Гарчи инсон ақли заковат билан ажралиб турсада, бир ақлни бошқасидан ажратиб турадиган нарсаси бу боғлаш тезлиги, топқирлик тезлиги ва бу ажиб инсон бошдан кечириётган ҳар қандай вазиятга нисбатан тўғри қарор қабул қилиш тезлигидир. Мана шу нарсаси идрок, узоқни кўра олиш ва донишмандлик хусусиятларига эга бўлган уламоларни инсоннинг инсон сифатидаги муаммоларини ҳал қилиш учун воқеага фикр ва маълумотларни татбиқ қилиш қобилияти жиҳатидан ажратиб туради.

Шунинг учун агар ушбу уламолар ёмон эмас яхши уламо бўлсалар, жамиятнинг сараси, намунаси ва яхшиси бўладилар. Суфён ибн Уяйна улар ҳақида бундай деган эди: «Аллоҳ ва бандалари ўртасидаги энг мартабаси юқори инсонлар Пайғамбарлар ва уламолардир». Нега шундай? Чунки улар Аллоҳ Таоло ўз бандаларига нимани ирода қилаётганини баён қилиб берадилар. Улар орқали раҳм-шафқат, омонлик ва хотиржамлик ўрнашади. Уларнинг Уммат юриши учун тузаётган манҳажлари орқали одамлар Аллоҳга итоат қилгани учун Аллоҳ улардан рози бўлади. Шунинг учун Уммат бошига тушган мусибатлар унинг жоҳиллиги ва ҳақиқат йўлидан оғишгани туфайли келди, бунинг сабаби эса уламолар Умматга инсоният йўлини ёритадиган ва Аллоҳни рози қиладиган нарсани ўргатишдаги ўз ролларини бажармадилар.

Исломи бу уламолар гуруҳини Қуръони каримда мактаб, уларни нур деб, улардан сууткашларини эса золим деб ва борадиган жойи жаҳаннам деб таърифлаган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ﴾

«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина қўрқур»

[Фотир 28]

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَشِبَّنتَهُمُ لِلنَّاسِ وَإِذَا أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَشِبَّنتَهُمُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ، فَنَبَذُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَأَشْرَتُوا بِهِءَ ثَمَنًا قَلِيلًا فَبُئِسَ مَا يَشْتَرُونَ﴾

«Эсланг (эй Муҳаммад) Аллоҳ китоб берилган кимсалардан «Албатта у китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!», деб аҳд паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматга сотдилар. Уларнинг бу олди сотдилари нақадар ёмон иш бўлди»

[Оли Имрон 187]

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَٰئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعِينُونَ﴾

«Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга китобда равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар»

[Бақара 159]

﴿يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража мартабаларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир»

[Мужодада 11]

﴿قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

«Айтинг: Биладиган зотлар билмайдиган кимсалар баробар бўлурму?! Дарҳақиқат «Фақат ақл эгаларигина панд насиҳат олурлар»

[Зумар 9]

Ҳадиси шарифда келадики:

﴿إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُوْرثُوا دِرْهَمًا وَلَا دِينَارًا؛ وَلَكِنْ وَرَثُوا عِلْمًا، فَمَنْ أَخَذَ بِهِ فَقَدْ أَخَذَ بِحِطِّ وَافِرٍ﴾

«Пайғамбарлар дийнор ҳам, дирхам ҳам мерос қолдиришмаган. Балки илмни мерос қолдиришган. Ким уни олса битмас туганмас насибани олган бўлади».

Шунинг учун олим обиддан катта устунликка эга. Чунки обид фақат ўзига манфаат келтирса, олим ҳам ўзига, ҳам бошқаларга манфаат келтиради. У орқали бошқаларнинг йўли ёришади, яхшилик яралади, ёмонлик ўчади ҳамда бидъат ва залолат кўтарилади. Ибн Масъуд رضي الله عنه айтади: «Ё олим бўл, ёки таълим олувчи бўл, учинчиси бўлма, ҳалок бўласан». Алий ибн Абу Толиб رضي الله عنه айтади: «Одамлар уч хил бўлади; Раббоний олим, нажот йўлида таълим олувчи ва ким нима деса ўшани валдирайверадиган

ўрни йўқ, аҳмоқ. Бу учинчи тоифадаги инсонлар шамол қайси томонга эсса ўша томонга мойил бўладилар. Улар илм нуридан бебаҳра ва ишончли устунга суянмагандирлар». Молик ибн Динор: «Агар олим ўз илмига амал қилмаса, худди ёмғир томчиси Сафога юкмагани каби унинг панд насиҳати қалбларга юкмайди» деган эди.

Хотим Асам роҳимахуллоҳ айтади: «Қиёматда одамларга илм ўргатган, одамлар ўша илмга амал қилган, у эса амал қилмаган, одамлар ўша илм сабабли нажот топган, у эса ҳалок бўлган одамдан кўра ҳасрат ва надомат қилувчи одам бўлмайди». Имом Ғазолий айтади: «Ёмон уламоларнинг залолатига алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Чунки уларнинг динга қилган ёмонликлари шайтоннинг ёмонлигидан ҳам каттароқдир. Улар орқали шайтон секин-аста одамларнинг қалбидан динни тортиб олишга ҳаракат қилади». Яхё ибн Муоз айтади: «Илм ва ҳикматнинг гўзаллиги – агар улар орқали дунё изланса – йўқолади».

Саййид ибн Мусайяб айтади: «Агар олимни амирлар ҳузурига қатнаётганини кўрсангиз, демак у ўғридир». Умар ибн Абдулазиз Абу Ҳозимга: Менга панд насиҳат қил деган эди, Абу Ҳозим унга ушбу таъсирли сўзларни айтди: «Чўзилиб ёт ва ўлим ҳақида ўйла, кейин ўлим соатида ўзингда нима бўлишини яхши кўрсанг, ўша нарсани ҳозироқ ол. Ўлим пайтида ўзингда нима бўлишини ёмон кўрсанг, ҳозироқ уни тарк эт. Чунки эҳтимол ўлим пайти яқиндир». Ибн Қоййим роҳимахуллоҳ Фавоид китобида айтади: «Ёмон уламолар жаннат эшиклари олдида ўтириб, одамларни ўз сўзлари билан даъват қиладилар. Агар улар чақираётган нарсаларида ҳақ бўлганларида аввало ўзлари жавоб берган бўлар эдилар. Улар кўринишидан йўл кўрсатувчи, лекин аслида йўл тўсарлардир».

Уламоларнинг Умнат тараққиётидаги роли:

Шариат уламоларга Умнатни юксалтириш ва тараққий эттиришда одамлар Парвардигори томонидан юкланган муҳим вазифалардан иборат катта ролни топширган. Ушбу ролни биз юқорида келтирган оят ва ҳадислар баён қилиб берди. Уларнинг роллари қуйидагилардир:

1 – Қуръон ва унинг илмларини ёдлаш ва тафсир қилишда динни тушунтиришлари. Шунингдек, ҳадисни ёд олиш, уни ва у ҳақдаги илмларни тафсир қилиш, уни турларга ажратиш ҳамда Қуръон, Суннат, ақида, сийрат, фикҳ ва усулни тушунишда восита бўладиган араб тилини тушуниш. Бундан ташқари, у билан Умнат тираладиган ва усиз Умнат бугунги кунимиздагидек ўладиган ва

бахтсиз ҳаёт кечирадиган бошқа илмларни ўрганиш. Чунки бу тоғлар кўтара олмаган, балки инсон кўтарган омонатдир. Демак у омонат, холислик, ҳикмат, жасорат, билим, ирода ва сабрга муҳтож оғир юк бўлиб, жоҳил уни кўтара олмайди, балки уни рижоллар кўтаради. Бундай рижоллар эса ўз илмига амал қилувчи, такводор, соф ва тоза уламолардир.

2 – Қайси жой ва қайси вақтда бўлмасин, Аллоҳ борасида маломатчининг маломатидан кўрқмасдан ҳақни айтган ҳолда ҳамда ҳоким ёки маҳкум бўлишидан қатъий назар Умматга ушбу яхшиликни тарқатиш. Чунки уламолар Пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарларга такводор, журъатли, холис, олим ва зоҳид кишилар ворис бўладилар, улар эса уламолардир. Демак бундай уламолар кўпайиши керак. Токи, улар инқирозга учраб, шариат ва раҳмат зое кетмасин. Шунинг учун бугун уламолар армиясини яратиш мусулмонларнинг бурчидир. Токи, Ислом фикрлари ва тушунчалари билан тўлдирилган бу йўлни давом эттирсинлар ва уни Умматга, айниқса, дин улар орқали сақланиб, бутун ер юзига тарқаладиган ёшларга етказсинлар. Бир неча асрлар ўтар экан, соф Ислом ҳақидаги ўз илмлари билан дунёга фойда келтирган бир гуруҳ ёш уламолар бу динни ўз бағрига олдилар.

3 – Ушбу буюк динни барча фуруъ ва низомлари билан бирга воқеликка боғлаш. Токи динни воқеликка боғлаш, бошқача айтганда бугунги кундаги илмонийликни эмас, балки сиёсий динни воқеликка боғлаш орқали дин воқеликка таъсир ўтказсин. Натижада ушбу уламолар инсонлар томонидан чиқарилган қонунлар даволай олмаган касалликка шифобахш малҳам бўлсинлар.

4 – Ҳукмдорларни яхшилик ва ҳақиқатга йўллаш, улар яшаётган сиёсий воқени очиб бериш, уларнинг ҳақиқати ва хорижга малайлигини баён қилиш, Ғарб билан алоқаларини узиб, ҳақиқатга амал қилишларига насиҳат қилиш. Буларнинг барчасини Аллоҳ борасида маломатчининг маломатидан кўрқмасдан гапириш. Токи, Уммат ёвуз кимсалар, жумладан ҳукмдорлар, партиялар, уламолар, муфаккирлар, сиёсатчилар ва хоин раҳбарларнинг ниқобларига алданиб қолмасин. Шунингдек, сарой уламози бўлиш ва ўзини шаҳзодалар кучоғига отишдан эҳтиёт бўлиши керак. Чунки Пайғамбаримиз ﷺ бу ҳақида бундай деган:

«صِنْفَانِ مِنْ أُمَّتِي إِذَا صَلَحَا صَلَحَتْ أُمَّتِي وَإِذَا فَسَدَا فَسَدَتْ أُمَّتِي الْأُمَرَاءُ وَالْقُرَاءُ»

«Икки турли тоифа ислоҳ бўлса, Умнат ислоҳ бўлади, агар бузилса, Умнат бузилади: амирлар ва қорилар». Олим амирдан ҳам муҳимроқдир. Чунки олимнинг муолажаси орқали амир ислоҳ бўлади. Олим уни ўзининг ҳақ сўзи орқали ҳақиқат йўлига солади. Олимнинг бузилиши туфайли амир бузилади, натижада уни хароба ва вайронагарчиликка йўналтиради. Бузуқ олим гоҳида нусуслар маъносини бошқа томонга буриш ва одамларни йўлдан оздириш орқали яхши амирни ҳам ёмонлик ва вайронагарчиликка ундаши мумкин. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ يَكْتُمُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لَيْشْتَرَوْا بِهِ ثَمَنًا
قَلِيلًا فَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا يَكْسِبُونَ﴾

«Ўз қўллари билан китобни ёзиб, сўнгра озгина қийматга сотиш учун: «Бу китоб Аллоҳ ҳузуридан келди» дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлмай, бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлмай, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлмай»

[Бақара 79]

Шунинг учун олим Умнат ва олам у билан ислоҳ бўладиган асос ва тамал тошидир.

5 – Умнатнинг ёмонлик балоси ва фитнага тушиб қолиши ёки шахватлар қарига йиқилишидан кўриқиб, унга йўл кўрсатиш. Бинобарин, Умнат уни огоҳ этиши, яхшилик йўлига ҳидоят қилиши ва дўзахдан узоқлаштириши учун уламоларга муҳтож.

6 – Янгиланиб турувчи масалаларда ижтиҳод қилиш. Чунки янги масалалар аниқ кўриб чиқиш ва шаръий ҳукмга муҳтождир.

Мусулмонлар ҳаётида ушбу уламолардан иборат йўлчи юлдузларнинг сўз ва амалларидан намуналар кўпдир. Қуйида биз мусулмонларнинг порлоқ тарихи китобларидан иқтибослар келтирамиз:

Ҳасан Басрий ва Ҳажжож Сақафий ўртасида:

Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Ироққа волий бўлгач, зулм ва зўравонлик қилди. Унинг зулмига қарши чиққан, ёмон ишлари ҳақида одамларга очиқ гапирган ва унинг юзига ҳақ сўзни айтган озчилик кишилар ичида Ҳасан Басрий ҳам бор эди. Ҳажжож Восит шахрида ўзи учун бир бино қурдирди. Қурилиш ишлари тугагач, одамларни уни томоша қилиш ва унга баракот сўраб дуо қилиш учун чақирди. Ҳасан Басрий эса бундай қулай фурсатни қўлдан бой бергиси келмади. Шунинг учун у одамларга панд насихат қилиш, огоҳлантириш, дунё матоларидан қайтариш ва Аллоҳ ҳузуридаги нарсаларга қизиқтириш учун уларнинг олдига чиқди. У ерга етиб боргач, муҳташам саройни ўраб турган оломонни кўрди.

Улар сарой қурилишининг улуғворлигидан, майдонининг кенглигидан, безакларининг ҳусндорлигидан ҳайратда қолган эди. Шунда Ҳасан одамларга бундай деб хитоб қилди: Биз ушбу қурилишда икки ифлоснинг ифлосроғини кўрдик. Чунки Фиръавн бундан ҳам улуғроқ ва баландроғини қурган эди. Лекин Аллоҳ Таоло Фиръавнни ҳалок қилди ва қурган биноларини вайрон қилди. Кошки Ҳажжож ўзининг само аҳлига ёмон кўринаётганини ва ер аҳли уни алдаётганини билса эди...

Ҳасан шу тарзда давом этаётган эди, тингловчилардан бири Ҳажжожнинг ғазабидан раҳми келиб, унга: Бас етар эй Абу Саид деди. Ҳасан эса: Аллоҳ Таоло уламолардан ҳақиқатни яшириш учун эмас, балки одамларга уни баён қилиш учун ваъда олган. Эртаси куни Ҳажжож Ҳасаннинг мажлисига кирди ва у ғазабланганидан ажралиб турар эди. У мажлисдагиларга қарата: Эй ер ютиб, куриб кетгурлар Басралик бир киши келиб, биз ҳақимизда хоҳлаганини гапирмоқда, ичингизда уни тийиб кўядиган бирор киши йўқми. Аллоҳга қасамки, эй кўрқоқлар сизларга унинг қонидан ичираман деди. Кейин қилич ва кунда олиб келишларига буюрди, олиб келинганча, жаллодни чақирди. Жаллод ҳам ҳузурига келди, кейин Ҳасан Басрийга миршаб юбориб, уни олиб келишларига буйруқ қилди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Ҳасан олиб келинди. Кўзлар унга тикилди ва уни деб юраклар эзилди. Ҳасан қилич ва кундани кўргач, бир нима деб пичирлади ва Ҳажжож томонга юзланди. Унда мўминнинг улуғлиги, мусулмоннинг азизлиги ва даъватчининг викори бор эди.

Ҳажжож уни шу ҳолда кўргач, ундан каттиқ кўрқиб кетди ва мана Абу Саид, мана Абу Саид деб такрорлади. Одамлар унга кўрқинч ва ҳайрат билан қараб турар эди. Ҳажжож кейин уни тўшагига ўтказди. Ҳасан тўшакка ўтиргач, Ҳажжож эътиборини унга қаратиб, айрим дин ишларидан сўрай бошлади. Ҳасан ҳар бир масалага қатъий фикр, жозибали тушунтириш ва кенг билим билан жавоб берар эди. Шунда Ҳажжож унга эй Абу Саид сиз уламолар саййидисиз деди. Кейин у учун қимматбаҳо совғалар ва соқолига хушбўйликлар чақиртириб, Абу Саид билан хайрлашди. Ҳасан Ҳажжожнинг ҳузуридан чиққач, унинг дарвозабони Ҳасан ортидан эргашди ва унга айтдики: Эй Абу Саид Ҳажжож сизни бунинг учун чақирмаган эди. Лекин сиз келиб, қилич ва кундани кўргач, бир нима деб пичирладингиз, ўшанда нима деган эдингиз деди. Шунда Ҳасан айтдики, эй неъматим эгаси ва дардимга паноҳим, худди ўтни Иброҳимга совуқ ва саломатлик қилганингдек, унинг

газабини менга совуқ ва саломат қилгин деган эдим. (Саҳобалар ҳаётидан китоби, 2-қисм, 17-саҳифа).

Қози Абу Юсуф ва Ҳорунар Рашид ўртасида:

Ҳорунар Рашид Қози Абу Юсуфдан хирож тўғрисида китоб тузиб беришни сўраганида, қози китоб муқаддимасида халифага насиҳат қилиш борасида фурсатни қўлдан бой бергиси келмади. Қози халифага айтдики, эй мўминлар амири албатта Аллоҳ Таоло сизни улуғ ишга тайинлади. Бу ишнинг савоби улуғ бўлганидек, жазоси ҳам қаттиқдир. Аллоҳ сизни ушбу Умматни бошқаришга тайинлади, сиз эса эрта-ю кеч халқ учун кўп бино қурмоқдасиз. Дарҳақиқат Аллоҳ сизни улар устидан раҳбар қилган ва уларни сизга ишониб топширди ҳамда улар орқали сизни синамоқда ва уларнинг ишларини сизнинг зиммангизга топширди. Агар бино такво асосига қурилмаса, узоққа бормади. Чунки Аллоҳ аскарларини юбориб, уни қурган ва унга ёрдам берганларни вайрон қилишга қодир. Шунинг учун Аллоҳ сизни тайинлаган Уммат бошқарувини зое қилманг. Албатта амалдаги куч Аллоҳдандир. Бугунги ишни эртага қолдирманг. Агар эртага қолдирсангиз, ютқазасиз. Ажал орзуга қарамайди. Шунинг учун ажалга амал билан шошилинг, ажалдан кейин эса амал йўқ. Албатта одамлар ўз роббиларига раҳбар қандай етакласа шундай борадилар. Шунинг учун Аллоҳ сизга топширган ва кундуздан бир соат бўлса ҳам сизни тайин қилган нарсада ҳақни адо этинг. Чунки қиёмат куни Аллоҳ ҳузуридаги энг бахтли раҳбар қўл остидагиларни бахтли қилган раҳбардир. Тўғри йўлдан оғишманг. Акс ҳолда, қўл остингиздагиларни йўлдан оздирасиз. Дунёдан кўра охират ишини танланг. Чунки охират абадий, дунё эса ўткинчидир. Аммо қўрқувдан эҳтиёт бўлинг ва Аллоҳнинг ишида ҳузурингиздаги яқин ва узоқ одамларга бир хил бўлинг. Аллоҳ борасида маломатчининг маломатидан қўрқманг. Огоҳ бўлинг, чунки огоҳлик тилда эмас, қалбдадир. Албатта такво эҳтиёткорлик биландир. Ким Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳ уни ҳимоя қилади.

Эй мўминлар амири, мен сизга Аллоҳ сизни сақлашга буюрган нарсаларни сақлашингизни ва сизни раҳбар қилган нарсаларда раҳбарлик қилишингизни васият қиламан. Шунингдек, бу ишда фақат Аллоҳни ўйлашингизни васият қиламан. Агар шундай қилмасангиз, ҳидоят енгил бўлишига қарамай, сиз учун оғир бўлур. Кўзингиз кўр бўлиб, ҳидоятнинг аломатларини кўрмай қоласиз. Шунингдек, ҳидоятнинг кенглиги торайиб, ундан билган нарсаларингизни инкор этасиз, инкор этганингизни эса тан оласиз. Шунинг учун нафсингиз билан унга қарши эмас, балки ундан

ғолиб бўлиш учун баҳслашинг. Чунки зое қилган раҳбар агар хоҳласа, ўз қўлида ҳалок бўлган нарсани Аллоҳнинг изни билан ҳалокат жойидан қайтариб, уни нажот жойига қўйиши мумкин. Агар уни ташлаб қўйса, уни зое кетказди, агар бошқа нарса билан машғул бўлса, ҳалокат тезлашади. Агар ислоҳ қилса, энг бахтли киши бўлади ва Аллоҳ унга Аллоҳга вафо қилганидан ҳам кўпроқ мукофотлайди.

Шунинг учун қўл остингиздагиларни зое қилишдан эҳтиёт бўлинг. Чунки уларнинг Роббилари сиздан уларнинг ҳақларини қайтариб олиб, сиз зое қилганингиз учун Аллоҳ ажрингизни зое қилиши мумкин. Чунки бинолар қулашидан олдин тираб қўйилади. Аллоҳ ишларини сизга ишониб топширган кишилар учун қилган ишингиз фақат сизгадир. Шунинг учун унутманг ҳамда улар ва уларни ислоҳ қиладиган нарсага бепарво бўлманг. Чунки сиз эътиборсиз қолдирилмайсиз ва бу дунёдаги ҳаққингиз зое кетмайди. Мен сизни шу кеча ва кундузида Аллоҳга кўп тасбиҳ, таҳлил ва ҳамд айтишга васият қиламан... Аллоҳнинг Росули, раҳмат пайғамбари ва ҳидоят имомига дуру саловатлар бўлсин. (Имом Қози Абу Юсуфнинг Хирож китоби муқаддимаси).

Абу Ҳанифа ва Мансур ўртасида:

Мосул аҳли Абу Жаъфар Мансурга қарши кўтарилди, Мансур уларга агар қарши кўтариладиган бўлсалар уларнинг қони унга ҳалол бўлиши тўғрисида аввалдан шарт қўйиб қўйган эди. Мансур одамлар қарши кўтарилгач, фақиҳларни йиғди, улар орасида Абу Ҳанифа ҳам бор эди. Мансур уларга қарата: Росулulloҳ ﷺдан

«**الْمُؤْمِنُونَ عِنْدَ شُرُوطِهِمْ**»

«**Мўминлар шартларга амал қиладилар**» деган саҳиҳ ҳадис бор. Мосул аҳли менга қарши чиқмасликка шартлашган эдилар. Улар менинг омилимга қарши кўтарилишди ва уларнинг қони мен учун ҳалол бўлди, деди. Шунда улардан бир киши: Уларга кучингиз етади, сўзингизни қабул қилишади. Агар кечирсангиз мағфиратга лойиқсиз, жазоласангиз уларга лойиқ бўлганича жазоланг деди. Шунда Мансур Абу Ҳанифага қараб, Эй шайх сиз нима дейсиз? Ахир биз Пайғамбарликнинг Халифалигида ва омонлик уйида эмасмизми? – деди.

Абу Ҳанифа бундай деб жавоб берди: Улар ўзлари ҳақли бўлмаган нарса устида шарт қўйишибди (яъни қонлари ҳалол бўлиши). Сиз ҳам уларга ўзингиз ҳақли бўлмаган нарсани шарт қилибсиз. Чунки мусулмоннинг қони фақат уч нарсанинг бирида ҳалолдир. Сўнг Мансур фақиҳларга туришни буюрди ва улар

тарқаб кетишди. Аммо Абу Ҳанифани ёлғиз ўзини чақириб, унга: Эй шайх сиз айтганингиздек бўлсин, юртингизга қайтинг. Имом-раҳбарингизни қоралайдиган ҳар қандай нарса ҳақида одамларга фатво берманг, акс ҳолда хаворижларнинг қўли узаяди. Имом Абу Ҳанифа юқоридаги гапи билан Пайғамбар ﷺнинг:

«لَا يَجِلُّ دَمُ امْرَأَةٍ مُسْلِمَةٍ إِلَّا بِإِحْدَى ثَلَاثٍ، الزَّوْنِ، وَالنَّفْسُ بِالنَّفْسِ، وَالتَّارِكُ لِدِينِهِ الْمَفَارِقُ لِلْجَمَاعَةِ»

«Мусулмон кишининг қони уч нарсадан бирида ҳалол бўлади: (турмуш кўрган бўла туриб) қилинган зино, ноҳақ одам ўлдириш ва динини тарк этиб жамоатдан ажраш» ҳадисига ишора қилган эди. Муттафақун алайҳ. (Ибн Жавзий, Маноқиб китоби, 2-қисм, 17-саҳифа).

Абу Жаъфар Мансур Абу Ҳанифани қози қилиб тайинламоқчи бўлганида у буни рад этди. Шунда Мансур албатта уни қози қилиб тайинлашга қасам ичди, Абу Ҳанифа эса қози бўлмасликка қасам ичди. Робиъ ибн Юнус Ҳожиб у кишига: амирул мўминин қасам ичаётганини кўрмаяпсизми? – деган эди, Абу Ҳанифа: мен ўз қасамларимга кафорат тўлашимдан кўра амирул мўминин ўз қасамларига кафорат тўлашга қодирроқдир деди ва буйруққа бўйсунишдан бош тортди. Робиъ айтади: Мансур қозилик масаласида Абу Ҳанифага ён босаётганини кўрдим. Чунки уларнинг ўртасидаги суҳбат куйидагича бўлди: Абу Ҳанифа бундай деди: Аллоҳдан кўрқинг, омонатингизни Аллоҳдан кўрқадиган кишигагина беринг. Аллоҳга қасамки, мен розилик борасида ишончга лойиқ эмасман-у, қандай қилиб ғазаб борасида ишончга лойиқ бўлайин? Агар менинг қарорим сизнинг қарорингизга қарши бўлса, сиз мени қароримни ўзгартирмасам, Фурот дарёсига чўктириш билан таҳдид қилсангиз, мен чўкиб кетишни танлаган бўлар эдим. Бундан ташқари, сизнинг мулозимларингиз бор бўлиб, улар ўзларини сизга ҳурматли қилиб кўрсатадиган кишига муҳтожлар. Мен бунга лойиқ эмасман. Шунда Мансур: ёлғон айтяпсиз, сиз бунга лойиқсиз, деди. Абу Ҳанифа эса, мен учун ўзингизга қарши ҳукм чиқардингиз. Ёлғончи кишини ўз омонатингизга қози қилиб тайин қилишингиз жоизми?! (Вафиётул аъён китоби, 5-қисм, 407-саҳифа).

Авзой ва Абдуллоҳ ибн Али ўртасида:

Умавийлар Дамашқдан чиқиб кетгач, у ерга Абдуллоҳ ибн Али кирди ва Авзойнинг келишини талаб қилди. Авзой уч кун кечиқиб келди ва унинг ҳузурига кирди. Авзой айтади: Унинг ҳузурига кирсам, у қўлида бамбук ушлаган ҳолда краватда ётар

эди. Унинг ўнг ва чап томонида қиличбозлар бўлиб уларнинг яланғочланган қиличлари, қинлари ва темирлар бор эди. Мен унга салом берган эдим у алик олмади. Балки қўлидаги бамбукни ерга тикқан ҳолда: Эй Авзой анави золимларнинг қўлини халқ ва юртдан қандай олиб ташлаганимизни кўрмаяпсизми? Бу жиҳод эмасми? – деди. Шунда мен айтдимки: Мен Яхё ибн Саид Ансорий Таймийдан, у Муҳаммад ибн Ироҳимдан, у Алқама ибн Ваққосдан, у Умар ибн Хаттобдан, у эса Росулulloҳ ﷺдан шундай ривоят қилганини эшитганман:

«إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى، فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَهَجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ لِدُنْيَا يُصِيبُهَا أَوْ امْرَأَةٍ يَتَزَوَّجُهَا فَهَجْرَتُهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ»

«Амаллар фақатгина ниятлар билан эътиборлидир ва ҳар бир киши учун унинг ният қилган нарсасигина берилади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Росули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Росули учун деб эътибор қилинади. Кимнинг ҳижрати бирон дунё матоҳини қўлга киритиш ёки бирон аёлни никоҳлаб олиш учун бўлган экан, бас, унинг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўша учундир». (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Шунда у бамбукни янада қаттиқроқ ерга тикди, атрофидагилар эса қиличларини маҳкамроқ ушлашди. У айтдики, эй Авзой Умавийлар қони ҳақида нима дейсиз. Шунда мен: Росулulloҳ ﷺ айтганлар:

«لَا يَجِلُّ دَمُ امْرِئٍ مُسْلِمٍ إِلَّا بِإِخْدَى ثَلَاثٍ، النَّفْسِ بِالنَّفْسِ، وَالتَّيْبِ الرَّائِي، وَالتَّارِكِ لِدِينِهِ الْمَفَارِقِ لِلْجَمَاعَةِ»

«Мусулмон кишининг қони уч ҳолатнинг бирида ҳалол бўлади: жонга жон (яъни ноҳақ одам ўлдирган, (турмуш кўрган бўла туриб) зино қилган ва ўз динини тарк этиб жамоатдан ажралганда», дедим. У эса бамбукни янада қаттиқроқ ерга тикиб: Уларнинг мол мулки ҳақида нима дейсиз деди. Мен: Агар қўлларидаги мол мулки ҳаром бўлса, улар сиз учун ҳам ҳаром. Агар ҳалол бўлса, сиз учун фақат шаръий йўл билангина ҳалолдир, дедим. Шунда у бамбукни янада қаттиқроқ ботириб, сизни қози қилсак нима дейсиз, деди. Мен эса, сиздан аввалгилар бу борада мени қийнашмаган. Мен уларнинг менга кўрсатган меҳрини яхши кўраман, дедим. Шунда у, қайтиб жўнашни истайсизми? – деди. Ортимда аҳли аёлларим қолган, улар менинг раҳбарлигимга ва уларни сатра аврат қилишимга муҳтожлар, менинг ҳолатим

сабабли улар безовталанишган, дедим. Сўнг бошимни пастга эгиб кетишга изн беришини кутиб турдим. Кейин у менга кетишимга буюрди ва мен қайтдим. Бухорий ва Муслим ривояти.

Авзой ва Мансур ўртасида:

Имом Абдурахмон ибн Амр Авзой ўзи ҳақида шундай ривоят қилади: Амирул мўминин Абу Жаъфар Мансур мен Сохилдалигимда чопар юборган эди ва мен унинг хузурига келдим. Унга етгач Халифалик билан кутлаб салом бердим. У ҳам салом берди ва мени ўтқазиб, эй Авзой нега кечикдингиз, деди. Шунда мен, эй амирул мўминин, нима хоҳлайсиз, деган эдим, у, мен сизлардан ибрат ва билим олмоқчиман, деди. Мен эса: Эй амирул мўминин, сиз мен айтаётган нарсалардан беҳабар эмассиз дедим. Шунда у, қандай беҳабар бўлмайин, мен у ҳақда сиздан сўраяпман-ку. Мен шу ҳақда сизга мурожаат қиляпман ва юзимни сизга қаратдим, деди. Мен айтдимки, сиз уни эшитиб, сўнг унга амал қилмайсиз, деб кўрқаман. Шунда Робиъ менга бакириб, қўлини қиличига олиб борган эди, Мансур унга танбех берди. Кейин, бу жазо мажлиси эмас, балки савоб мажлисидир, деди.

Мен хотиржам туриб, сўзимда енгил давом этган ҳолда бундай дедим: эй амирул мўминин менга Макхул ибн Атийя ибн Бишр Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганини айтиб берган:

«أَيُّمَا عَبْدٍ جَاءَتْهُ مَوْعِظَةٌ مِنَ اللَّهِ فِي دِينِهِ؛ فَإِنَّهَا نِعْمَةٌ مِنَ اللَّهِ سَبَقَتْ إِلَيْهِ، فَإِنْ قَبِلَهَا بِشُكْرٍ، وَإِلَّا كَانَتْ حُجَّةً مِنَ اللَّهِ عَلَيْهِ لِيُزَادَ إِثْمًا وَيُزَادَ اللَّهُ بِهَا سَخَطًا عَلَيْهِ»

«Қайсики бандага дини борасида Роббиси томонидан панд-насихат келса, бу унга Аллоҳ томонидан берилган неъматдир. Агар банда уни шукр билан қабул қилса, бу яхши. Акс ҳолда у Аллоҳ томонидан унга қарши ҳужжат бўлади. Шунда унинг гуноҳи ва Аллоҳнинг унга нисбатан ғазаби зиёда бўлади.»

Эй амирул мўминин, ким ҳақни ёмон кўрса, Аллоҳни ёмон кўрибди. Чунки Аллоҳ Таоло очик ҳақдир. Уммат сизга ўз ишларини топширганида уларнинг қалбларини сизга юмшатган нарса сизнинг Росулulloҳ ﷺга яқинлигингиздир. У зот уларга раҳм-шафкатли бўлиб, уларга тасалли берар эди. Шунингдек, Аллоҳ олдида ва одамлар олдида мақтовга сазовор эди. Шунинг учун сиз у кишига нисбатан ҳақиқатни адо этинг. Шунингдек, улар орасида адолатни ўрнатинг ва авратларига парда бўлинг. Улар қаршисида эшикларни ёпманг ва парда тортманг. Балки неъматлардан хурсанд бўлиб, уларга етган ёмонликлардан ғам чекинг.

Эй амирул мўминин, фақат ўзингиз билан овора бўлиб, ўзингиз бошқараётган оддий (қизил, қора, мусулмон ва кофир) одамлардан бепарво бўлиб қолдингиз. Сиз уларнинг ҳар бирига адолат қилишингиз лозим. Хўш, агар улардан бирин-кетин гуруҳлар пайдо бўлиб, сиз уларга келтирган мусибатдан ва зулмдан нолиса нима қиласиз.

Эй амирул мўминин, агар салтанат сиздан олдингиларда қолганида, сизга етиб келмаган бўлар эди. Сиздан олдингиларга қолмаган нарса сизга ҳам қолмайди. Эй амирул мўминин менга Умар رضي الله عنه бундай дегани етиб келган: «Агар бир кўзичок Фурот қирғоғида бекордан ўлиб қолса, у ҳақида ҳисоб-китоб қилинишдан қўрқаман». Шундай экан, сиз гиламингизда ўтириб, адолатингиздан маҳрум бўлган одам-чи? Эй амирул мўминин, сизнинг бобонгиз Аббос Пайғамбар رضي الله عنهдан Макка ёки Тоиф ёки Яман амирлигини сўраганида, У зот «Эй Аббос, эй Пайғамбарнинг амакиси сиз яшаётган жон сиз ҳисобини билмайдиган амирликдан яхшироқдир». У зотнинг ўз амакисига қилган насиҳати унга бўлган раҳмдиллигидандир. Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم унга Мен сизга Аллоҳсиз бирор нарсада фойда келтира олмайман деб хабар берди. Чунки Аллоҳ Таоло у зотга

﴿وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ﴾

«Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг!» [Шуаро 214]

деб ваҳий қилган эди. Шунинг учун у зот «Эй Аббос, Эй Пайғамбарнинг аммаси София, Эй Мухаммаднинг қизи Фотима мен сизларга Аллоҳсиз бирор нарсада фойда келтира олмайман, менинг амалим ўзим учун, сизнинг амалингиз ўзингиз учун», деган эди.

Умар ибн Хаттоб айтади: Амирлар тўрт хил бўлади: Ўзи ва ишчилари оғир ҳаёт кечирадиган кучли амир. У Аллоҳ йўлидаги мужоҳидга ўхшайди, Аллоҳнинг қўли раҳмат билан унинг устига ёйилгандир. Иккинчиси ўзи заифлигидан оғир ҳаёт кечирадиган лекин ишчилари бемалол яшайдиган заиф амир. У Аллоҳ раҳм қилмаса ўлим ёқасидадир. Учинчиси ишчилари оғир ҳаётда ўзи эса бемалол яшайдиган амир. Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم у ҳақда

﴿شَرُّ الرُّعَاةِ أَحْطَمَةٌ﴾

«Раҳбарларнинг энг ёмони золимидир», деган. У ёлғиз ўзи ҳалок бўлгувчидир. Тўртинчиси эса ўзи ва ишчилари бемалол яшаган амир, уларнинг барчаси ҳалок бўлгувчидир. Эй амирул мўминин

энг қийин нарса Аллоҳнинг ҳаққини адо этиш, Аллоҳнинг наздидаги энг ҳурматли нарса тақводир. Ким Аллоҳга итоат қилиш орқали азизлик истаса, Аллоҳ уни юксалтиради ва азиз қилади. Ким азизликни Аллоҳга исён қилиш орқали изласа, Аллоҳ уни хор қилади. Бу менинг сизга бўлган насиҳатимдир, саломат бўлинг. Шундан кейин мен турган эдим, у менга қаерга борасиз деди. Мен эса, Аллоҳ хоҳласа, амирул мўминин изни билан болаларим ва ватанимга, дедим. Шунда у, сизга рухсат, насиҳатингиз учун раҳмат, мен уни қабул қилдим, деди. Муҳаммад ибн Мусъаб айтади: Мансур унга кетишига ёрдам бўлиши учун пул беришга буйруқ қилган эди, Авзойи уни қабул қилмади. У айтдики, мен унга муҳтож эмасман ва насиҳатимни дунё матосига сотмайман, деди. Мансур унинг мазҳабини билар эди, шунинг учун ундан ғазабланмади. (Ушбу насиҳатни Хофиз ибн Абу Дунё Халифаларга панд насиҳатлар китобида ривоят қилган). □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Путин жинсни ўзгартиришни тақиқловчи қонун имзолади		
<p>Россия президенти Владимир Путин жинсини ўзгартиришни – тиббий ҳолатлар бундан мустасно – тақиқловчи қонун имзолади. Бу шуни англатадики, худди Ғарб давлатларида бўлгани каби жинсни ўзгартириш операцияларини ўтказиш ҳамда жинс ўзгартиришига ёрдам берувчи прогормонал дориларни қабул қилиш тақиқланади. Айни пайтда, бу қонун жинсини ўзгартирганларга фарзанд асраб олишга ҳам рухсат бермайди. Қонунни 2023 йил 14 июлда Россия думаси бир овоздан маъқуллади. Федерация Кенгашининг ижтимоий сиёсат бўйича кўшимча йиғилишида қилинган қонун муҳокамаси чоғида Россия соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Евгения Котованинг таъкидлашича, 2018 йилдан 2022 йиллар орасида жинсни ўзгартиришга оид 2000дан зиёд фуқаролик ҳолати қайд этилган. Шунингдек, Котованинг таъкидлашича, ушбу қонун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузмайди, ҳужжатга кўра, агар турмуш ўртоқлардан бири жинсини ўзгартирса, никоҳ бузилади, ушбу янги қонун унинг кучга киргунига қадар жинсини ўзгартирган шахсларга нисбатан қўлланмайди. Ушбу қонун фаолларнинг «Россия жамияти учун орқага ташланган қадам» номли танқид кампаниялари ўтказишларига қарамай тасдиқланди ва кучга кирди.</p> <p>Ал-Ваъй: Россия, тўғрироғи, Путин – Ғарбни динга душманлик цивилизацияси билан яшамоқда, Тангрига қарши курашиб, маънавий қадриятлар устунларини бузмоқда, деб билапти. Уни, шунингдек, бир кўзли дажжол, Россияни эса рус православ черкови таълимотларига амал қилувчи халоскор Масих, деб атамоқда. Шу нуктаи назардан, «Путиннинг ақли», дея танилган рус философи Александр Дугин мусулмонларни ғарбликларга қарши ҳал қилувчи кураш (Армагедон)да Россия билан иттифокчи бўлишга чақирди. Эслатиб ўтамиз, Россиянинг Сурияда мусулмонларга қарши тўғридан-тўғри урушга кириб, даҳшатли жиноятлар содир этиши мусулмонларга қарши диний уруш бўлиб, унга мусулмонларнинг Халифалик давлатини барпо этишларини олдини олиш учун рус православ черкови даъват қилган.</p>		
Хавотирли рақам... Хитойда туғилиш даражаси рекорд даражада пасайиб кетгани кузатилмоқда		
<p>«National Business Daily» газетасининг маълум қилишича, Хитойда туғилиш даражаси 2022 йилда 1,09ни ташкил қилиш</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--	-----------------------------------

билан рекорд даражада пастлаб кетган. Бу рақамнинг хитойлик расмийларни хавотирга солиши эҳтимоли кўпроқ. Зеро, улар мамлакатда камайиб бораётган янги туғилган чақалоқлар сонини кўпайтиришга уринишаётганди. Хитой ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланувчи мазкур газетанинг таъкидлашича, Хитой аҳолишунослик ва ривожланиш тадқиқот маркази берган ушбу маълумотларга кўра, аини рақам Хитойни 100 миллиондан ортиқ аҳолига эга барча мамлакатлар орасида туғилиш даражаси энг паст мамлакатга айлантиради. Хитойдаги туғилиш даражаси, Жанубий Корея, Тайван, Гонконг ва Сингапур давлатларига кўшимча, дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бирига аллақачон айланиб бўлган. Пекин аҳоли сонининг олтмиш йил ичида биринчи марта қисқараётганидан ва қариялар сонининг тез ошаётганидан хавотирга тушди ва шу сабабдан туғилиш даражасини ошириш, жумладан, моддий рағбатлантириш ва болалар парвариши муассасаларини яхшилаш каби қатор чора-тадбирлар кўрди. Май ойида Хитой президенти Си Цзиньпин аини масалани муҳокама қилиш учун махсус йиғилиш ўтказди. Хитой келажакдаги иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун «ўртача» туғилиш даражасини сақлаб қолиш йўлида кураш олиб боришини таъкидламоқда. Болаларга ғамхўрлик қилиш харажатларининг ошиб кетгани ва кўпчилик хитойлик аёлларнинг ушбу вазифаларни тарк этишга мажбур бўлишаётгани, бу нарса оилаларни ҳақиқатда кўп фарзанд кўришни истамайдиган ёки умуман фарзанд кўрмасликни истайдиган қилиб қўйди. Гендер тенглигидаги тафовутлар ва аёлларнинг фарзандларга ғамхўрлик қилишларига оид анъанавий стереотиплар бутун Хитой бўйлаб ҳануз кенг тарқалмоқда. Сўнгги ойларда расмийлар болалар тарбиясидаги оғирлик ва вазифаларни бўлиштириш бўйича ўз баёноتلарини кучайтиришди. Бироқ, шунга қарамай, аксар вилоятларда оталик таътиллари ҳамон чекланган.

Ал-Ваъй: ҳар қандай мамлакат ёки миллатдаги туғилиш даражаси масаласи алоҳида шахсий масала эмас, балки давлатлар ва миллатлар масаласи бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мусулмонларнинг икки миллиардга яқинлашганлиги, яъни сайёрамиз аҳолисининг қарийб чорак қисмига етганлиги Ғарб ва ғайримусулмонларни хавотирга солиб, улар учун даҳшат омилига айланди, бунга асло шубҳа йўқ.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Ўзини «Риёзнинг биринчи раввини» дея даъво қилган яҳудий Саудия жамиятидаги вазифасини очиклади		
<p>(Исроил)нинг «i24» канали хабарига кўра, Саудия пойтахти Риёзда яшаётган Яков Исраэл Герцог (Исроил)-Саудия ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги ютуқларни кутиб ўтирмади, балки ўзини «Риёзнинг биринчи раввини», деб эълон қилди. Саудияда яшовчи минглаб яҳудий муҳожирларга хизмат қилиш учун мамлакатда биринчи «Байти Хабад»ни очди. Саудияда ишлаш учун келган минглаб яҳудий муҳожирлари мавжуд... Умумий олганда, мамлакатда 15 мингга яқин яҳудий турли хил меҳнат шартномалари асосида ишламоқда. Канал хабарида айтилишича, «Яков буни мамлакатдаги яҳудийлар эҳтиёжларига ким қайғуришидан ташвишланиб шундай қилмоқда». У маънавий раҳбар сифатида турли хизматлар тақдим этаётганини айтди, масалан, яҳудийлар намозини ташкил қилиш ва байрам таомлари тарқатиш каби. «Times of Israel» веб-сайтида 2021 йилда нашр қилинган бир мақолада айтилишича, Қўшма Штатларда туғилган раввин Яков (Исроил) билан Саудия ўртасида расмий дипломатик алоқа мавжуд эмаслигига қарамай, икки мамлакат фуқаролигига эга. Бу унга Саудияни зиёрат қилишига рухсат бермоқда. «LinkedIn» ижтимоий тармоғига Яков ўзини «Саудиядаги раввин ва бизнесмен», «муносабат ва алоқалар» ҳамда «янги туғилган яҳудий чақалокларини хатна қилиш ва динлараро диалог ўтказиш» бўйича мутахассис эканини айтди. «Times of Israel»нинг таъкидлашича, Яков «LinkedIn» сайтига ва ўзининг раввинлик ҳаракатлари учун очган сайтларга ўзини «Саудия Арабистони мамлакатининг бош раввини» деган амбицияли унвонини қўллаган. «X» платформасига ҳам ўзини «Саудия раввини» ва «Араб ярим ороли раввини», деб сифатлаган бу кимса «менинг келажакдаги режам ушбу мамлакатда энг камида биринчи марта очик яҳудийлар жамиятини барпо этишдан иборат», деди.</p> <p>Ал-Ваъй: Афтидан, (Исроил) умуман минтақага, хусусан, Форс кўрфазига эълон қилинганидан кўра кўпроқ сингиб кетган кўринади, ҳали яширин номдаги яҳудийлар ҳам борки, уларни албатта фош этмоқ лозим... Бу жиноятда Кўрфаз ҳукмдорлари ҳам четда эмаслар.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ташвишлар фониди... Саудия билан Амирликлар «сунъий интеллект» дастурларини ривожлантиришда пойга ўйнашмоқда		
<p>Саудия Арабистони билан Бирлашган Араб Амирликлари «сунъий интеллект» дастурларини яратиш учун минглаб юқори самарали ва зарурий «Nvidia» чипларини сотиб олиш устида беллашмоқда. Уларнинг мақсадлари – Британиянинг «Financial Times» газетаси хабарига кўра – ўз иқтисодиётларини ривожлантириш ҳамда ақлли тизимларни ривожлантиришдаги қизғин пойгага кўшилишдир. Форс Кўрфази мамлакатлари ўз иқтисодиётларини жонлантириш бўйича улкан режаларни амалга оширишга интилиш билан бир қаторда, сунъий интеллект соҳасида етакчи бўлишни мақсад қилишган. Бироқ, бу ерда технологиядан нотўғри фойдаланиш эҳтимоли ҳақида хавотирлар бор, деб ёзади газета. Халқаро Амнистия ташкилоти раҳбарлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ғарб экспертлари «Саудия билан Амирликларда ишлаб чиқиладиган бу дастур йирик технология компаниялари амалга оширишга ҳаракат қилаётган ахлоқий асос ва хавфсизлик хусусиятларига эга бўлмаслиги мумкин» деган хавотирда. Брюсселдаги Демократия ва технологиялар марказининг Европа идораси директори Иверна Макгоуэн «Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва журналистлар Саудия ва Амирликлардаги репрессив ҳукуматлар олиб бораётган кампанияларнинг тез-тез нишонига айланиб қолмоқдалар», деди. У, шунингдек, «Financial Times»га бу сунъий интеллектнинг ноқонуний кузатувни кучайтириши мумкинлиги ҳақида гапириб, айтиб ўтдики келажакдаги даҳшат, деб атади. Бу хавотирга нисбатан на Амирликлар ҳукумати изоҳ берди ва на Саудия ҳукумати.</p> <p>Ал-Ваъй: Ўйлаб кўринг, бу давлатлар раҳбарларида ўзларининг ликиллаб қолган курсиларини қандай сақлаб қолишу халқларини қандай репрессия қилиш ҳақида ўйлашдан бошқа ташвиш йўқ.</p>		
Саркози Қаззофийни йўқ қилишдаги ўз ролини рад этиб, бу иш жавобгари сифатида НАТОга ишора қилди		
<p>Франциянинг собиқ президенти Николя Саркози ўзининг Ливия раҳбари Муаммар Қаззофийнинг йўқ қилиниши қарорини қабул қилган томон эмаслигини даъво қилди ҳамда уни йўқ қилиш «НАТО раҳбариятининг мувофиқлаштирилган коллектив қарори» натижаси эканини таъкидлади. У ўзининг «Le temps des combat»</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>(Жанг замони) номли китоби нашр этилиши муносабати билан ўнг қанот «Le Figaro» газетасига берган интервьюсида «бу фактлар олдида айтиш шармандали тортишув йўқ бўлиб кетади», деди. Қаззофийни президентлик саройи «Елисей»да бир неча марта қабул қилган Саркози бу билан Қаззофийни йўқ қилиш операциясига ишора қилиб ўтди. Маълумки, Франция суд терговлари Саркозининг президентлик кампаниясини молиялаштириш ортида Қаззофий турганини тасдиқлаган. Италиянинг (2012 йил 29 сентябрда нашр қилинган) «Corriere della Sera» газетаси хабарида Қаззофийга нисбатан суиқасд операцияси инқилобчиларга қўшилиб олган франциялик агент қўли билан ижро этилгани айтилади. Ўшанда европалик расмийлар «Қаззофийни овозини ўчириш учун Саркози қўлида барча асослар борлиги» ҳақида гапиришган. Ливиянинг собиқ президенти Муаммар Қаззофий 2011 йил 20 октябрда Сирт шаҳри яқинида ўлдирилган. Британиянинг «Daily Mail» газетаси собиқ ташқи разведка координацияси раҳбари Ромий Убайдийдан иқтибос келтирган ҳолда маълум қилишича, француз разведкаси Қаззофийнинг телефон суҳбатини тинглаш ортидан ўлдирилишида ҳал қилувчи бевосита роль ўйнаган. Икки журналист Фабрис Арфи билан Карьял Ласки ўз мақолаларида Қаззофийга қилинган суиқасд ҳақида ёзишган: «Ливия ўтиш даври миллий кенгашидаги катта расмийлардан бири «Қаззофий исёнчилар томонидан ушланганидан кейин, уни бевосита қатл қилган кимсалар Франция махсус кучлари ходимлари бўлган», деди. Саркози Қаззофийга суиқасд қилиш операциясида Франциянинг роли ҳақидаги иддаоларни ҳам, газета хабарларини ҳам бир неча марта инкор қилган ва бир вақтнинг ўзида, ўзининг президентлиги сайловидан олдин ҳам, кейин ҳам собиқ Ливия режимидан қўллаб-қувватлов олмаганини таъкидлаган.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Қаззофий содир этган оғир жиноятларни санаб тугатиб бўлмайди. Бироқ Ғарб раҳбарларининг жиноятлари энг ёмондир, ҳатто ёвузликнинг бошидир. Аллоҳ Субҳанаҳу мусулмонлардан истаётган яхшилик эса, аввало ўз ҳукмдорларини ағдармоқ ва улар ортидан ғарблик хўжайинларининг думини қиркмоқ учун ҳаракат қилишларидир.</p>		
<p>Эронда шиа байрамлари чоғида режимни танқид қилишнинг кучайиб бораётганлиги кўзғолон аломатларидандир</p>		

Нью Йорк Таймс газетасида чоп этилган мақолада куйидагилар айтилади: Эронда Ашуро байрами чоғида сиёсий режимни танқид қилишлар тобора кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Байрамларда қилинган нутқларда ва қўшиқларда юрт ресурсларини ўғирлаб, ютиб юбораётган ва одамларни улардан маҳрум этаётган амалдорлар танқид қилинган. Келаси йил 6 сентябрда Эронда ўтказиладиган «Қирқ кун» номли намойишларнинг диний кўринишдан сиёсий кўринишга ўтиши, сўнг норозиликларга айланиб кетиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Шунингдек, Ашуро маросимларида кўзғолон аломатлари борган сари яққол кўриниб борапти. Бу эса норозилик намойишини тақиқлаётган ва уни «душманимизни қувонтиради», деяётган режимнинг устунларини ларзага солмоқда. Эронлик таҳлилчилар – бу йил ҳукмдориятни танқид қилиш ўтган йилларга нисбатан жуда кучайиб кетаётганини айтадилар. Шунингдек, эронликлар «имом Хусайн таъзияси»ни уюштириб, тадбир чоғида сураат ва анъанавий диний байроқлар билан бирга сўнгги намойишларда ўлдирилганларнинг ҳам сураатларини кўтариб чиққанлар. Маълумки, бу сўнгги намойишлар Маҳсо Аманий исмли қизнинг ахлоқ тузатиш полицияси қўлида ўлим топиши ортидан бутун юрт бўйлаб аланга олган эди. Турли даврларда содир бўлган олдинги воқеа-ҳодисаларни санайдиган бўлсак, Эрон, Ироқ, Ливан каби юртлардаги Ашуро маросимлари маросимдан норозилик намойишларига айланиб кетганини кўриш мумкин. Мисол учун, қироллик бошқаруви ағдарилган 1979 йилдаги Эрон инқилоби чоғида Ашуро тадбири йирик намойишга айланиб, ўша пайтдаги шоҳ ҳукмронлигига қарши бурилиш нуктаси бўлган. Ироқда 2020 йил Ашурони хотирлаш маросимида ироқлик фаоллар «Октябр шахидлари», деб ёзилган кортежлар билан қатнашди. Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусайн даврида ироқлик шиаларнинг айна байрамни оммавий равишда нишонлашлари ман этилди... Афғонистондаги Толибон ҳукумати ҳам яқинда худди шундай тақиқ эълон қилди.

Ал-Ваъй: Гарчи Эрон режими Америка томонидан ҳимоя қилинаётган эса-да, аммо ўз халқидан ҳимояланмаган... Бугун бўлмаса-эртага халқ раҳбарларнинг мусулмонларга қарши жиловсиз равишда уруш олиб бораётганлари ва Америкага хизмат қилишдек нопок роль ўйнашаётганини бирма-бир фош этади. Эртанги кун эса кутаётган киши учун яқиндир. □

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الْمَصَّ كِتَابٌ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ مِّنْهُ لِتُنذِرَ بِهِ
وَذِكْرَىٰ لِمُؤْمِنِينَ ﴿۱﴾ أَتَّبِعُوا مَا أَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ مِّن رَّبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِن دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا
مَّا تَذَكَّرُونَ﴾

«1. Алиф, Лом, Мим, Сод. 2. (Бу Қуръон) сизга унинг ёрдамида кофирларни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиришингиз учун нозил қилинган Китобдир — бас, кўнглингизда у сабабли танглик (шубҳаланиш) бўлмасин! — ва у мўминлар учун бир эслатмадир. 3. (Эй инсонлар), сизга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! Камдан-кам панд-насиҳат олурсиз» [Аъроф 1-3]

Шайх Мутавалли Муҳаммад Шаъровий роҳимахуллоҳ шундай хотирлайди:

Биз Аъроф сураси ҳақида фикр юритишни бошлашдан олдин Аллоҳнинг китоби ҳақида диққат билан мулоҳаза қилишимиз лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Шубҳасиз, Парвардигорингиз (кофирлар учун) азоби қаттиқ, (мўминларни эса) мағфират қилгувчи, меҳрибондир» [Анъом 165] дейди. Анъом сурасининг охириги калимаси (رحيم)ни ўқир эканмиз, уни васл (боғланиш)га асосланганини топамиз. Чунки қуръон оятларининг барчаси боғланган. Гарчи оятлар орасида узилишлар бўлсада, улар боғланишга асослаган. Шунинг учун (غفور رحيم)даги мимнинг устида замма ҳаракати ва унинг ёнида кичкинагина мим ҳарфи ҳам бор. Чунки танвиндан кейин بَاء ҳарфи келса, танвин мимга қалб қилинади (яъни алмаштирилади. (بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ) деб ўқишингиздан олдин رحيم калимаси устида кичкина мим бор, шунинг учун Гофурур роҳиймум бисмиллаҳи деб ўқилади. Шунингдек, Қуръоннинг ҳар бир оятини боғланиш асосида эканини кўрасиз. Бунда гўё Қуръон қисмларга ажрамайдигандек туюлади. Уларни сукун қилиш ҳам мумкин, ҳар бир оятда вақф қилиш (тўхталиш) ҳам

мумкин. Лекин Аллоҳ боғланган бўлишини ирода қилган. Гарчи айрим оятларда иқлоб ва айримларида идғом бўлсада, бирида ғунна ва бошқасида ғуннасиз ўқилади.

(المص) оятида ҳар бир ҳарф ўртасида боғланиш бор. Оятни ушбу тарзда ўқиймиз: Алиф деб тўхталамиз, Лом деб тўхталамиз, Мим деб тўхталамиз, сўнг Сод деймиз. Бу ерда ҳарфлар бир ҳикмат учун қоидага хилоф равишда ўқилади. Чунки улар муқаттаот ҳарфларидир, (ق, ص, يس, طه, حم, الم) ҳарфлари шулар жумласидан бўлиб, уларнинг барчаси сукунга асослангандир. Бу ҳарфлар сиз учун битта калимага ўхшасада, лекин Аллоҳ ҳузурида ҳар бир ҳарф мустақил маънога эга. Росулulloҳ ﷺ айтади:

«مَنْ قَرَأَ حَرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ، وَالحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا، لَا أَقُولُ الْم حَرْفٌ، وَلَكِنْ أَلِفٌ حَرْفٌ وَلَا مٌ حَرْفٌ وَمِيمٌ حَرْفٌ»

«Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга ўн баробар яхшилик бордир. Мен Алиф. Лом. Мим битта ҳарф демаяпман, балки алиф битта ҳарф, лом битта ҳарф, мим яна бир ҳарфдир». Росулulloҳ ﷺ бу билан ушбу ҳарфлар ортида мустақил маънолар борлигига ишора қилиб, улар устида мулоҳаза юритиш ва тафаккур қилишда манфаат борлигига ишора қилдилар. Шунинг учун буни тушунганлар тушуниб, у билан ибодат қилади. Қуръон ўқиган ҳар бир киши унинг ҳар бир ҳарфига савоб олади. Ҳатто اعوذ بالله من الشيطان الرجيم деса ҳам савоб олади.

Шундан кейин бир ёки бир неча ҳарф айтса, ҳар бир ҳарфга яхшилик бор. Қачон сураларнинг бошланишини ўқисак, масалан Бақара сураси (الْم) деб, Аъроф сураси (الْمَص) деб сукун билан, ҳарфлар ўртаси ажратилган ҳолда ўқиймиз. Бу ерда яна бир мулоҳаза қилинадиган нарса шуки, бунда мусаммолар (исмланаётган нарсанинг ўзи) эмас балки исмлар ўқилди. Мусаммолар нима-ю, исмлар нима? Масалан сиз كنب калимасини ўқиганингизда, ҳарфларнинг исмларини (كاف) (تاء) (ياء) деб ўқимайсиз, балки кафни ك деб ўқийсиз. Бу ҳарфнинг исми фатҳали каф, мусаммоси эса (ك)дир. Демак ҳар бир ҳарфнинг мусаммоси бор, бошқача айтганда инсон талаффуз қиладиган товуши бор. Саводсиз одам исмларини билмасада, уларнинг мусаммоларини айтади. Лекин таълим олган киши (كتب) деганда бу калимани фатҳали (كاف) фатҳали (تاء) ва фатҳали (ياء)дан иборат эканлигини билади. Лекин оми одам бу каби батафсил

билмайди. Росулulloҳ ﷺ илм олмаган оми ҳолда буни Парвардигоридан қабул қилиб, Алиф. Лом. Мим деб ўқиганлар. Шундай экан, ким у зотга ҳарфларнинг мусаммоларини ушбу исмлар билан ўқинг деб айтган? Демак улар Росулulloҳ ﷺ га ўргатилган ва у зот қабул қилиб олганлар. Ҳақ Таоло айтади:

﴿فَإِذَا قَرَأْتَهُ فَاتَّبِعْ قُرْءَانَهُ﴾

«Бас, қачон Биз уни ўқиб берганимиздан сўнггина сиз ҳам уни ўқишга эргашинг» [Қиёмат 18]

Яъни бунинг маъноси эй Муҳаммад эшитганингиздек ўқинг деганидир. Шунинг учун ажойиб ишларни кўрасиз. Масалан Бақара ва Оли Имрон сураларининг бошланишини (آلَم) деб ўқисангиз, Фил сурасининг бошланишини

﴿أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ﴾

«(Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми?» [Фил 1]

деб яъни ҳарфларнинг мусаммосини ўқийсиз. Хўш, Бақара ва Оли Имрон сураларидаги Алиф. Лом. Мим. ҳарфлари билан Фил ва Шарҳ сураларидаги худди шу ҳарфлар ўртасидаги фарқ нимада? Чунки сиз Бақара ва Оли Имрон сураларида ушбу ҳарфларнинг исмларини ўқисангиз, Фил сурасида уларнинг мусаммоларини ўқийсиз. Сизнинг бундай ўқишингизнинг сабаби Бақара ва Оли Имрон сураларини шундай ўқилганини эшитгансиз ва Филни эса бошқача ўқилганини эшитгансиз. Демак қироат тавқифийдир. Шунинг учун ҳеч ким Қуръонни муаллимсиз ўқиши жоиз эмас. Балки аввало қандай ўқилишини эшитиши лозим.

Аъроф сурасининг бошланишини (الْمَصَّ) деб ўқиймиз, улар муқаттаот ҳарфлари бўлиб, улар йигирма саккизтадир. Уларнинг ярми яъни ўн тўрттаси сураларнинг бошланишида келади. Улар Қоф, Сод ва Қалам сураларида биттадан келган бўлса, Аҳқоф сурасида иккитадан (حَمَّ) бўлиб келган. Бақара каби сураларда учтадан (آلَم) бўлиб келган бўлса, Аъроф каби сураларда тўрттадан (الْمَصَّ) бўлиб келган. Марям сурасида эса бешта (كَهَيْعَصَّ) бўлиб келган.

Агар ушбу ўн тўрт ҳарфга назар солсангиз, уларнинг абжад ҳарфларидан ярмини ташкил қилаётганини кўрасиз. Бу эса унда

харфлар ҳукмларининг ярми бор, демакдир. Уларнинг айримлари маншур, айримлари маҳмус, айримлар махфий ва айримлари мустаълиндир. Ҳар бир турдан ярмини топасиз, бу эса уларнинг нозик ҳисоб-китоб билан тартибга солинганини кўрсатади. Бундан ташқари, харфларни мустаъли ёки муаххам ёки мураккақ ёки маншур ёки маҳмус деб баҳолаш Қуръон нозил бўлганидан кейинроқ қилинди. Лекин уларни айтган Аллоҳ ўз яратган бандаларининг бу муқаттаот харфларини қанчалар била олишларини ҳам билади ва бунда Аллоҳнинг Ўзига хос ҳикмати бор. Росулulloҳ ﷺ оми бўлиб, муаллимга бормаган бўлса, қандай қилиб харфларнинг исмларини айтган. Ваҳоланки харфларнинг исмларини таълим олган кишигина билади. Демак у киши ўша харфларни ўрганган. Биз биламизки Қуръон арабларни махлуқотларнинг саййидига мўъжиза бўлиши учун беллашувга чақирган. Чунки мана шу санъатда моҳир бўлган кишиларгина беллашувга чақирилади.

Араблар балоғат, нутқ, шеърият ва мақолларда машҳур бўлишган. Демак улар калом, фасоҳат ва балоғат аҳли бўлганлар. Шунинг учун Қуръон арабларга мана шу маҳоратлари томонидан келди. Аллоҳ Таоло арабларни улар келтира олмайдиган Қуръонни уларга юборгани борасида беллашувга чақирар экан, бу ердаги хомашё битта бўлиб, у ҳам бўлса тил ҳамда араблар моҳир бўлган ўша тилнинг харфлари ва улар истеъмол қилаётган калималардир. Лекин араблар унга ўхшашини келтира олмадилар. Чунки у барча нарсага қодир Парвардигор томонидан бўлиб, араблар ва уларнинг балоғати махлуқ ва ожиз бўлган инсоннинг маҳсули эди. Шундай қилиб биз муқаттаот харфларининг сирини Росулulloҳ ﷺ Қуръонни фаришталардан ўрганганида эканини биламиз. Чунки у зот саводсиз бўлишига қарамай, харфларнинг исмларини билди. Харфларнинг исмларини эса юқорида айтганимиздек фақат таълим олган кишигина билади. Дарҳақиқат инсонга ёзишни ва билмаган нарсаларини ўргатган зот у кишига ҳам ўргатган эди. Инсон ақли бу оятлар ва харфлар ҳақида кўп маъноларни айтиши мумкин. Масалан тасаввуф оқими тарафдорлари (المتصّ) бир ҳикмат учун келган, шунинг учун алифни ҳалқумдан, ломни тилдан ва мимни лабдан чиқарасиз дейишади. Суфийлар бундан сизга шу сурада Одам ﷺнинг яратилишидан бошлаб ҳаёт ишлари ҳақида сўз юритилганидан далолат беради, деб айтишади. Яъни бунда инсон яратилишининг бошланиши,

ўртаси, охири, ҳисоб-китоб қилиниши ва охират ҳовлисидаги ҳаётига ишора қиладилар. Сод ҳарфи ҳақида эса бу сурада аксар анбиёлар қиссаси келган дейишади.

Суфийлар шундай фикрларни айтишди. Табиийки уларни рад этмаймиз. Лекин уларга айтамызки, ушбу ҳарфлар борасидаги Аллоҳнинг илми фақат шуми? Йўқ албатта, чунки биз ҳарфларнинг маъноларини ўрганишимиз ва инсонийлик даражасида уларни олишимиз лозим. Аммо агар биз уни Аллоҳ хоҳлаганича ўқисак, биз Аллоҳ иродасининг барча уфқларини тушуна олмаймиз, чунки бизнинг тушунчаларимиз чеклангандир. Биз инсонлар ҳаётда ишлатиладиган нарсаларга нисбатан маъносиз сўзларни ишлатамиз. Масалан, биз армияда ҳар бир лагер учун «парол» ўрнатадиган одамни топамиз, шунинг учун фақат шу паролни биладиганлар кириши мумкин. Ҳар бир парол уни ўрнатган одам учун маънога эга. Армия лагерига яқинлашаётган лекин паролни билмайдиган одам учун бунинг тўлови унинг ҳаёти бўлиши мумкин. (الْمَصَّ) ушбу муқаттаот ҳарфларидан кейин китоб ҳақида сўз боради. Аллоҳ Таоло:

﴿كَتَبْنَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ مِّنْهُ لِتُنذِرَ بِهِ ۖ وَذِكْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾

«(Бу Қуръон) сизга унинг ёрдамида кофирларни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиришингиз учун нозил қилинган **Китобдир** – бас, кўнглингизда у сабабли танглик (шубҳаланиш) бўлмасин! — ва у мўминлар учун бир эслатмадир» [Аъроф 2] дейди. Нозил қилинган деб эшитдингизми демак билингки у юқоридан келган, бошқача айтганда шариат юқоридан келган. Баъзи уламолар айтишади: Росулulloҳ ﷺнинг кўнглида танглик (шубҳаланиш) бўлиши мумкинми? Огоҳ бўлайликки, бу шундай соатки бунда Роббимиздан бир амр келмоқда, шунинг учун

﴿فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ﴾

(**Кўнглингизда у сабабли танглик (шубҳаланиш) бўлмасин**) деб баён қилмоқда. Бу ердаги қайтариқ Росулulloҳ ﷺга тааллуқли эмас, балки танглик Росулulloҳ ﷺнинг кўнглига жойлашмаслиги учун шу тангликка тегишлидир. Аллоҳ Таоло гўё эй танглик Муҳаммаднинг кўнглига тушма деб айтаётгандек.

Лекин баъзи уламолар бундай дейди: Ҳақ Таоло

﴿فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ﴾

(Кўнглингизда у сабабли танглик (шубҳаланиш) бўлмасин), дейишига сабаб Аллоҳ Таоло биладики, Муҳаммад инсонийликдан келиб чиқиб, танг бўлиши ва хафа бўлиши мумкин, чунки улар у зот ҳақида сеҳргар, ёлғончи, мажнун ва ҳоказоларни айтишган. Агар рақибингиз сиз ҳақингизда сизда бўлмаган, сиз ҳаммадан кўра яхшироқ биладиган нарсани айтса, бу унинг ёлғон гапираётганини билдиради. Чунки сиз ёлғон гапирмадингиз ва афсун қилмадингиз, балки одамларни тўғри йўлга бошламоқчи бўлгансиз. Аллоҳ Таолонинг:

﴿فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ﴾

(Кўнглингизда у сабабли танглик (шубҳаланиш) бўлмасин), деган каломи икки ишдан бири учун келган. Ё Аллоҳ Таоло тангликка Росулulloҳнинг кўнглига тушмаслигини буюрган, ёки Росулulloҳни хотиржам бўлишга буюрган. Бошқача айтганда, кўнглингиз танг бўлмасин, у сизга Аллоҳ томонидан нозил қилинди. Аллоҳ Таоло сизга Қуръонни ўз махлуқотлари учун манҳаж ва тўғри йўл сифатида нозил қилиб, сизни мана шу аҳмоқларга топшириб қўядими? Йўк, асло, шунинг учун хотиржам бўлинг

﴿فَلَا يَكُنْ فِي صَدْرِكَ حَرَجٌ مِّنْهُ لِتُنذِرَ بِهِ وَذِكْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾

«(Бу Қуръон) сизга унинг ёрдамида кофирларни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиришингиз учун нозил қилинган **Китобдир** — бас, кўнглингизда у сабабли танглик (шубҳаланиш) бўлмасин! — ва у мўминлар учун бир эслатмадир» [Аъроф 2] Огоҳлантириш фақат итоатсизга берилади. Чунки огоҳлантириш сиз мурожаат қилаётган одамга келаётган ёмонлик ҳақида хабар беришдир. Бу яна Аллоҳ Таолонинг Бақара сурасидаги

﴿هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ﴾

«**Тақволи кишилар учун ҳидоятдир**» [Бақара 2] каломи каби мўминларга эслатмадир. Бу ерда яна бир нарсани пайқаш мумкинки, рисолатлар юқоридан юборувчи яъни Аллоҳ, юборилган киши яъни элчи ва Уммат бўлишини тақозо этади. Унга юборилаётган киши ё тинглаб, тўғри йўлга юради ёки бунинг аксини қилади. Оятда айтиляптики, Аллоҳ Таоло томонидан

﴿كِتَابٌ أَنْزَلْنَا﴾

«**Нозил қилинган китоб**»

[Аъроф 2]

бу ерда юборувчи Аллоҳдир. Оятдаги (إِلَيْكَ) сизга) дегани сиз элчисиз деганидир. Улар учун юборилаётган кишилар эса Умматдир. Агар улар қарши чиксалар сиз огоҳлантирасиз. Агар мўмин бўлсалар, уларга эслатишингиз, тўғри йўлга етаклашингиз, ёрдам беришингиз ва хушхабар беришингиз лозим бўлади.

Аллоҳ Таоло шундан кейин:

﴿اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِن دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ﴾

«(Эй инсонлар) сизга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз. Камдан-кам панд насиҳат олурсиз» [Аъроф 3] дейди. Модомики одамлар рисолат ва китобнинг эгаси қаршисида икки қисм, яъни ҳидоятни қабул қилганлар ва огоҳлантиришга муҳтож бўлганларга бўлинар экан, Аллоҳ Таоло уларга

﴿اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ﴾

(Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (китобга) эргашингиз) деяпти. Аллоҳ уларни ширкдан қайтариб, ҳидоятга юришини талаб қилмоқда.

﴿وَلَا تَتَّبِعُوا مِن دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ﴾

(Ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз. Камдан кам панд насиҳат олурсиз).

Аллоҳ Таоло шундай оятларга келганда, (وَذَكَّرَى) ёки (وَذَكَّرَ) деб айтади. Аллоҳ Таоло бунда бизнинг эътиборимизни инсон табиатан мўмин бўлиб яратилганига қаратмоқда. Шунингдек, рисолатларнинг барчаси янги имонни пайдо қилиш учун келмаганини, балки бизда хоҳиш ихтиёр бўлмаган ва биз зарра оламида бўлган кунда биздан олган ваъдани эслатиш учун келганига эътиборимизни қаратади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِن بَنِي آدَمَ مِن ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا﴾

«Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то қиёмат кунигача дунёга келадиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми? деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар:

«Ҳақиқатан Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз деганларини эсланг...» [Аъроф 172]

Бу зарра оламидаги иқрордир. Демак Аллоҳ Таоло:

﴿قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ﴾

(Камдан кам панд-насиҳат олурсиз) деганида, биз оталар болаларига етказишни унутган нарсага эътиборимизни қаратамиз. Чунки оталар болаларга яшаш учун керак бўладиган нарсаларни ўргатадилар. Улар болаларига ҳаётдаги қадриятларни ўргатиши ҳам вожибдир. Чунки Аллоҳ Таоло Одам ва Ҳаввони ерга туширар экан, уларга:

﴿فَأَمَّا يَاثِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنِ اتَّبَعَ هَدَايَ﴾

«Бас, сизга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса...» [Тоҳа 123]

деди. Шундай қилиб биз биламизки, Одамга ҳидоят нозил бўлган, демак Одам уни ўз болаларига ўргатиши ва болалари эса набираларига ўргатиши вожиб. Ушбу ҳидоят ҳаёт занжирида узатилиб, унинг барча соҳаларига етиб бориши керак. Аллоҳ Таоло яна бизга қандай эргашишни ҳам ўргатмоқда

﴿اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ﴾

(Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (китобга) эргашингиз).

Барча нарсадан олий бўлган Парвардигор томонидан келган манҳаж ҳаёт учун яроқлидир. Сиздан бирортангиз барча нарсага қодир Парвардигори томонидан ўша келган нарсага эргашишида ҳеч қандай муаммо йўқ. Аллоҳ бизни йўқдан бор қилди ва бизнинг тарбиямизга волийдир. У бизнинг танамизни таом, ичимлик ва ҳаво билан озуқалаб, қадриятларимизни ахлоқ билан тарбияламаслиги мумкин эмас.

﴿وَلَا تَتَّبِعُوا مِن دُونِهِ أَوْلِيَاءَ﴾

(Ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз). Модомики, Аллоҳ Таоло сизга юқоридан нозил бўлган нарсага эргашинг деб очик айтаётган экан, бас, сиз Аллоҳдан бошқасига бориб, ундан қонун олишингиз ножоиздир, худди бугун олам қонунларни Аллоҳдан бошқаси яъни инсонларнинг нафс ҳавосидан олишаётгани каби. Бундай ишни капитализм ва социализм яхши кўради ва унга қурол билан мажбурлайди. Уларнинг ҳар бири ўзига мос келадиган қонунни куч билан ўрнатади. Лекин буларнинг барчаси Аллоҳ манҳажидан тубандир. Чунки улар

инсон фикрлари бўлиб, бошқа инсонлар фикрига доим тескари келади. Шунинг учун иккисидан кўра ўзимиз унга қул бўлишдан ҳазар қилмайдиган зотга эргашишимиз тўғридир.

﴿وَلَا تَتَّبِعُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ قَلِيلًا مِمَّا تَدَّكَّرُونَ﴾

(Ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз. Камдан кам панд насиҳат олурсиз).

Эй мўмин шуни эсда тутгинки, сенинг Аллоҳнинг манҳажига эргашишингдаги кучинг ўз тенгинга бўйсунмаслигингда намоён бўлади. Инсонни борликда яшаб, унинг қадр-қимматини сақлайдиган диннинг афзаллиги мана шудир. Агар унга имкони бўлмаган иш келса, унга сабаблар Парвардигори ёрдам беришига, Ҳақ Таоло ёрдам беришига ишониб, имкониятидаги воситалар билан жавоб беради ва шукр қилган ҳолда Аллоҳга сажда қилади. Парвардигорга ишонмайдиган кимсага имкони бўлмаган иш келса, унинг ҳаёти қийинлашади ва ўз жонига қасд қилиши ҳам мумкин. Шундан кейин, Ҳақ Таоло рисолатлар Одам Атодан келаётгани ва қачонки одамлар орасида бепарволик юз берса, Аллоҳ уларга огоҳлантирувчи бир Пайғамбарни юборишини баён қиляпти. Шунингдек, у шахсда мавжуд бўлган диний қадрият ва ҳимояни уйғотади. Зеро, нафс бузуқ нарсага мойил бўлса, нафс ўзини огоҳлантиради ва унга «нега бундай қилдинг?», дейди. Мана шу маломатчи нафсдир. Агар маломатчи нафс сукут сақлаб, инсон хато қилишда давом этса, нафс нафси аммора (гуноҳга буюрувчи нафс)га айланади. Чунки атрофидаги жамият уни ўзгартиради. Мана шу ҳақ йўлида сабр тоқат қилишга тавсия этишнинг фойдасидир. Ҳар бир киши бир ҳолатда тавсияни қабул қилса, бошқасида қабул қилмайди. Бир шахс шахвати олдида заифлик қилса, шахвати олдида заифлик қилмаган бошқа шахс келиб унга насиҳат қилади. Инсон бошқа инсон билан насиҳат алмашади, мана шу бир-бирига тавсия қилишнинг маъносидир. Насиҳат одамларга тавсия қилиш билан шуғулланадиган бир жамоат томонидангина келмаслиги керак. Балки ҳар бир инсон ўзи кучи етган нарсада насиҳат қилади ва ўзи заиф бўлган нарсада насиҳат олади. Агар жамиятда фасод тарқаса, янги элчини юбориш ва янги мўъжизани келтириш орқали осмон аралашади. Лекин Аллоҳ Таоло Муҳаммад Умматини шу нарсадан сақлади. Муҳаммад ﷺ дан кейин элчи келмайди, чунки биз одамлар учун чиқарилган энг яхши Умматмиз. Яхшилик эса бизнинг маъруфга буюриш ва

мункардан қайтаришимизда намоён бўлади. Тавсия қилиш қиёмат соатигача давом этади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

«Сиз одамлар учун чиқарилган энг яхши Уммат бўлдингиз. Маъруфга буюрасиз ва мункардан қайтарасиз» [Оли Имрон 110]

Бу хусусият ҳеч қачон тўхтамайди. Агар мункарни кўрсангиз, уни инкор қилиб, йўқ дейдиган яхши хужайра керак. Ҳақ Таоло Муҳаммадни охирги элчи қилган экан, бу унинг Умматига қарата сиз омонликдасиз деб гувоҳлик беришидир. Шунингдек, ундаги шахсий иммунитет узилмаслиги ва тугамаслигига ҳамда ундан ижтимоий ҳимоя узилмаслиги ва инсонларнинг саййиди Муҳаммад ﷺдан кейин элчи келмаслигига гувоҳлик беришидир. □

АФВ ВА ОФИЯТ НЕЪМАТИ

• Салама ибн Убайдуллоҳ ибн Миҳсан Ансорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтади:

«مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ مُعَاْفَى فِي جَسَدِهِ، آمِنًا فِي سِرِّهِ، عِنْدَهُ قُوْتٌ يَوْمِهِ، فَكَأَمَّا حَبِزَتْ لَهُ الدُّنْيَا»

«Сиздан қайси бирингиз ўз жисмида офият билан ва хотиржам ҳолда ҳамда бир кунлик таоми бор ҳолда тонг оттирса, унга гўё бутун дунё тўплаб берилибди». Имом Бухорий Адабул Муфрадда чиқарган.

• Анас ибн Молик айтади: Бир киши Расулуллоҳ ﷺ га келиб, эй Аллоҳнинг Росули қайси дуо энг афзал деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ

«تَسْأَلُ رَبَّكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ، فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ»

«Роббингдан дунё ва охиратда кечирishi ва саломат қилишини сўрашлигинг», дедилар. Эртаси куни яна келиб, эй Аллоҳнинг Росули қайси дуо энг афзал деб сўради. Расулуллоҳ ﷺ

«تَسْأَلُ رَبَّكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ، فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ»

«Роббингдан дунё ва охиратда кечирishi ва саломат қилишини сўрашлигинг», дедилар. Учинчи куни келиб, яна эй Аллоҳнинг Росули энг афзал дуо қайси деб сўради. Шунда Расулуллоҳ ﷺ:

«تَسْأَلُ رَبَّكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ، فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، فَإِنَّكَ إِذَا أُعْطِيْتَهُمَا فِي الدُّنْيَا، ثُمَّ أُعْطِيْتَهُمَا فِي الْآخِرَةِ، فَقَدْ أَفْلَحْتَ»

«Роббингдан дунё ва охиратда кечирishi ва саломат қилишини сўрайсан. Агар шу иккиси дунёда ҳам охиратда ҳам сенга берилса, нажот топасан», деди. Имом Бухорий Адабул Муфрадда чиқарган.

•Абу Солиҳ Абу Бакр Сиддикдан ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ худди шу жойда туриб, йиғлаб юбордида, бундай деди:

«سَلُوا اللَّهَ الْعَافِيَةَ، فَإِنَّ أَحَدًا لَمْ يُعْطَ شَيْئًا خَيْرًا مِنَ الْعَافِيَةِ، لَيْسَ الْيَقِينُ»

«Аллоҳдан офият сўранглар. Чунки бирортаси имондан кейин офиятдан кўра яхшироқ нарсага эришмаган». Насойй Кеча ва кундуз амаллари китобида чиқарган, Имом Аҳмад Муснадда, Термизий Даъват китобида чиқарган, Ибн Можжа ривоят қилган.

•Абу Ҳурайра ривоят қилган яна бир ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай дейдилар:

«سَلُوا اللَّهَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ، فَمَا أُوتِيَ أَحَدٌ بَعْدَ يَقِينٍ خَيْرًا مِنْ مُعَافَاةٍ»

«Аллоҳдан афв ва офият сўранг. Чунки ҳеч ким имондан кейин офиятдан кўра яхшироқ нарсага эришмаган». Насойй ишлаб чиққан.

•Жубайр ибн Сулаймон ибн Жубайр ибн Мутъим Ибн Умардан ривоят қилишича, Ибн Умар айтади: Росулulloҳ ﷺ ушбу дуоларни эрта-ю кеч қилар эди:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي دِينِي وَدُنْيَايَ وَأَهْلِي وَمَالِي، اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَتِي، وَقَالَ عَثْمَانُ عَوْرَاتِي وَأَمِنْ رَوْعَاتِي، اللَّهُمَّ احْفَظْنِي مِنْ بَيْنِ يَدَيَّ وَمِنْ خَلْفِي وَعَنْ يَمِينِي وَعَنْ شِمَالِي وَمِنْ فَوْقِي، وَأَعُوذُ بِعَظَمَتِكَ أَنْ أُغْتَالَ مِنْ تَحْتِي»

«Аллоҳим Сендан дунё ва охиратда саломат қилишингни сўрайман. Аллоҳим дунё ва охиратда ҳамда оилам ва молимда афв ва офият бергин. Аллоҳим авратимни очилишидан – Усмон авратларим деб ривоят қилган – ўзинг сақла ва хатарли нарсалардан ҳимоя қилгин. Аллоҳим олдимдан, ортимдан, ўнг ва чап тарафимдан, устимдан ўзинг ҳимоя қил. Мен Сендан балолар кутилмаган пайтда келишидан паноҳ сўрайман». Имом Бухорий «Адабул Муфрад»да ишлаб чиққан.

•Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтади:

«نِعْمَتَانِ مَغْبُوتٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ: الصِّحَّةُ وَالْفَرَاغُ»

«Инсонлар икки неъмат қадрини билмайдилар, бу офият ва бўш вақтдир». Бухорий ва бошқалар чиқарган.

• Анас ибн Молик ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ:

«الدُّعَاءُ لَا يُرَدُّ بَيْنَ الْأَذَانِ وَالْإِقَامَةِ»

«Азон ва иқомат орасидаги дуо рад этилмади» деган эди. Биз, эй Аллоҳнинг Росули нима деб дуо қилайлик, дедик. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«سَلُوا اللَّهَ الْعَاقِبَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ»

«Аллоҳдан дунё ва охиратда саломат қилишини сўранг». Аҳмад, Абу Довуд ва Термизийлар чиқарган. Насойй кеча ва кундуз амаллари китобида ривоят қилган. Ибн Можжа шундай чиқарган:

«مَا مِنْ دَعْوَةٍ يَدْعُو بِهَا الْعَبْدُ أَفْضَلَ مِنْ: اللَّهُمَّ: إِنِّي أَسْأَلُكَ الْمُعَافَاةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ»

«Аллоҳим мен Сендан дунё ва охиратда саломат қилишингни сўрайман деб дуо қиладиган мўминнинг дуосидан афзал дуо йўқ». Ибн Қоййим айтади: «Бу ҳадисда дин ва дунё саломатлиги жамланган. Зеро, банданинг икки дунёда яхшиликка эришиши фақат аниқ ишонч (иймон) ва офият билан бўлади. Чунки имон ундан охират азобларини кетказди, офият эса қалб ва жисмидаги дунё касалликларини кетказди.

• Савбон رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтади:

«مَنْ قَالَ حِينَ يُمَسِّي: رَضِيتُ بِاللَّهِ رَبًّا، وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا، وَبِمُحَمَّدٍ نَبِيًّا، كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُرَضِيَهُ»

«Кимки тунда Аллоҳни Роббим деб, Исломи диним деб ва Муҳаммадни пайғамбарим деб рози бўлдим дея дуо қилса, Аллоҳга уни рози қилиш вожиб бўлиб қолади». Термизий чиқарган.

• Аббос ибн Абдулмутталиб رضي الله عنه айтади: Мен Росулulloҳ ﷺ га ё Росулulloҳ, Аллоҳдан нимани сўрашимни ўргатинг, деган эдим, менга

«سَلِ اللَّهَ الْعَاقِبَةَ»

«Аллоҳдан офият сўранг», дедилар. Бир неча кун туриб, яна келдим ва ё Росулulloҳ, Аллоҳдан нимани сўрашимни ўргатинг, дедим. Шунда бундай марҳамат қилдилар:

«يَا عَبَّاسُ! يَا عَمَّ رَسُولِ اللَّهِ! سَلِ اللَّهَ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ»

«Эй Аббос, эй Росулulloҳнинг амакиси, Аллоҳдан дунё ва охиратда офият сўранг». Аҳмад ва Термизий ривояти. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинишича, Набий ﷺ амакиси Аббосга бундай деганлар:

«يَا عَمَّ! أَكْثَرَ الدُّعَاءِ بِالْعَافِيَةِ»

«Эй амаки, офият сўраб кўп дуо қилинг». Бу Ҳасан ҳадис бўлиб, Табароний ва Ҳукмдор ривоят қилишган. Имом Нававий роҳимахуллоҳ айтади: «Офият сўрашга буюрган ҳадислар кўп бўлиб, улар жисмдаги, ботиндаги, диндаги, дунёдаги ва охиратдаги барча ёмон нарсаларни даф этишни ўз ичига олган умумий лафзлардир». Шавконий роҳимахуллоҳ айтади: «Бас, Росулulloҳ ﷺ ўз амакиси учун бошқа сўзларни эмас, фақат офиятни танлаганликларини ақли расо киши фикр қилсин ва Росулulloҳ ﷺга сермазmun ва ҳикматли калималар берилганини топсин. Чунки кимга офият берилса, дини ва дунёсида қалбан юракдан яхши кўрган нарсасига эришади ҳамда икки дунёда кўрққан нарсасидан аниқ сақланади. Росулulloҳ ﷺнинг офият сўраб дуо қилганликлари ҳақида мутавотир ҳадислар бор. У зотдан элликка яқин ҳадис лафзан ва маънан шу услубда ворид бўлган. Ҳолбуки, у зотнинг аввалги-ю кейинги гуноҳлари кечирилган ва мутлақо маъсум зот эдилар. Биз ҳаво-ю нафс ва шайтонга нишон бўла туриб нима учун офият сўрамаймиз?

• Абдуллоҳ ибн Қайс رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтади:

«مَا أَحَدٌ أَصْبَرَ عَلَىٰ أَدَىٰ يَسْمَعُهُ مِنَ اللَّهِ تَعَالَىٰ، إِنَّهُمْ يَجْعَلُونَ لَهُ نِدَاءً وَيَجْعَلُونَ لَهُ وِلْدَانًا وَهُوَ مَعَ ذَلِكَ يَرْزُقُهُمْ وَيُعَافِيهِمْ وَيُعْطِيهِمْ»

«Аллоҳдан кўра озорга сабрлироқ киши йўқдир. Чунки инсонлар Аллоҳга ширк келтирадилар, Унинг боласи бор дейдилар. Шунга қарамай, Аллоҳ уларга ризқ беради, саломат қилади ва неъматлар билан сийлайди». Имом

Муслим Аллоҳдан кўра озорга сабрлироқ бирор киши йўқ бобида ривоят қилган.

• Шакал ибн Хумайд رضي الله عنه айтади: Росулulloҳ ﷺга: Эй Аллоҳнинг Росули менга фойдали бўлган дуони ўргатинг деган эдим, У зот айтдиларки,

«قُلِ اللَّهُمَّ: عَافِنِي مِنْ شَرِّ سَمْعِي، وَبَصَرِي، وَوَلْسَانِي، وَقَلْبِي، وَمِنْ شَرِّ مَنِّي»


«Аллоҳим қулоғим, тилим, кўзим, қалбим ва авратим ёмонлигидан саломат қилгин деб дуо қиласан». Насоий чиқарган. Вакиъ роҳимаҳуллоҳ айтади: (Миний)нинг маъноси зино ва фисқу фужурдир деган.

• Росулulloҳ ﷺ саҳобаларига қабристонга чиқсалар шундай дуо қилишни ўргатар эди:

«السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ، وَإِنَّا إِن شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَاحِقُونَ، أَنْتُمْ لَنَا فَرَطٌ وَنَحْنُ لَكُمْ تَبَعٌ، أَسْأَلُ اللَّهَ الْعَافِيَةَ لَنَا وَلَكُمْ»

«Эй мўмин ва мусулмонлар диёри аҳли, сизга саломлар бўлсин. Албатта биз ҳам Аллоҳ хоҳласа сизнинг ортингиздан борамиз. Сиз бизга етакчи, биз эса сизга издошмиз. Мен сизга ва ўзимизга офият сўрайман».

афвнинг маъноси гуноҳларни ўчириш, уларни беркитиш ва улардан узоқ бўлишдир. العافية офиятнинг маъносига келсак, айб ва офатлардан саломат бўлиш. Шунингдек, Аллоҳ Таоло бандасини ёмонликлардан буриш, касалликлардан сақлаш ва гуноҳлардан ҳимоя қилиш орқали ҳар қандай бало ва қийинчиликлардан омон қилишидир. Бундан ташқари, уни сабр ва розилик билан ризклантириши ҳамда офатлар тушишидан сақлашидир. Динда офият сўраш ширк, гуноҳ, бидъат, вожибни тарк этиш ва итоат борасида бепарво бўлиш каби динни бузиб, унга ҳалал берадиган нарсалардан сақлашни сўрашдир. Дунёда офият сўраш дунё ёмонликлари ва мусибатларидан ҳамда бандага зарар берадиган мусибат, бало ва зарарлардан саломат қилишини сўрашдир. Охират офиятини сўраш охират даҳшатлари ва қийинчиликлари ҳамда у ерда бўладиган жазолардан сақлашни сўрашдир. Оиладаги офиятни сўраш уларни фитналардан, бало ва қийинчиликлардан ва турли касалликлардан ҳимоя қилишини



сўрашдир... Мол-дунёдаги офият эса чўкиб кетиш, ўт кетиш, ўғирланиш ва бошқалар каби молига келадиган ва зарар етказадиган офатлардан ҳимоя қилишини сўрашдир. Шунингдек, озор етказадиган ходисалар ва зарар берадиган хатарларнинг барчасидан Аллоҳдан сақлашини сўрашдир. □

РОШИД ХАЛИФАЛАРНИНГ ИЛК НУТҚЛАРИ

1 – Абу Бакр Сиддиқ ﷺнинг хутбаси:

Абу Бакр Сиддиқ 11 ҳижрий санада, Бану Соида айвонида Халифаликни қабул қилгач, Аллоҳга ҳамд ва сано айтиб бундай хутба қилди: «Аммо баъд, Эй инсонлар, мен сизга раҳбар бўлдим. Лекин мен сиздан афзал эмасман. Агар мен тўғри бошқарсам, менга ёрдам беринг, агар ёмон бошқарсам мени тўғрилаб қўйинг. Тўғри сўзлик – омонатдир. Ёлғончилик эса хиёнатдир. Орангизда заиф киши менинг наздимда кучлидир, токи унинг ҳаққини инша Аллоҳ олиб бергунимга қадар. Орангизда кучли киши менинг наздимда заифдир, токи ундан (бировнинг) ҳаққини инша Аллоҳ олиб бергунимга қадар. Қайсики қавм Аллоҳ йўлидаги жиҳодни тарк этса, Аллоҳ уларни хор қилади. Агар қавм ичида фахш ёйилса, Аллоҳ уларнинг барчасига бало ёғдиради. Мен Аллоҳ ва Росулига итоат қилишимга қараб, сиз ҳам менга итоат этинг. Агар Аллоҳ ва Росулига исён қилсам, сиз учун менга итоат қилиш йўқ».

2 – Умар ибн Хаттоб ﷺнинг хутбаси:

Ровийлар Умар Форук биринчи хутбаси борасида турли фикрларни айтишган. Баъзилар айтадики, Умар минбарга кўтарилдида, бундай деди: «Аллоҳим мен каттиққўлман, мени мулойим қил, мен заифман кучли қил, мен бахилман саховатли қил». Баъзилар Умар ﷺнинг биринчи хутбаси бундай бўлган дейишади: «Аллоҳ Таоло сизни мен билан, дўстимдан кейин мени сиз билан синамоқда. Аллоҳга қасамки, сизнинг бирон бир ишингизни мендан бошқасига ўтиб, у ҳақда ҳукм чиқаришига ташлаб қўймайман. Масъулиятли ва омонатгўй одамга маълум бўлиши керак бўлган бирон бир ишни эътиборсиз қолдирмайман. Аллоҳга қасамки, агар яхшилик қилсалар мен ҳам уларга яхшилик қиламан. Агар ёмонлик қилсалар жазолайман». Умарнинг хутбасига гувоҳ бўлганлар: Аллоҳга қасамки, у дунёдан ўтгунича шундан бошқасини зиёда қилмади, дейишган. Яна бир ривоятда Умар минбарга кўтарилди ва Абу Бакр чиққан зинага чиқмоқчи бўлди-ю, лекин: Мен ўзимни Абу Бакрнинг жойига муносиб кўрсамда, Аллоҳ мени бунга муносиб кўрмади деди ва биринчи зинага ўтирди. Сўнг Аллоҳга ҳамду сано айтиб деди: Қуръонни ўқинглар ва унга амал қилинглар, унинг аҳлидан бўлинглар. Амалларингиз тарозида тортилишидан олдин ўзингизни тортинглар. Ўзингизни Аллоҳга рўбарў бўладиган кундаги катта кўринишга тайёрланг, чунки у кунда сиздан ҳеч нарса яширин бўлмас. Аллоҳга маъсият қилишда махлуққа итоат қилиш йўқ. Огоҳ бўлингки, мен Аллоҳнинг мулки борасида ўзимни етимнинг

валийси даражасига туширдим, агар бехожат бўлсам, ўзимни тияман, агар муҳтож бўлсам оқилоналик билан ейман».

Умар барча гувоҳлар олдида ўз хутбасини қилган деб фараз қилсак, ушбу ривоятларни жамлаш мумкин. Баъзилар ундан бир қисмини ёдлаб ривоят қилган бўлса, бошқалар яна бошқа қисмини ёдлаб айтган бўлиши мумкин. Умар Форук ўзининг биринчи хутбасида сиёсий ва идорий баёнотларни диний панд-насиҳат билан аралаштириши ажабланарли иш эмас. Бу аввалги халифаларнинг ёндашуви бўлиб, улар Аллоҳдан қўрқиш, тақвога буюриш ҳамда Аллоҳнинг шариати ва манҳажига кўра инсонларни бошқариш ўртасида фарқни кўрмаганлар. Умарнинг ўзидан олдинги буюк салафи Абу Бакрнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, унинг жойига ўтирмагани, бу билан уни одамлар олдида ўзига тенглаштириб қўйишини билгани ва Абу Бакр Сиддикдан ўзини бир даража паст тутгани ҳам ғалати эмас эди. Яна бир ривоятда бундай келади: Умар Форук халифа бўлганидан икки кун ўтиб, одамлар унинг қаттиққўллиги ва кучидан қўрқишлари тўғрисида гапиришди. Шунда Умар бу масалада ўзи ойдинлик киритиши кераклигини тушунди ва минбарга чиқиб, Пайғамбар ﷺ ва у зотнинг халифаси ҳузуридаги ўзининг мақомини ҳамда у иккиси Умардан рози бўлган ҳолда вафот этганини эслаб, хутба қилди:

«Эй инсонлар албатта мен сизга раҳбар бўлдим. Шундай экан, билингизки, менинг қаттиққўллим энди мулойимлашди. Лекин золим ва ҳаддидан ошганларга ҳали ҳам қаттиққўлман. Агар бирортаси бошқасига зулм ёки тажовуз қилса, унинг бир юзини ерга ишқайман. Иккинчи юзига оёғимни қўйиб, ҳаққа бўйсундираман. Албатта мен мана шундай қаттиққўлликдан кейин икки юзимни ифбат аҳли ва фақирлар оёғи остига қўяман. Эй инсонлар, менинг устимда сизларга эслатиб қўйишим зарур бўлган мажбуриятлар бор, уларни мендан қабул қилинг: мен сизнинг хирожингиздан ва Аллоҳ сизга берган ўлжа-файдан фақат Унинг розилиги учун оламан. Агар ўша нарсалар менинг қўлимга тушса, мендан фақатгина ҳақли ўринлардагина оласиз. Менинг устимда сизга кўп ҳадялар бериш, Аллоҳ изни ила сизни тўйдириш ва дахлсизликларингизни ҳимоя қилиш бурчи бор. Агар мен сизни бирор жойга юборсам, қайтиб келгунингизча мен болаларингизнинг отасиман. Аллоҳнинг бандалари борасида Ундан қўрқинг. Ўзингиз ва менинг нафсимни тийган ҳолда менга ёрдам беринг. Маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш билан ҳамда Аллоҳ менга ишларингиз борасида топширган нарсаларда насиҳат қилиш орқали менга ёрдам беринг. Ушбу сўзларимни

айтар эканман, Аллоҳдан сиз ва менинг гуноҳларимизни кечиришини сўрайман». Яна бир ривоятда келишича, Умар айтади: «Араб миллати ювош миниладиган жонивор кабидир. Эгаси қаерга бошласа, яхшиликка деб ўйлайди. Каъбанинг Роббиси билан қасам ичаманки, мен сизни албатта тўғри йўлдан олиб бораман».

3 – Усмон ибн Аффоннинг биринчи хутбаси:

Усмон ибн Аффоннинг мусулмонларга қилган хутбасига келсак, Сайф ибн Умар Бадр ибн Усмондан, у эса амакисидан ривоят қилишича, Шўро аҳли Усмонга байъат бергач, қаттиқ тушкунликка тушган ҳолда чиқди ва минбарга келиб, хутба қилди. Аллоҳга ҳамд ва сано ҳамда Росулulloҳга салавот айтганидан кейин, бундай деди: «Албатта сиз вақтинчалик дунёдаги қолган умрингизни ўтказмоқдасиз. Шундай экан, умрингизни кучингиз етганича яхшилик билан ўтказишга кечаю кундуз ҳаракат қилинг. Огоҳ бўлингки, бу дунё ёлғонларга тўладир, сизни ҳаёти дунё алдаб қўймасин, сизни Аллоҳ (барча гуноҳларни кечиб юбораверади, деб) алдагучи (шайтон) алдаб қўймасин. Ўтганлардан ибрат олинг, кейин жиддий бўлинг ва эътиборсиз бўлманг. Чунки сиз эътиборсиз қолдирилмайсиз. Дунёни яхши кўрган, ривожлантирган ва узоқ вақт ундан баҳраманд бўлган дунёпарастлар ва уларнинг ака-укалари қани? Ахир уларни дунё улоқтириб юбормадимиз? Шундай экан, Аллоҳ дунёни улоқтирганидек сиз ҳам уни улоқтиринг. Сиз охиратни танланг, дарҳақиқат Аллоҳ охират ҳақида яхши нарсани мисол келтирган:

﴿وَأَضْرَبَ لَهُم مَّثَلُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَا آتَىٰ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَآخَتَلَطَ بِهِ نَبَاتُ الْأَرْضِ فَأَصْبَحَ هَشِيمًا تَذْرُوهُ الرِّيحُ ۗ وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ مُّقْتَدِرًا ﴿٦٠﴾ الْمَالُ وَالْبَنُونَ زِينَةُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَالْبَاقِيَاتُ الصَّالِحَاتُ خَيْرٌ عِندَ رَبِّكَ ثَوَابًا وَخَيْرٌ أَمَلًا﴾

«(Эй Муҳаммад, одамларга) ҳаёти дунё мисолини келтиринг, (У) худди бир сув кабидирки, Биз осмондан ёғдириб (аввал — киши ҳаётининг баҳорида) у сабабли замин набототи (бир-бирига) аралашиб-чирмашиб кетур, сўнгра (ҳаёт кузи келгач) шамоллар учуриб кетадиган хас-хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир бўлган зотдир. Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир. Парвардигорингиз наздида эса (абадий) қолгучи яхши амаллар савоблироқ ва орзулироқ (орзу қилишга арзирлироқдир)» [Кахф 45-46]

4 – Али ибн Абу Толибнинг биринчи хутбаси:

Али ибн Абу Толибнинг мусулмонларга биринчи хутбасига келсак, у бундай деган эди: «Аммо баъд, албатта менга масъулият

юкланган эди, мен уни қабул қилдим. Огоҳ бўлингки, мен бидъатчи эмас эргашувчиман. Аллоҳнинг китоби ва Пайғамбарининг суннатидан кейин менинг сизнинг олдингиздаги бурчим учта нарсадан иборат: биринчи сиз мендан олдин эргашган кишиларга ва уларнинг йўлига эргашиб, иккинчиси сиз амал қилмаган нарсада яхши одамларнинг суннатига амал қилиш, учинчиси ўзингиз муносиб бўлган ўринда сизни жазолаш. Огоҳ бўлингки, дунё хузурингизда ва у одамлар учун ёқимли бўлиб, кўпчилик унга мойил бўлиб қолган. Шундай экан, дунёга суянманг ва унга ишонманг, чунки у ишончли эмас. Билингки, ким дунёни тарк этмаса, дунё уни тарк этмайди».

Али عليه السلامнинг Халифаликка киришаётган пайтдаги биринчи хутбаси: Аммо баъд, Росулulloҳ вафот этгач, одамлар Абу Бакрни халифа қилишди. Кейин Абу Бакр Умарни ўз ўрнига халифа қилди ва Умар унинг тариқат-услугига амал қилди. Кейин олти киши маслаҳат қилиб Усмонни Халифа қилишди. У сиз мункар ва маъруф деган нарса бўйича иш юритди... Кейин у сиқувда қолди ва ўлдирилди... Кейин итоаткорлик билан менинг олдимга келиб, мени талаб қилдинглар. Мен сиздан бўлган бир кишиман, менга фойдали бўлган нарса сиз учун ҳам фойдали ва мен учун зарарли нарса сиз учун ҳам зарарли. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло сиз билан қибла аҳли ўртасида эшикни очди. Фитналар худди кечанинг бўлаклари каби келди. Бу иш фақат сабрли, онгли ва ишнинг воқесини биладиган кишиларга юкланади. Албатта мен уни Пайғамбарингиз минҳожидан асосида қабул қиламан. Мен нимага буюрилсам, сизга ўшани татбиқ қиламан. Агар менга нисбатан тўғри бўлсангиз, Аллоҳ ёрдамчимдир. Огоҳ бўлингки, мен Росулulloҳ ﷺга нисбатан тириклик чоғида қандай муносабатда бўлсам, ҳозир ҳам шундай муносабатдаман. Шундай экан, буюрилган ишни бажаринг ва қайтарилган ишни тарк этинг. Бир ишни сизга тушунтириб бермагунимча шошилманг. Чунки мункар деяётганингиз ҳар бир ишда бизнинг узримиз-сабабимиз бор. Огоҳ бўлингки, Албатта Аллоҳ Таоло ўз самоси ва арши узра биладики, албатта мен Муҳаммад Умматига волий бўлишни ёқтирмаган эдим, лекин сиз шунга келишдингиз. Мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитганман:

«أَيُّمَا وَالٍ وَوَلِيٍّ الْأَمْرِ مِنْ بَعْدِي أُقِيمَ عَلَىٰ حَدِّ الصِّرَاطِ وَنَشَرَتِ الْمَلَائِكَةُ صَحِيفَتَهُ، فَإِنْ كَانَ عَادِلًا أَنْجَاهُ اللَّهُ بِعَدْلِهِ، وَإِنْ كَانَ جَائِرًا انْتَفَضَ بِهِ الصِّرَاطُ حَتَّى تَتَرَايَل مَفَاصِلُهُ ثُمَّ يَهْوِي إِلَى النَّارِ، فَيَكُونُ أَوَّلَ مَا يَتَّقِيهَا بِهِ أَنْفُهُ وَحَرُّ وَجْهِهِ»

«Мендан кейин раҳбарликка ўтирган ҳар бир волий Сирот (кўприги) чеккасида туради ва фаришталар унинг китобини ёяди. Агар одиллик қилган бўлса, адолати туфайли Аллоҳ уни қутқаради. Агар зулм қилган бўлса, Сирот силкинади ва бўғинлари тойилиб дўзахга тушади. Шунда оловда энг биринчи унинг бурни ва юзи қуяди». Лекин мен сиз келишгач, сизни тарк эта олмадим, деди. Шундан кейин ўнг ва чапга қараб давом этди: «Диққат қилинг: Эртага орангиздан баъзи кишилар дунёга кўмилсалар, уй-жойларни эгалласалар, дарёлар ўтказсалар, яхши тулпорларга минсалар, гўзал аёлларга уйлансалар, сўнг бу нарсалар уларга уят ва шармандаликка айланган пайтда мен уларнинг ҳаддан ошган нарсаларидан маҳрум қилганимда, бажаришдан қочган вазифаларини бажаришга мажбур қилганимда... улар қасдлашиб, бундан норози бўлиб, «Абу Толибнинг ўғли бизнинг ҳаққимиздан маҳрум қилди», демасинлар! Диққат қилингим, Росулulloҳнинг муҳожирлар ва ансорларидан бирортаси ўзини бошқалардан афзал деб ҳисоблайдиган бўлса, билиб қўйсинки, энг яхши афзаллик эртага Аллоҳнинг ҳузуридаги афзаллик бўлади, савобу ажри Аллоҳдан келади. Чунки сизлар Аллоҳнинг қулларисиз, мол-дунё Аллоҳнинг мол-дунёси, уни орангизда баробар тақсимлайди, бўлишда бирини иккинчисидан афзал қилмайди. Эртага энг яхши ва афзал савобу ажри Аллоҳ олдида тақводорлар олади, аммо Аллоҳ тақводорларга бу дунёни ажру савоб қилмаган, Аллоҳ ҳузуридаги бор нарса аброрлар учундир. Аллоҳ Таоло тақводорлар учун дунёни ажр ва савоб қилиб бермади. Аллоҳ ҳузурида нимаки бўлса яхшилар учундир. Агар эртага Аллоҳнинг хоҳиши билан тонг отса, ҳузуримизга келинг. Чунки бизда мол-мулк бор, уни ўртангизда тақсимлаймиз. Сиздан арабми ёки аямми бирортаси ҳам қолмайди, агар эҳсон олишга ҳақли бўлса ва озод мусулмон бўлса унга мол-мулк берилади. Ушбу сўзларни айтар эканман, ўзим ва сиз учун Аллоҳдан гуноҳларни кечиришини сўрайман». □

ГАРДИАН: САУДИЯ МУСУЛМОНЛАРНИ СПОРТ БИЛАН ЧАЛҒИТИШ УЧУН 6 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР САРФЛАМОҚДА

Англияда чоп этиладиган «Гардиан» газетаси Рут Майклсоннинг ҳисоботини чоп этди. Ҳисоботда айтилишича, Саудия Арабистони 2021 йил бошидан буён спорт битимларига камида 6.3 миллиард доллар сарфлаган. Ҳуқуқ ташкилотлари бундай сарф-харажатларни «Риёзий ғасил» яъни «Спорт билан чалғитиш» деб сифатладилар. Бу дегани Саудия Арабистонидаги ёмон инсон ҳуқуқлари ҳолатидан эътиборни чалғитиш учун йирик спорт тадбирларини молиялаштиришни англатади. Grant Liberty нодавлат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилоти бундай дейди:

«Илгари спорт арбоблари ва тижорий брендлар Саудия Арабистонида инсон ҳуқуқлари бузилгани туфайли у билан ҳамкорлик қилиш таклифини рад этиб келган. Бироқ, бугун режимнинг ахлоқий позициясида ташвишли ўзгаришлар юз берди, яъни давом этаётган ва ёмонлашаётган ҳуқуқбузарликларга қарамай, бугунги кунда фойдали битимлар қабул қилинмоқда».

Газетанинг таъкидлашича, 6.3 миллиард доллар деган умумий кўрсаткич ҳақиқий суммадан кам бўлиши мумкин. Давлат инвестиция жамғармаси ўзининг молиявий ресурсларига нисбатан ноаниқлик билан машҳур бўлиб, айрим битимлар тафсилотлари эълон қилинмайди. Газетанинг хабар беришича, Саудия Арабистони миллиардлаб маблағ сарфлаган. Давлат жамғармаси футбол ҳомийлигига 2.3 миллиард доллар сарфлаш ниятида эканини эълон қилди. Саудиянинг тўртта футбол жамоасининг аксарият акцияларини сотиб олиш учун киритилган жуда катта ҳажмдаги инвестициялар ҳам шулар жумласидан. Газетанинг таъкидлашича, Саудиянинг «Ҳилол» клуби Франция терма жамоаси сардори Килиан Мбаппега 300 миллион евро миқдорда жаҳон рекордидаги маблағни таклиф қилган. Клуб Ньюкасл Юнайтедни 391 миллион долларга сотиб олган. «Наср» клуби футбол юдузи Криштиану Роналду билан йилига 200 миллион долларлик шартнома имзолаган ва шунинг билан у дунёдаги энг кўп маош олувчи футболчига айланган. Роналдунинг ўтган мавсумдаги трансферидан сўнг бир гуруҳ юлдузлар ва мураббийлар, жумладан Карим Бензема, НГоло Канте, Роберто Фирмино ва Астон Вилланинг ҳамда собиқ мураббий Стивен Жеррардларнинг бошқа клубларга ўтиши кузатилди. Шу йилнинг феврал ойида Саудия Арабистони 2023 йилги клублар ўртасидаги Жаҳон Чемпионатига мезбонлик қилишини эълон қилди. Жамғарма голфга ҳам 2 миллиард доллар сармоя киритди ва бу Саудияни, эҳтимол, бугунги кунда спортдаги энг нуфузли кучга айлантирди. Қироликнинг бошқа сармоялари қаторига бокс ва мотоспорт ҳам қиради. Газетанинг таъкидлашича, 6.3 миллиард долларлик кўрсаткичга йирик давлат нефть компанияси ARAMCO ҳар йили «Формула-1»га ҳомийлик қилиш учун сарфлайдиган 40-45 миллион долларни ўз ичига олмайди. Бундан ташқари, давлат инвестиция жамғармасининг электрон спорт оламидаги кенг қўламли харажатлари, жумладан «Embracer Group» видео ўйинлар компаниясига яқинда қўйилган миллиард долларлик сармоя ҳам бундан мустасно. 2021 йил март ойида Қизил денгиз соҳилида режалаштирилган NEOM шаҳри ва Осиё Футбол Конфедерацияси ўртасида тўрт йил муддатга тузилган шартнома ҳам ҳисоби йўқ сарф-харажатлар жумласидандир.

Ал-Ваъй: мана шу ишларнинг барчаси устида турган ибн Салмондир. Унинг 2030 йилгача мамлакатнинг келажакига бўлган қараши мана шу асосга қурилади. Мусулмонларнинг кенг камровли масалаларига эътибор қаёқда қолди?! Аксига олиб у ўзининг сиёсатига қарши гапирган, ўзининг сиёсатига қарама-қарши турган барча уламоларни ўлим билан таҳдид қилмоқда. У яширинча Умнат душманлари билан муносабатларни нормаллаштиришга интилар экан, бизнинг унга ва Кўрфаздаги бошқа мусулмон ўлкалар ҳукмдорларига айтар сўзимиз бундай: Бехуда сарфлаётганинг бу маблағлар сенларники эмас, балки Аллоҳ уни мусулмонлар учун ато этган умумий мулкдир, аммо сенлар уни ҳаром йўл билан тасарруф қилаясанлар. Аллоҳнинг олдида бунинг ҳисоби жуда оғир бўлади. Аллоҳ изни ила, бу дунёнинг ўзида мусулмонларнинг қўлидан Аллоҳнинг азобига дучор бўласиз. □

КЎРФАЗНИ (ИСРОИЛ) БИЛАН КЕЛИШТИРИШ... КЎРФАЗ ХАЛҚЛАРИ БУНГА ҚАРШИ

Форс Кўрфази ҳукмдорларининг яҳудий вужуди билан бўлган муносабатларни нормаллаштиришларига нисбатан Кўрфазда яшовчи мусулмонлар эгаллаган позиция барча мусулмон юртларидаги мусулмон биродарларининг позицияси билан бир хилдир. Позиция – бундай қоришмани рад этиш. Негаки, бу диний нуктаи назардан келиб чиққан ва ақида масаласига боғлиқ позициядир. Мусулмонларнинг тутган бу позицияси шариатнинг яҳудийларга нисбатан тутган позициясидир. Зеро, Қуръон ва Суннат яҳудийлар ҳақидаги ва уларнинг мусулмонларга нисбатан душманлиги ҳақидаги ҳадислар билан тўладир. Мусулмонлар яҳудийлар ҳақида ўқиётган Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар улар Фаластин ва бошқа ерларда мусулмонларга қарши олиб боришаётган ёвузликлар воқелигидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Шунинг учун қувайтлик журналист Фажр Саиднинг (Исроил) каналларидан бирида (Исроил) билан тинчликка асосланган муносабатлар ўрнатиш муҳимлиги ҳақида гапирган заҳоти унга қарши танқид ва ҳужумлар бўрони авж олди. Ҳатто иш маҳкамаларда судлашишгача етиб борди. Қувайтлик бошқа бир журналист Алий Фаззола Фажр Саиднинг чақириғини қўллаб-қувватлаганида ва олтмиш йиллик бойкот Фаластин муаммосига ҳеч қандай наф келтирмаганлигини таъкидлаганда, у ҳам қувайтлик ва бошқа Кўрфаз мамлакатлари халқлари томонидан шиддатли ҳужумга дучор бўлди. Шунга ўхшаш ҳаракатлар Саудия ва бошқа Кўрфаз мамлакатларидаги оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан амалга оширилди. Бунақа киришишдан воз кечиш ва яҳудийлар билан расмий яқинлашишнинг барча шакллари рад этиш бир неча кўринишларга эга бўлди. Қувайт, Қатар, Уммон султонлигида кўплаб семинарлар ўтказилди ва электрон кампаниялар ишга туширилди. Султонликда босқинчи бош вазир Биньямин Нетаняхунинг ўтган октябрь ойида Уммон султонлигига қилган ташрифи чоғида танкидий фикрлар пайдо бўлди. Шунингдек, Қатарда ҳам шунга ўхшаш позициялар очикка чиқди. Эҳтимол улардан энг кўзга кўринганлари яқинда Давха мезбонлик қилган гимнастика бўйича Жаҳон чемпионатида исроиллик ўйинчиларнинг иштироки бўлган... Лекин Саудияда ҳам, Амирликларда ҳам бундай танкидий фикрларга йўл қўйилмайди. Бу ердаги одамларда икки хил йўл бор; бири бу икки ҳукумат йўналишларига зид бўлган ўз фикрларида маҳкам туриш, иккинчиси, ҳибсга олиниш. Бу умумий қоидани таъкидлайдиган ишдир. Умумий қоида ҳукумат йўналишига қарши миллий жамоатчилик фикрининг мавжудлигидир. Бу позиция расмий ва халқ орасидаги ажралиш, жарлик ҳолатини акс эттиради.

Ал-Ваъй: Кўрфаздаги ҳукуматлар кўплаб оммавий ахборот воситаларига эга бўлишларига ва уларнинг таъсири қанчалик кучли бўлишига қарамай, бу халқнинг позициясини ўзгартиришга ёрдам бермайди. Чунки, у илгари Миср, Иордания, ҳатто Марокаш ёки Суданда ҳам ёрдам бермаган эди. Буни яҳудий ҳукмдорлари ҳам, Суриядаги мусулмон ўлкалар ҳукмдорлар ҳам яхши билишади. Нетаняху буни очик айтган. Бунинг сабаби шундаки, Кўрфаз ҳукмдорлари ҳам, мусулмон ўлкалар ҳукмдорлари ҳам битта лойдан яратилган, улар бир хил. Вазиятни тартиб солиш барча хоинликларнинг манбайи бўлган ва мусулмонларнинг муаммоларини ечишни пайсалга солиб келаётган ана ўша ҳукмдорларни ўзгартиришдан бошланади. Вазиятни тартибга солиш ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини қоим қилишдан, анави ҳукмронлар орасида, ҳатто яҳудийлар орасида ҳам Аллоҳнинг ҳукмини қоим қилишдан бошланади. □